

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ”  
кафедраси**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК 347(571.1.14)

**РАЗЗОҚОВ ХАСАН МИРЗАМАШРАПОВИЧ**

**ЖАЗО ТИЗИМИ, ТУРЛАРИ ВА МАВЗУНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИ**

5А380124-Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (юриспруденция)  
мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун  
ёзилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Илмий раҳбар:

|                     |
|---------------------|
| ю.ф.н. Р.Э.Қурбонов |
|---------------------|

Тошкент – 2011

**М У Н Д А Р И Ж А**

|                                                                           |    |
|---------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>К И Р И Ш</b>                                                          | 1  |
| <b>I-боб. Жиноят ҳуқуқида жазо тизимининг тушунчаси</b>                   | 2  |
| 1.1. Жиноий жазо тушунчаси ва моҳияти                                     | 3  |
| 1.2. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тизимида жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши | 5  |
| <b>II-боб. Жиноят қонунига биноан тайинланадиган жазо турлари</b>         | 6  |
| 2.1. Жарима                                                               | 7  |
| 2.2. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қил иш                                        | 8  |
| 2.3. Ахлоқ тузатиш ишлари                                                 | 9  |
| 2.4. Хизмат бўйича чеклаш                                                 | 10 |
| 2.5. Қамоқ                                                                | 11 |
| 2.6. Интизомий қисмга жўнатиш                                             | 12 |
| 2.7. Озодликдан маҳрум қилиш                                              | 13 |
| 2.8. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш                                       | 14 |
| 2.9. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш                              | 15 |
| <b>III-боб. Жазо тизими, турлари мавзусини ўқитиш услуби</b>              | 16 |
| 3.1. Жиноят ҳуқуқи фанининг методологияси                                 | 17 |
| 3.2. Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишнинг замонавий услублари      | 18 |
| <b>Х У Л О С А</b>                                                        | 19 |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>                                   | 20 |

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бундай ўзгаришлар ва янгиланишлар бевосита ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада тўлароқ таъминлаш, шунингдек, шахс учун қонунларга риоя этишнинг ҳуқуқий рағбатлантирувчи тизимини яратишга қаратилган бўлиб, худди шундай ишлар жиноий жазо тизими ва унинг мавжуд турларини замон руҳи ва талабига мослаб такомиллаштириш ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати ҳисобланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши борасида бир қанча фикрларни билдирдилар, жумладан, “Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди. Ушбу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, 2001 йилда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини ишонч билан таъкидлаш лозим. Мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазolari ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди. Шунингдек, Жиноят кодексининг 11 та

моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди. Айтиш керакки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чора-тадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Ишончим комил, хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш шарт эмас – бу давлатга жуда қимматга тушади, қолаверса, бундай жазо тури маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал қилмайди. Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноий жазонинг муҳим шартлари маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш ҳисобланади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш самарадорлигини ошириш жазонинг шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишга самарали таъсир кўрсатувчи омилларидан ҳисобланади”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2010. –Б. 16-18

<sup>2</sup> И.А.Каримов. Адолат-қонун устворлигида. Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги маърузаси/ Халқ сўзи. 2001 й. 30 август

Жиноят деган салбий ижтимоий ҳодисага қарши кураш Ўзбекистоннинг энг муҳим вазифаларидан бири десак адашмаган бўламиз. Бир мураккаб сиёсий тузумдан иккинчи бир сиёсий тузумга ўтиш вақтида жамиятда турли туман зиддиятлар юзага чиқади. Бунда жиноятчиликнинг ўсиши ҳам кузатилиши мумкин. Лекин бунга республикамизда кўрилган илмий асосланган оқилона чоралар ўз натижаларини бермоқда. Худди шундай муҳим чоралардан бири маҳкумни ахлоқан тузатиш билан бирга жиноятчиликка қарши курашувчи муҳим чораларидан бир бу жиноий жазолардир.

Жиноятчиликка қарши кураш ишида ва унинг олдини олишда жиноий жазо чораларидан ҳам кенг фойдаланилади. Жиноий жазо давлатда жиноятчиликка қарши курашнинг асосий воситаси эмас, ўтиш даврида жиноятчиликка қарши курашнинг ўткир куроли сифатида фойдаланиш мумкин.

Танланган мавзунинг долзарблиги 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят Кодекси қўлланилишида муаммолар ва айрим нормаларнинг назарий қоидаларини жиноят ҳуқуқида ишлаб чиқиш зарурати туғилганлигидир. Чунки янги Жиноят кодекси бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг жиноят қонуни бўлиб, 1959 йилда қабул қилинган ЖК дан ҳамда унда назарда тутилган жазо тизими ва турларидан тамоман фарқ қилади. Шунинг учун ҳам янги ЖК га асосланган жиноят ҳуқуқи ва унинг энг муҳим мустақил институтларидан бири бўлган жазо тизими ва турларининг нормаларини такомиллаштириш, ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг принципларига ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган ҳозирги кундаги жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатига мослаб, бугунги кундаги айрим жазо тизимидаги қаттиқ жазо турларини ЖК дан чиқариб ташлаш ҳамда ҳозирги замонга мос бўлган бошқа жазо турларини жорий этиш каби муаммоларни назарий жиҳатдан илмий асосда тадқиқ этиш ва эришилган илмий-назарий ютуқ ғояларини амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай демократик ислоҳатларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши, давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик принципининг жорий қилиниши қонунда содир этган шахсларга қандай жазо қўлланиши кераклиги ҳақида аниқ таъриф бўлишини талаб этади. Бундай шахсга нисбатан давлат мажбурловининг ҳар қандай чораси эмас, балки амалдаги жиноят қонунида кўзда тутилган жазо турларини қўлланилиши лозим бўлади. Шунинг учун, жазо турларини айримларидаги камчиликларни ҳал қилиш, уларни замон талабига янада мослаб такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқади. Ушбу муаммолар устидан илмий тадқиқот олиб бориш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** Бизга маълумки, ҳуқуқшунослик соҳасида тадқиқ қилинган кўпчилик муаммолар орасида жиноий жазо тизими ва турларини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳим ўрин эгаллаб келган. Бироқ, бундай ишлар билан яқиндан танишиб чиқиш жазо тизимининг тушунчаси ва моҳияти, мақсади ва унинг муҳим белгилари, жазонинг тарихий шаклланиш жараёни, ҳозирги жазо тизимига тавсиф ҳамда жазонинг алоҳида турларидаги нормаларни янада такомиллаштириш борасида кам эътибор берилганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Аммо, мазкур мавзу бўйича умуман тадқиқотлар олиб борилмаган, деб айтиш нотўғридир. Ушбу мавзунинг тадқиқ қилишда республикамиз олимларидан махсус асарлар тасниф этганлари М.Усмоналиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари<sup>1</sup>, шариатда жиноят ва жазо М.Ражабовалар бўлишса<sup>2</sup>, М.Х.Рустамбоев, Й.М.Каракетов, К.Р.Абдурасулова, Ф.Тохиров, Ю.М.Якубов, А.Абдумажидов, Э.Норбўтаев, Б.А.Миренский каби бир қатор кўзга кўринган ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг илмий изланишларида қисман эътибор бериб ўтган бўлсаларда, лекин мазкур мавзу юзасидан барча жазо турларидаги муаммоларни яхлит

---

<sup>1</sup> М.Усмоналиев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари. ТДЮИ. Т.: 2003.-Б.88.

<sup>2</sup> М.Ражабова. Шариатда жиноят ва жазо. Т.: Адолат. 1996.-Б.132.

(комплекс) тарзда қамраб олинган махсус тадқиқот иши шу бугунги кунга қадар Ўзбекистонда амалга оширилмаган.

Мазкур магистрлик диссертациясида баён этилаётган айрим жиҳатларига МДХ даги қуйидаги бир қатор ҳуқуқшунос олимлар яъни, Благов Е.В., Борзенков Г.Н., Бриллиантов А.В., Виттенберг Г.В., Галкин В.М., Гальперин И.М., Дементьев СИ., Иванов В.Н., Козлов А.П., Кудрявцев В.Н., Малков В.П., А.И.Кригер., Карпец И.И., Милюков С.Ф., Минская В., Михлин А.С., Стручков Н.А., Сундуrow Ф.Р., Шаргородским М.Д., Шмаров И.В., Чучаев А.И., У.С.Джекебаев., С.А.Шапинова., Н.К.Садвакасов ва бошқаларнинг илмий ишларида Бағрий-Шахматов Л.В. Е.Г.Фролова и Р.Р.Галиакбарлар докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган бўлсалар, Россиялик олим Сакаев А.И.<sup>1</sup> ва Қирғизистонлик олима Л.Ч.Сыдыкова докторлик диссертациясини ёзганлар<sup>2</sup>.

### **Магистрлик диссертациясининг мақсади**

Мазкур илмий-тадқиқот иши билан шуғулланишнинг мақсади мамлакатимиз Жиноят ҳуқуқи бўйича жазо тизими ва турларини мантикий илмий асосларда кўриб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва ушбу мавзунини ўқитиш услубини тадқиқ қилишдир.

**Ушбу мақсадга қуйидаги вазифаларни ҳал этиш орқали эришиш мумкин:**

-1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси бўйича жазо тизимини илмий таҳлил қилиш;

-Ўзбекистон Республикасида жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши масалаларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш;

- хорижий мамлакатлар Жиноят қонунларидаги жазо тизимини тадқиқ қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича жазо тизими ва турларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

---

<sup>1</sup> Сакаев А.И. Система наказаний по уголовному праву России. Автореферат. канд. дис. юрид. наук. Самара 1999 г.

<sup>2</sup> Сыдыкова Л.Ч. Система и виды наказаний по уголовному праву Кыргызской Республики. Бишкек 1999 г.

- жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишнинг мавжуд услубларини таҳлил қилиш ва ушбу жараёнда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш масалаларини ўрганиш.

**Тадқиқот ишининг объекти:** Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунидаги жазо тизими ва турларини илми-назарий жиҳатдан ўрганиш; МДХ таркибига кирувчи Россия Федерацияси ЖК, Қозоғистон ЖК ва Қирғизистон ЖК ҳамда Романа-Герман ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган хорижий мамлакатлар ҳисобланган Польша ЖК, Болгария ҳамда Хитой Халқ Республикаларининг ЖК бўйича жазо тизими ва турларини ҳам илмий-назарий томонларини ўрганиш ҳисобланади. Шунингдек, илмий ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш орқали жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитиш масалаларини кўриб чиқишдир.

**Тадқиқот ишининг предмети:** Ўзбекистон жазо тизими ва турлари ҳақидаги ҳуқуқ нормаларининг шартлари ва амалда қўлланиши ҳамда жазо тизими ва турларини илмий жиҳатдан қиёсий солиштириб кўриш йўли билан таҳлил қилиб миллий ЖК даги жазо тизими ва турларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уларни такомиллаштиришдан иборатдир.

**Диссертациянинг илмий-назарий ва методологик асосини:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент асарлари, нутқлари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар, бу борадаги ўқув дарсликларидаги жазо тизими ва турларига оид бўлган боблари, бир-қатор ривожланган романа-герман ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган, хусусан Россия Федерацияси ЖК, Қозоғистон Республикаси ЖК, Қирғизистон Республикаси ЖК, Хитой Халқ Республикаси ЖК, Болгария Республикаси ЖК, Польша Республикаси каби давлатларнинг ЖК даги жазо тизими ва турларига доир бўлган нормаларининг қиёсий таҳлили, мавзуга доир бўлган турли рисолалар ва ўқув қўлланмалар ҳамда ушбу мавзуга айнан тааллуқли ва мазмунан яқин бўлган соҳадаги илмий изланишлар олиб бораётган олимларнинг илмий қарашлари ташкил этади.

### **Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

биринчидан: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 42-моддасидаги жиноий жазо тушунчасига берилган таърифлар ўрганилиб, жазо тушунчасига аниқ таъриф бериб бўлмаслигини, ҳар-бир таъриф танқидга учраши мумкинлигини, чунки жазога аниқ ҳеч қачон аниқ таъриф бериб бўлмаслигини, бироқ амалда бўлган Жиноят кодексининг 42-моддасидаги жазога берилган таърифни давлатимизнинг ҳозирги жиноят ҳуқуқи сиёсатининг талабига мослиги таъкидланди.

иккинчидан: Ўзбекистон ҳудудидаги миллий давлатчилигимизда жазо тизимининг тарихий ривожланиши ўзига хослиги ва аралаш жазо тизими вужудга келган деган ғоялар илгари сурилди.

учинчидан: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 44-моддасида назарда тутилган жарима жазосини янги таҳрирда икки хил кўринишда янгидан баён қилишни яъни, биринчиси, жарима жазосининг янги номланиши «**Пуллик жарима**» деб ўзгартирилиши лозим. Бунда жарима жазоси фақат пул тўлови йўли билан ижро этилади. Иккинчиси, Жарима сўзининг маъноси анча кенг тушунча бўлиб у фақат пул билан қопланиш тушунчаси билан чегараланиб қолмасдан балки ўз ичига бошқа тушунчаларни ҳам олади яъни, муайян қийматга эга бўлган нарса билан ҳам жиноий жазода кўрсатилган миқдордаги жаримани тўлашни ҳам назарда тутиш яъни, ҳам пул шакли ҳам натура шаклида ундириш ғояси илгари сурилмоқда ҳамда жарима жазосининг жиноятнинг хусусияти ва оғирлигига ҳамда маҳкумнинг моддий ҳолатига қараб минимал ва максимал миқдорларини ҳам ўзгартириш таклифи билдирилмоқда. Бунга биноан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун - энг кам ойлик ҳақининг беш бараваридан юз бараваригача, ўртача оғир жиноят учун – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда, оғир жиноятлар учун эса – энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан етти юз баравари миқдорида, ўта оғир жиноятлар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг етти юз бараваридан минг баровари миқдорида тайинлаш ғояси таклиф этилди.

тўртинчидан: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 46-моддасидаги ахлоқ тузатиш ишлари жазосидаги меҳнатга қобилиятсизлар деган сўзни олиб ташлаб, унинг қўлланилиши доирасини кенгайтириб I, II, III-гуруҳ ногиронларига нисбатан ҳам қўлланилмайди деб ўзгартириш таклиф қилинди.

бешинчидан: Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигидаги қамоқ жазоси қисқа муддатли қаттиқ жазо тури бўлсада, унинг қўлланилиши доираси аниқ кўрсатилмаган ва суд лозим топган барча судланувчиларга нисбатан қўлланилавериши мумкин. Бироқ, ушбу жазо турининг қаттиқлигини ҳисобга олиб, ушбу жазо тури 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганларга, ҳомиладор аёлларга, 8 ёшгача боласи бор борларга яъни, асосий боқувчиси бўлса, ҳарбий хизматчиларга тайинланмайди ҳамда ҳарбий хизматчилар қамоқ жазосини ўрнига гауптвахталарда жазони ўтайдилар деб киритилса ҳамда 16 ёшдан юқори ёшдаги вояга етмаганларга нисбатан қамоқ жазоси 1 ойдан 3 ойгача муддатга қўлланилса деб ўзгартириш тўғрисидаги таклиф берилди.

олтинчидан: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 49-моддаси, Интизомий қисмга жўнатиш жазоси бугунги кунда давлатимиз томонидан ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохатларни ҳисобга олиб, бир ойлик ҳарбий хизматни ўтаётган “заҳирадаги чақирув резерви ҳарбий хизмати” да хизмат қилаётган ҳарбийларни ҳам ушбу жиноятнинг субъекти қилиб белгилаш фикри илгари сурилди.

еттинчидан: 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини жазо тизимидан буткул бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилганлигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг номланиши ҳам ўз-ўзидан мантиқан олиб қаралганда ўзгартиришни тақозо қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини, **“Муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш”** деб номини ўзгартириш лозимлиги ҳақидаги таклиф билдирилди.

саккизинчидан: Ўзбекистон Республикаси ЖКга «**Жамоат иззаси**» деган жазони ЖК га киритиш таклиф этилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** Ушбу магистрлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунларига биноан жазо тизими ва турларини илмий-назарий жиҳатларини комплекс тарзда ўрганиш асосида бир қатор янги жазо турларини ЖК га киритиш ва мавжуд бўлган бошқа жазо турларидаги нормаларни такомиллаштиришга бағишланган дастлабки ишлардан бири ҳисобланиб, жиноят ҳуқуқи фанидаги муайян бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:** Диссертациянинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот жиноят ҳуқуқи назариясининг ривожланишига муайян ҳисса қўшиши мумкин. Жазо тизими ва турларини такомиллаштиришдаги айрим муаммоларни ҳал этишда мавжуд бўлган бўшлиқни тўлдиради. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти келажакда жазо тизими турларидаги мавжуд такомиллаштирилиши лозим бўлган муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан ечиб ҳал этади ҳамда бир қатор қоидалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бароварида Жиноят қонунларини такомиллаштиришда, қонун ижодкорлиги фаолиятида, юридик ўқув муассасаларида жиноят ҳуқуқи фани ўқитилишида фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг синовдан ўтиши:** Диссертация мавзусига доир бўлган бир қанча илмий-амалий семинар ва конференцияларда иштирок этилди. Тадқиқот ишига айнан тааллуқли бўлган асосий натижалар учта илмий мақолаларда ўз аксини топди.

**Диссертациянинг тузилиши:** Диссертация унда таҳлил қилинган муаммоларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, кириш, ўн учта параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 96 та адабиётдан фойдаланилган. Ҳажми 107 бет.

# **I-БОБ. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖАЗО ТИЗИМИНИНГ ТУШУНЧАСИ**

## **1.1. Жиноий жазо тушунчаси ва моҳияти**

Жиноят ҳуқуқининг мустақил институти бўлган жазога алоҳида тизим сифатида қараш мумкин. Бундай тизимнинг самарадорлиги жазонинг мавжудлиги, унинг истиқболи ва жиноят ҳуқуқининг умумий тизимидаги ўрнини мақсадга йўналтирилганлиги билан боғлиқ.

Жиноятчиликка қарши кураш ишида ва унинг олдини олишда жиноий жазо чораларидан ҳам кенг фойдаланилади. Жиноий жазо давлатда жиноятчиликка қарши курашнинг асосий воситаси эмас, ўтиш даврида жиноятчиликка қарши курашнинг ўткир куроли сифатида фойдаланиш мумкин<sup>1</sup>.

Хозирга келиб эса жазога берилаётган таърифлар ҳам турли тумандир. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддаси “Жазо ва бошқа таъсир чоралари жисмоний азоб бериш мақсадини кўзламайди”<sup>2</sup>.

Жиноий жазо-жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан жуда қадимдан қўлланилиб келаётган чорадир. Уни реализация қилишда эса жиноят сиёсатига мувофиқ равишда янги ғояларни мужассамлаш жиноят ҳуқуқининг институти ҳисобланади. Жиноий жазо қадимдан жиноят учун қасд олиш ва кўрқитиш воситаси сифатида қўлланиб келинган<sup>3</sup>.

Мамлакатимизнинг ЖК да эса жазога қуйидагича таъриф берилган бўлиб, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда

---

<sup>1</sup> Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳуқуқи/ Дарслик. Умумий қисм. Т., Адолат. 1998.-Б.178.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, Расмий нашр. 2004 йил 29 сентябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан қайта нашри Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004.-Б.5.

<sup>3</sup> М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди. 2005.-Б.626.

назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир<sup>1</sup>.

Жазо жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланади, барча замонларда ва давлатларда шундай бўлган. Жамиятда яшаш шароитлари қандай бўлишидан қатъий назар жазо унга ҳуқуқбузарликлардан ўзини-ўзи ҳимоя қилиш воситаси сифатида зарурдир. Жиноят ҳуқуқи назариясида жазо масалаларига катта эътибор берилади. Бу масалалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. Маълумки, республикаимизнинг олдинги 1926, 1959 йиллардаги ЖК да жазога таъриф берилмаган эди. Бу масала жиноят ҳуқуқи назариясида кўриб чиқилган ҳолос<sup>2</sup>.

Чунончи, М.Д.Шаргородский жазо жиноятчини унга тегишли бўлган муайян неъматлардан маҳрум қилиш бўлиб, жиноятчи ва унинг фаолиятини давлат томонидан қораланишида ифодалайди деган<sup>3</sup>.

Рус олими С.И.Дементьев эса жазога бошқача таъриф берган. Унинг фикрича, жазо айбдорни қонунда белгиланган азоб-уқубатлар ва маҳрумликларга атайлаб дучор этишдан иборат бўлган, шунга махсус мўлжалланган қоралигини айтган<sup>4</sup>. Жиноий жазонинг аҳамияти шундай намоён бўладики, жиноят ҳуқуқи жазолаш ва уни қўллаш билан ўзини намоён қилади<sup>5</sup>. Деярли кўплаб криминалист назариётчи олимлар. Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан жиноятларнинг умумий ва махсус олдини олиш мақсадида давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган давлатнинг мажбурлов чорасидир<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, 2004 йил 29 сентябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан қайта нашри Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004.-Б.19.

<sup>2</sup> Қ.Р.Абдурасулова. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Т.: ТДЮИ, 2005.-Б.149.

<sup>3</sup> Шаргородский М.Д. Наказание, его цели и эффективность. Л., 1973.-с.12-13.

<sup>4</sup> Дементьев С.И. Лишение свободы. Уголовно-правовые и исправительно-трудовые аспекты. Ростов, 1981.-С.45.

<sup>5</sup> Жекебаев У. Основные принципы уголовного права Республика Казахстан (сравнительный комментарий книга Дж.Флетчера и А.В.Наумова «Основные концепции современного уголовного права») Алматы: Жеті жары, 2000,-С.54 бет.

<sup>6</sup> Беляев Н.А. Цели наказания и средства их достижения в исправительное-трудовое учреждение.- Л., ЛГУ. 1963.-С.10.

Юқорида кўрсатиб ўтилган олим С.И.Дементьевнинг фикрига биз қўшила олмаймиз, сабаб жазога айбдорни азоб-уқубатлар ва маҳрумликларга атайлаб дучор этиш воситаси деб қараш аксарият мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида, хусусан бизнинг ЖКнинг инсонпарварлик принципига хилофдир. Ўз.Р.ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди<sup>1</sup>.

И.И.Карпец жиноятчиликка қарши кураш воситаларидан бири бўлган жазонинг мазмунида ишонтириш ва мажбурлаш уйғундир дейди<sup>2</sup>.

Жазо муайян жиноятни содир этган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва ҳар бир турдаги жазо учун қонунда белгиланган ҳуқуқий чеклашлар тизимидан иборат бўлган жиноятларнинг олдини олиш чорасидир<sup>3</sup>.

Жиноий жазо давлат мажбурловининг энг кескин шакли ҳисобланади. Унинг замирида ҳуқуқий тартиботни сақлаш зарурияти ётади. Ушбу зарурият ҳуқуқ манфаатлар қўриқчиси деган умумий тушунчадан келиб чиқади. Ҳуқуқ нормалари таъқиқлаш ва талаб қилиш, муайян ҳаракат ёки ҳаркатсизликнинг жоизлигини кўрсатиш орқали ҳуқуқий неъматлар ҳимоя қилинади. Ўз қоидалари ва нормаларига фуқаролар бўйсунishi таъминлаш учун ҳуқуқ кучга муҳтож бўлади. Бу кучни эса унга давлат беради. Давлат ҳокимияти ҳуқуқ талаблари ва таъқиқларини одил судлов тартибида муайян жазолаш чора-тадбирлари орқали амалга ошириладиган жиноят-ҳуқуқий нормада ифодаланган.

Агар шахс жиноят эмас, бошқа ҳуқуқбузарлик содир этса, унга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилади. Жиноий жазо содир этилган жиноятнинг табиий оқибати ҳисобланади ва умумий қоидага кўра, қилмишнинг оғирлиги ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига мос

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, 2004 йил 29 сентябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан қайта нашри Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2004.-Б.5.

<sup>2</sup> Карпец И.И. Наказание: Социальные, правовые и криминологические проблемы.-М.: 1973.-С.10.

<sup>3</sup> Стручков Н.А. Наказание, системе его видов и иных мерах уголовно-правового воздействия. В сб. Актуальные проблемы уголовного права.-М., АН СССР,1988.-С.

келиши керак. Жазо ҳар доим шахсий хусусиятга эга ва фақат жиноятчиларнинг ўзига тайинланадиган ва зинҳор бошқа шахсларнинг манфаатларига дахл этмаслиги керак<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам содир этилган ҳар-бир жиноят учун жиноятни содир этган шахснинг айнан ўзи қонун олдида жавоб бериши лозимлиги қонун билан кафолатланади. Ўтмиш ва яқин ўтмишдаги каби оила аъзоларининг содир этган қилмишлари учун бошқалари жавоб бергани каби эмас. Бу эса ўз навбатида адолат ва демократик номаларнинг жамиятимиз ҳаётида хусусан ЖК нинг жазолаш сиёсатида ҳам ўз ўрнини топаётганлигининг бир мисолидир.

Жиноий жазо фақат суд томонидан жиноий қонун нормаларини бузган вақтидаги ҳуқуқбузарларга нисбатан яъни, айбдор деб топилган шахсларга қўлланилиши мумкин бўлган давлатнинг мажбурлов таъсир чорасидир. Агарда шахс бошқа ҳуқуқ нормаларини бузган тақдирда, унга нисбатан бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга доир бўлган қонун нормалари қўлланилади. Масалан: меҳнат интизомини бузган ходимга нисбатан меҳнат қонунлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсга нисбатан МЖТК нормалари, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларга нисбатан бошқа ҳуқуқ номалари қўлланилади.

Жазонинг шакли ва мазмуни қандай бўлишидан қаътий назар унинг замирида ҳам доим жиноий қилмишни қоралаш ётади<sup>2</sup>. Жазолаш қоралаш ғояси негизида жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган чоратadbирлар тизимини яратган, деган ўхшаш фикр беради<sup>3</sup>.

Жиноий жазо жазолашнинг роли ва аҳамияти жазонинг мақсадлари ҳақидаги таълимотнинг энг баҳсли масалаларидан биридир. Бир қатор олимларнинг фикрича, жазолаш жиноий жазонинг алоҳида мақсадидир<sup>4</sup>. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, жиноий жазо бундай мақсадни

---

<sup>1</sup> Қ.П.Пайзуллаев ва бошқа. Ўлим жазоси: Ўтмишда, ҳозирда ва келажакда.-Т.: Turon-Iqbol. 2005.-Б.6-7.

<sup>2</sup> Сергиевский Н.Д. Русское уголовное право.- С.64-65.

<sup>3</sup> Мокринский С.П. Наказание, его цели и предложения.-М.: 1911.-С.175-158.

<sup>4</sup> Беляев Н.А. Цели наказания и средства их достижения в исправительное-трудовых учреждение.- Л., ЛГУ. 1963.-С.138-148.

кўзламайди. Масалан: А.Л.Ременсон жазолаш жиноий жазонинг мақсади бўлиши мумкин эмас, деб қайд этади. Жазолаш жиноий жазонинг мазмунидир, деган фикрга қўшилса бўлади. Жазолаш жиноий жазонинг мақсади деб эътироф этиш билан баробардир<sup>1</sup>. Э.Х.Норбўтаевнинг фикрига кўра, жазолаш жиноий жазонинг асосий мазмунини ташкил этади<sup>2</sup>.

Бошқа олимлар эса жиноий жазонинг мақсади ижтимоий онгни одамларнинг адолат туғусини қаноатлантиришдан иборат<sup>3</sup>. Жиноий жазо қўллаш айбдорнинг ҳаракатини давлат томонидан қоралашдан иборат. Жиноят содир қилган шахсга нисбатан жазо қўллаш унинг жиноий қилмишини, ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан баҳо беришдир. Суд шахсни содир қилган жинояти учун муайян турдаги жазога ҳукм қилар экан, ҳукмни давлат номидан чиқаради<sup>4</sup>.

Демак, жиноий жазо жиноятчини ва жиноятни суд томонидан давлат номидан қоралашнинг ҳуқуқий ифодаланиши бўлиб ҳисобланади ҳамда маҳкумга нисбатан унинг содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ ва айбли даражасига қараб маълум даражада мусибат келтиради.

Суд жиноят содир қилган шахсга нисбатан ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жазоларнинг қайси бирини қўлламасин маҳкумнинг Конституция билан белгиланган ва амалга ошириши қафолатланган ҳуқуқини чеклайди. Маҳкумга эса келтирилган мусибат эса мулкӣ ёки маънавий бўлиши мумкин<sup>5</sup>. Демак, шахсга нисбатан жиноий жазо қўллаш орқали унинг жамият олдидаги айби, ўзининг тор манфаатлари йўлида жамият манфаатларини бузганлиги эканлигини кўриш мумкин.

Жиноий жазо давлат мажбурловининг энг кескин шакли ҳисобланади. Унинг замирида ҳуқуқий тартиботни сақлаш зарурияти ётади. Ушбу зарурият ҳуқуқ манфаатлар кўрикчиси деган умумий тушунчадан келиб чиқади. Ҳуқуқ нормалари таъқиқлаш ва талаб қилиш, муайян ҳаракат ёки ҳаркатсизликнинг

---

<sup>1</sup> Ременсон А.А. Является ли кара целью и её реализация.-Воронеж, ВГУ, 1983.-С.

<sup>2</sup> Борьба с преступностью: Закон и практики. Т, Мехнат, 1991.-С.195.

<sup>3</sup> Ткачевский Ю.М. Режим исполнения лишения свободы. Вестник. МГУ, серия 11, Право. 1992,-С.64.

<sup>4</sup> Муаллифлар жамоаси Жиноят ҳуқуқи/ Дарслик. Умумий қисм. . Т., Адолат. 1998.-Б.180.

<sup>5</sup> Муаллифлар жамоаси Жиноят ҳуқуқи/ Дарслик. Умумий қисм. Т., Адолат. 1998.-Б.180.

жоизлигини кўрсатиш орқали ҳуқуқий неъматлар ҳимоя қилинади. Ўз қоидалари ва нормаларига фуқаролар бўйсунити таъминлаш учун ҳуқуқ кучга муҳтож бўлади. Бу кучни эса унга давлат беради. Давлат ҳокимияти ҳуқуқ талаблари ва тақиқларини одил судлов тартибида муайян жазолаш чора-тадбирлари орқали амалга ошириладиган жиноят-ҳуқуқий нормада ифодаланган.

Жиноий жазонинг шахсга нисбатан жафо келтириш даражаси анча юқори ва шахснинг муайян ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки чеклаш доираси анча юқори бўлиши; жиноий жазо судланганликни келтириб чиқариши каби жиҳатларини кўрсатиб ўтади <sup>1</sup>.

Бурҳониддин Марғиновий жазони жиноят содир этмаслик учун кўрқитиш; таъзир жазоси эса инсонни тузатишдир<sup>2</sup>. Немис файласуфлари А.Фейрбах, И.Бентон, И.Кант, Г.Гегеллар “Ижобий ғояларни илгари суриб, жиноят қонунларининг қатъийлиги инсонларни жиноятдан тийишга шароит яратади, деган тамойилни илгари сурганлар”<sup>3</sup>. Жазо инсонни жазолаш учун эмас, жамиятни ҳимоя қилиш учундир<sup>4</sup>.

Биз олима М.Ражабованинг жазо инсонни жазолаш эмас балки, жамиятни ҳимоя қилишдир деган фикрига умуман қўшилаолмаймиз, чунки жазонинг мақсади мамлакатимиз ЖК нинг жазога берган таърифига биноан айни вақтда жиноятни содир этган шахсга жазолаш йўли билан уни ахлоқан тузатиш мақсадини ҳам бир вақтнинг ўзида кўзлайди. Бироқ, ЖК нинг 42-моддасида жазо маҳкуми ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун қўлланилишлиги кўрсатилган бўлса-да, айнан жамиятни ҳимоя қилишлиги баён қилмаган бўлса ҳам ушбу нормаларнинг негизида бари-бир жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам ётганлигини таъкидлаб ўтиш мумкиндир.

---

<sup>1</sup> Белогриц-Котляревский Л.С. Учебник русского уголовного права. Киев, 1993.-С.312.

<sup>2</sup> М.Ражабова. Жазонинг мақсади-жавобгарликдан огоҳ этиш. Инсон ва қонун. Т.: 2005.-Б.1.

<sup>3</sup> Шу ерда.

<sup>4</sup> Ўша мақола.

Жазонинг ижтимоий-сиёсий моҳияти тўла-тўқис равишда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатига, мазкур сиёсат эса жамиятдаги ҳуқуқий мафкура, сиёсий, иқтисодий, маданий, ахлоқий ва бошқа кадриятлар, қарашлар ва тасаввурлар билан боғлиқдир.

Жазо давлат мажбурлов чораси сифатида фақат шу турдаги мажбурлов чораларига хос бўлган белгилар йиғиндиси орқали тавсифланади. Жазонинг белгилари қуйидагилардан иборат:

- давлатнинг алоҳида мажбурлов чораси эканлиги;
- қазий хусусий тавсифга эгаллиги;
- жиноят содир қилган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқлиги;
- қонунда жиноят сифатида кўрсатилган қилмишни содир этган шахсга нисбатан қўлланиши мумкинлиги;
- фақат суд ҳукмига кўра тайинланиши;
- алоҳида жиноий-ҳуқуқий оқибат-судланганликни келтириб чиқариши<sup>1</sup>.

Жиноий жазо ҳақида турли фиклар билдирилган бўлишига қарамай бу масалада иккита муаммо марказий масала ҳисобланади.

1. Нима учун жазолаш керак?
2. Қандай жазолаш керак?
3. Жазонинг миқдори нимага боғлиқ бўлиши керак?<sup>2</sup>.

Жиноят қонунчилиги қандай ижтимоий ҳавфли, ҳуқуққа хилоф ва айбли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлаб уларга асосий белги сифатида жазога сазоворлигини кўрсатади. Жиноят қонунчилигида жазо белгиланмаганда эди, қонун жамият, давлат учун зарур бўлган ҳатти-ҳаракатларнинг оддий саноғидан иборат бўлиб қоларда, холос. Шу боисдан у ижтимоий муносабатларнинг зарурий ҳимоясини таъминлаб беролмасди<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> А.С.Якубов. Р.Қабулов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.-Б.294-295.

<sup>2</sup> М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди. 2005.-Б.370.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Ўз.Р. ИИВ Академияси, Т.: Адолат 1997.-Б.76.

Жиноятни жазолашдан жиноят қонунининг жамиятдаги ижтимоий жараёнларга таъсир этишининг ўзига хос услубидек мақомга эгалигини белгилайди ва бу эса инсон ахлоқини қонун билан бир хиллаштириш имконини бериш мумкин.

Жазони қонунда белгилангандек таҳлил қилиш жазонинг аломатлари ва моҳиятини тушуниш назарий мақсадга мувофиқлик мантиқи доирасида вужудга келади. Турли ҳуқуқий тизимларда жазонинг ўзи нима эканлиги тўғрисидаги бош масалани ечишда ўзаро фарқ қиладиган иккита йўналишга дуч келинади. Биринчиси: жазони содир этилган жиноят учун қасос, ўч каби шарҳлайдиган қонуний тизимлар қасоскорлик назариясига асосланса, иккинчиси эса жазо жиноятнинг олдини олиш, тўхтатиб қолиш омили деб тушунтирадиган ҳуқуқ мактаблари эса мақсадга мувофиқ назариялар бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги жазонинг моҳиятини қонуний йўл билан ечишнинг манбаига унинг жиноятчиликка қарши кураш воситаларидан бири бўлсада, лекин бош восита эмас, балки ёрдамчи восита деб ёндошувида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Биз ҳам ушбу билдирилган фикрга қўшилган ҳолда, ҳақиқатан ҳам жазо жиноятчиликка қарши курашда муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланиб келсада, лекин ёрдамчи восита эканлигини эътироф этганда ҳолда унинг бош вазифаси қуйидагиларда намоён бўлади, чунончи шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг давлатимиз Конституцияси ва қонунларимиз руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Жиноий жазо оммага намуна бўлиш хусусиятига ҳам эга бўлган чорадир. Жазо давлатнинг шахс, жамият ва давлат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш учун қабул қилинган қонунлардаги таъқиқларни

---

<sup>1</sup> Шу ерда.-Б. 77.

бузиш йўл-йўриқларини бажармасликдан иборат муайян шахснинг жиноий ахлоқини мажбуран жавоб чорасидир. Давлатнинг нормал фаолиятини таъминлайдиган мазкур қонуннинг асосий ижтимоий вазифаси бутун жамият муносабатларини муҳофаза қилишдан иборатдир<sup>1</sup>.

Шу боис жиноят содир этишда айбдор шахсларга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган жазо жамиятимиз таркибини ташкил этган барча фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилади.

Конституциянинг 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Шундан келиб чиқиб, шахс фақат суднинг айблов ҳукми билан айбдор деб топилиши мумкин; мазкур ҳукмнинг оқибати сифатида унга жазо қўлланилиши керак.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» ги 1996 йил 19 июл 16-сонли қарорида, “Одил жазо тайинлаш республикамида қонунийликни, фуқароларнинг ҳавфсизлиги ва конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашни таъминлашнинг муҳим негизи бўлиб, у жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуи ҳамда айбдор шахсни эътиборга олган ва фақат алоҳида ёндошув инсонпарварлик ва адолат қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланиши зарур»<sup>2</sup>, деб кўрсатиб ўтилганлиги ҳам бежиз эмаслигини айтиб ўтиш жоиздир. И.Анденеснинг нуқтаи назарича, умумий қоидага кўра, жиноят қонунчилигининг умумий олдини олишга қаратилган таъсири жазонинг кучайтирилиши билан ортиб боради<sup>3</sup>.

Агар жазо амалда қўлланилаётган бўлса, унинг жиноятдан тийиб турувчи самарасига ортиқча шафқатсизлик билан ҳам эриши мумкин. Бордию жазо қўлланилиётган бўлмаса, энг даҳшатли таҳдид ҳам қуруқ гап бўлиб қолаверади<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Ўз.Р. ИИВ Академияси, Т.: Адолат 1997.-Б.77.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг қарорлар тўплами. 1991-1997 й. Т.: -Т.1997.-Б.39-56.

<sup>3</sup> Анденес И. Наказание и предупреждение преступлений. М.:Прогресс, 1979.-Б.94.

<sup>4</sup> Позднышев С.В. Основны вопросы учения о наказании.-М.:1904.-Б.262-263.

Жазо жиноят содир этган шахсга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган ўзига хос мажбурлов шакли сифатида, ҳуқуқий репрессиянинг муайян шаклини қўллаш билангина чекланмайди, балки жиноятчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишни ҳам кўзлайди<sup>1</sup>.

Таниқли араб ҳуқуқшунос олими Муҳаммад Ал-Фадел жиноий жазога бошқачароқ таъриф берган бўлиб, жиноят содир этган кишига қонун томонидан белгиланган азобдир. Жиноят содир этгани учун жиноятчига давлат томонидан етказиладиган қийноқ ва озордан иборат. Жазо айрим ҳуқуқларни чеклаш йўли билан амалга оширилади<sup>2</sup>.

М.Ражабова «Биз ҳам Муҳаммад ал-Фаделнинг мазкур фикрига қўшилган ҳолда ҳар қандай жазо турини қўллашдан мақсад биринчидан, айбдорга содир этган жиноят учун азоб бериб, қийнаш орқали ўч, қасос олиши ва унинг келгусида жиноят содир этмаслиги учун огоҳлантириш, тарбиялаш бўлса, иккинчидан, ҳар қандай жиноий жазо фақатгина давлат томонидан унинг ваколатли идорасидаги маъсул ходимлари ҳисобланган судьялар томонидан бегиланиши жамиятнинг ҳар бир аъзосини жазо турларидан воқиф этиб, ўз навбатида уларни ҳам жиноятга қўл урмасликка чақириш, шу йўл билан эса давлатнинг жиноий ҳуқуқий сиёсатини тўғри амалга ошириш каби ижтимоий-сиёсий вазифани рўёбга чиқаришни кўзда тутади деб ҳисоблаймиз»<sup>3</sup> дейди.

Жанубий Яманлик олим М.Ҳайдар ҳам Ўз.Р.ЖКнинг 42-моддасидаги жазога берилган таърифга ўхшаш фикрини билдирган<sup>4</sup>.

Жиноий жазонинг мақсади жиноятчига қийноқ ва озор етказиш; азоб бериш, қийнаш орқали ундан ўч, қасос олиш эмас, балки айбдорга содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражси, жиноятчи шахснинг хусусиятидан келиб чиқиб, унга мос равишда адолатли жазо тайинлаш ва

---

<sup>1</sup> Қ.Р.Абдурасулова. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Т.: ТДЮИ, 2005.-Б.150.

<sup>2</sup> Муҳаммад ал-Фадел. Жиноят ҳуқуқининг умумий асослари. Дамашк,1961.-Б.34.

<sup>3</sup> Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. Т.: Адолат, 1996.-Б.83.

<sup>4</sup> Хайдар С. Основание уголовной ответственности и наказание по уголовному праву Народной Демократической Республики Йемен. Автореф. Канд.диссертации.-М., 1985.-Б.15. Ушбу хавола М.Ражабованинг. Шариатда жиноят ва жазо номли рисоласидан олинди.

унинг яна жиноят содир этишининг олдини олиш, маҳкумни ахлоқан тузатишдан иборатди<sup>1</sup>.

Биз ҳам ҳуқуқшунос олима Қ.Р.Абдурасулованинг фикрига тўлиқ қўшилган ҳолда жазо инсонга азоб бериш, қийнаш, ўч олиш ва қасос олиш мақсадларида эмас, айбдорнинг шахси ва у томонидан содир этилган жиноий қилмишнинг хавфлилик даражаларига қараб уни жазолашдир деган фикрдамиз.

Жазо анча жўшқин ходиса-замонда ривожланувчи жараён. Дастлаб у шахсиз таҳдид сифатида ишлайди сўнгра муайян одамга тайинланади ва ниҳоят ижро этилади<sup>2</sup>.

Совет жиноят нормаси жиноят содир этилган ва хатто санкция қўлланган пайтдан бошлаб эмас, балки мазкур норма ифодаланган қонун қабул қилинган ва амалга киритилган пайтдан бошлаб амал қилади<sup>3</sup>.

Жазо учта: жиноятларнинг умумий олдини олиш, жиноятларнинг махсус олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш мақсадини кўзлайди<sup>4</sup>. Ахлоқан тузатишни дифференциациялашнинг жуда мураккаблигидан келиб чиқиб, уни икки қарама-қарши: жазони қўллашга ҳожат бўлмаган ва шахсни мутлақо тузатиб бўлмайдиган, олий жазони қўллаш мақсадга мувофиқ бўлган даражаларга ажратиш зарур. Фикримизча, ахлоқан тузалишнинг бу икки қарама-қарши кутблари ўртасида жуда кўп оралик даражалар ҳам мавжудки, уларни ҳам фарқлай олиш лозим. Зеро, айнан мана шу ерда жиноятчи шахсни типларга ажратиш тўлиқ амалга оширилиши мумкин. Шундай қилиб, жиноятларнинг олдини олиш жазонинг пировард мақсадидир<sup>5</sup>.

Жиноят учун жазо фақат қонунда белгиланади ва уни чиқариш ҳуқуқи фақат қонун чиқарувчи органга тегишлидир. Ҳеч қандай судья,

---

<sup>1</sup>Қ.Р.Абдурасулова. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Т.; ТДЮИ, 2005.-Б.152.

<sup>2</sup>Коробоев. А.И. Усс.В.Голик Ю.В. Уголовно-правовая политика. Красноярск.изд-во КГУ.1991.-С.157.

<sup>3</sup>Дурманов. Н.Д. Советский уголовной закон.-М.:1967.-С.136.

<sup>4</sup>Комментарий у УК.России.-М.: Вердикт.1994.-С.70.

<sup>5</sup>Разгильдиев В.Т. Задачи уголовного права Российской Федерации и их реализация.-Саратов.: Саратовского ун-та, 1993.-С.73.

адолатлиликини бузмасдан жамиятнинг бошқа аъзолари учун бошқача жазо белгилай олмайди. Қонун ташқарисидаги ва қонун билан белгиланмаган жазо адолатсиздир. Муҳими жазонинг қаттиқлигида эмас, балки унинг муқаррарлигидадир<sup>1</sup>.

Жиноят қонуни ва жазо жамиятнинг турмуш тарзига, давлатнинг молиявий ва иқтисодий аҳволига, жамиятнинг ижтимоий муносабатларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий тузумига ва шу асосда шаклланган этник ва ҳуқуқий кадриятларига мувофиқ бўлиши керак<sup>2</sup>.

Жиноий жазо маҳкумнинг айрим ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилиб ёки уларни чеклаб, маҳкумга маълум даражада жафо келтирсада, аммо жисмоний азоб бериш инсоний кадр-қимматини камситишга йўл қўйилмайди<sup>3</sup>. Ушбу фикр ҳақиқатан ҳам Ўз.Р.ЖКнинг 7-моддасида кўрсатилган инсонпарварлик тамойилига нечоғлик мос келишини кўришимиз мумкин.

А.И.Чучаевнинг фикрича, жиноий жазо бу жиноят қонунида белигиланган ва шахсни озодликдан маҳрум қилувчи, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи давлат мажбурлов чораси: жазо жиноят содир этишда айбдор, деб топилган шахсга нисбатан қўлланилади, суд ҳукми асосида давлат номидан тайинланади.

Собиқ Ўзбекистон ССРнинг 1926 йил 16 июндаги қабул қилинган Жиноят Кодексида жазо тушунчасига умуман таъриф берилмаган фақат жазонинг мақсади билан чекланган. 1959 йилда қабул қилинган Жиноят Кодексида ҳам жазога аниқ таъриф берилмаган бўлса-да, бироқ, ЖК га берилган шарҳларда жазога қўйидигича таъриф берган “ Жиноий жазо-давлатнинг мажбур қилиш чораларидан бириб бўлиб. У жиноят қилишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонун асосида суд томонидан

---

<sup>1</sup> Беккария Ч. О Преступлениях и наказаниях, М.: 1939.-С.373.

<sup>2</sup> Карпец И.И. Наказание: Социальные, правовые и криминологические проблемы.-М.: 1973.-С.11.

<sup>3</sup> М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди. 2005.-Б.374.

қўлланилади. Жазо чораси жиноятчиликка қариш қуршда муҳим восита бўлсада, лекин бирдан-бир ва асосий восита эмас”<sup>1</sup>.

Жазо-жиноятчининг содир қилган жиноят учун изтироб беришдан иборат бўлиб, унинг маълум даражада у ёки бу ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамда қулайликларини чеклаш билан боғлиқдир. Бундай хусусиятларга эга бўлмаган таъсир қилиш чораси жиноий жазо ҳисобланмайди<sup>2</sup>.

Собиқ Ўзбекистон ССР нинг 1959 йилдаги Жиноят Кодексининг 10-моддасига кўра, Совет жиноят ҳуқуқи бўйича жазо мақсадга мувофиқ бўлиши, азоб бериш, қийнашга мутлоқа йўл қўймаслиги ҳамда у жиноятчига мақсадсиз ва ортиқча азоб берадиган бўлмаслиги керак, дейди<sup>3</sup>.

Жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораси бўлиб, у бошқа мажбурлов чораларидан қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади.

1. жиноий жазо жиноят қонунида каътий белгиланган бўлади,
2. жиноий жазо фақат суд томонидан тайинланади,
3. жиноий жазо фақат жиноят содир этишда айбдор, деб топилган шасхларга нисбатангина қўлланилади,
4. жиноий жазонинг мазмуни шахсни озодликдан маҳрум қилишда ёки ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашда ифодаланади,
5. жиноий жазонинг давлат хусусиятига эга эканлиги,
6. судланганлик шахснинг фақат жиноий жазога тортилганлиги туфайли келиб чиқади,
7. жазо-бу жиноят содир этган шахсни содир этган қилмиши учун жазолашдир,
8. жиноий жазонинг вазифаси фақатгина содир этилган қилмиш учун жазолаш бўлмай, шунингдек, маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялаш ҳамдир<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексига шарҳлар. Т.: Ўзбекистон.1988.-Б.48.

<sup>2</sup> Шу ерда.

<sup>3</sup> Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисми/ Дарслик. Т.: Ўқитувчи. 1969.-Б.34.

<sup>4</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ILM ZIYO. 2005.-Б.295-297.

## 1.2. Суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши

Жиноят-ҳуқуқий соҳани либераллаштиришнинг бош мақсади— Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Адолат — қонун устуворлигида<sup>1</sup>» деб номланган нутқида белгилаб берилганидек, — инсон омили бўлиб, давлатнинг жиноятчиликка қарши курашдаги одил сиёсати орқали адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан илгари сурилган ушбу инсонпарвар ғоялар, ўз навбатида, жиноий жавобгарлик, жазо тизими ва унинг турлари, жиноят учун жазо тайинлаш қоидаларини такомиллаштиришга танқидий жиҳатдан ёндашишга хизмат қилиб, жазонинг аниқ турлари учун ўрнатилган нормаларни тубдан қайта кўриб, ислоҳ қилиш ва уларни такомиллаштиришни тақозо этди. Зеро, булардан кўзланган асосий мақсад — «жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир».<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазо чораларини либераллаштириш муносабати билан Жиноят кодекси, ЖПК ва МЖТКларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунчилигини такомиллаштириш, уни либераллаштириш борасида фундаметал асос бўлиб хизмат қилди.

Либераллаштириш сўзи лотинча либералис — ҳур фикрли, эркин сўзидан келиб чиққан бўлиб, аммо тўғридан-тўғри таржима бу сўзнинг маъносини тўла акс эттирмайди. Аниқроғи, у шунчаки эркинликни эмас, балки инсоннинг эркин фикрлаш, инсон фаолиятининг турли соҳалари ҳақида ҳукм чиқариш, шу жумладан, ҳар қандай сиёсий тузумга баҳо бериш, уни танқид қилиш, ҳатто (конструктив) оппозицияда туриш қобилиятини ифодалайди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида. // Халқ сўзи. 2001 йил 30 август.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этишдир. — Тошкент: Ўзбекистон, 2005, 43-50-б.

Баъзан мазкур атама ҳуқуқ майдони доирасида уларнинг турли вакиллари, шунингдек, либерал оқим, либерал мафкура вакилининг ҳар хил қарашлари ва ғояларига бағрикенглик, хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш маъносида ҳам қўлланилади.

Жиноий жазоларни либераллаштиришдан мақсад, жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда, бошқа енгилроқ жазо тайинлаш йўли билан жамиятга қайтариш имкониятини яратиш, яъни уни ахлоқан тузатишдан иборат. Айнан шу мақсадларда бугунги кунда дунё миқёсида ҳуқуққа ва у билан боғлиқ барча ҳодисаларга баҳо беришда «либеритар» (яъни эркинликни таъминлаш воситаси сифатида) ёндашув устувор мавқени эгалламоқда. Бу концепцияга асосан ҳуқуқ, аввало, эркинлик ва адолат мезони, уларни таъминлаш воситаси, аҳоли хавфсизлиги ҳамда ҳар бир фуқаронинг мулкӣ мустақиллигини таъминловчи норматив тизимдир.<sup>1</sup>

Шунинг учун давлатнинг жиноятга оид сиёсатини амалга ошириш борасидаги ҳар бир қўйган қадами, жиноят қонунчилигини ва уни қўллаш амалиётини ривожлантиришдаги ҳар бир босқич унинг самарадорлиги нуқтаи назаридан ҳам, унинг қонунийлиги, инсонпарварлиги тамойилларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам баҳоланиши керак. Зеро, инсонпарварлик, шубҳасиз, давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати концепциянинг асосий ғояси бўлиб ҳисобланади.<sup>2</sup>

Президентиимиз таъкидлаганидек, «оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш унга қарши курашиш самарадорлиги, жазонинг оғирлиги ва шавқатсизлигига эмас, балки

<sup>1</sup> Одиқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т., Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар. // Ҳуқуқ – Право – Law.- 2002.- №1,7-б.

<sup>2</sup> Пулатов Ю.С. О гуманизации условного осуждения в уголовном и уголовно – исполнительном законодательстве. // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2002. – №2. – С. 81 – 83.

<sup>3</sup> Зарипов З.С., Мирзажонов Қ. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун муқобил чоралар. // Ҳуқуқ-Право-Law. - 2001.- №4, 50-б.

биринчи навбатда қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ»<sup>2</sup>.

Ушбу қонунга кўра, жиноят ҳукуқининг муҳим институтларидан бири, яъни жиноятларни таснифлаш, жазо тайинлаш ва бошқа институтларига муҳим ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартириш ва қўшимчалар қонунга киритилгандан кейин илгариги унча оғир бўлмаган жиноятлар таркибига кирадиган жиноятларнинг кўпчилиги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тушунчаси билан камраб олиниб, улар энди кенг миқёсда озодликдан маҳрум қилиш ва бошқа жазоларни эркаклар, аёлларга ва вояга етмаганларга тайинлашни бир қанча енгиллаштириб, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш (Жиноят кодексининг 50, 85, 64, 73, 74, 89, 90-моддалари), судланганликни олиб ташлаш муддатларининг бир мунча қисқаришига олиб келди.<sup>2</sup>

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилиб ўзгартирилди, ўта оғир бўлмаган тоифага кирувчи ҳамда ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноий ҳаракатлар таркиби сезиларли даражада кенгайтирилди. Натижада, фақат сўнгги икки ярим йил ичида, катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган қонунбузарликка йўл қўйган беш мингга яқин киши озодликда сақланди ва улар томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги моддий зарар қопланди.

Қонунга кўра, жиноятларнинг 460 туридан 196 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар қаторига, 12 турдаги жиноятни оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, ўта оғир жиноятлар тоифасидаги 7

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. // Халқ сўзи. 2001 йил 30 август.

<sup>3</sup> Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар.// Ҳуқуқ–Право–Law.-2002.-№1, 70-б.

жиноят оғир жиноятлар тоифасига киритилди. Жиноятларни таснифлаш институтининг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари кескин камайди.

Жазо тизимини либераллаштириш борасида адолат, қонун устуворлиги, инсонпарварлик тамойиллари алоҳида аҳамият касб этиб, жиноят қонунидан мол-мулкни мусодара қилиш жазосининг чиқарилиши, жиноятга оид сиёсатни либераллаштиришнинг асосий ғояларини ифода этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, мол-мулкнинг мусодара қилиниши шўролар давридаги мустабид тузумнинг қолдиғи сифатида шахсни маънавий ва руҳан эзишга, камситишга қаратилган жазо эканлиги назарда тутилган эди. Шўролар давридаги мустабид тузумда мол-мулкни мусодара қилишдан мақсад битта, яъни инсонни бутунлай синдириш, руҳан эзиш, рўзғоридан айириш ва яна энг ачинарлиси, оиласи, фарзандларини тирикчилик манбаидан маҳрум этиш эди. Бу борада мол-мулкни мусодара қилишнинг жазо тизимидан бекор қилиниши, инсоннинг шаъни, кадр-қиммати ва обрўйини тўкмаслик нуқтаи назаридан олға қўйилган қадамлардан биридир.

Жиноят қонуни айбдор содир этган жинояти туфайли жабрланувчига етказган зарарни ўрнини ўз ихтиёри билан қопласа, унга нисбатан озодлиқдан маҳрум ёки қамоқ жазосини қўлламаслик тўғрисида рағбатлантирувчи норма билан тўлдирилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Жиноят кодекси 167–моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш), 168-моддаси (Фирибгарлик), 170-моддаси (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш) ва бошқаларда ушбу қоидаларни кўриш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш керакки, рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш соҳасини кенгайтириш жиноят қонунини либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Улар содир этилган жиноятнинг зарарли оқибатларидан жамият кўрадиган зиённи анча камайтиришга, латент жиноятчилик даражасини пасайтиришга, жиноий таъқибни қўллаш жадаллиги соҳасини

анча чеклашга, давлатнинг жиноятчиликка қарши курашга сарфлайдиган моддий ва бошқа ресурс маблағларини анча камайитишга ҳамда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг мазмуни ва йўналишига таъсир этишга қодирдир. Шунинг билан бирга, бу борадаги қоидалар, биринчидан, ўз қилмишидан пушаймон бўлиб етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларни жамиятдан ва оиласидан ажратмасдан, ахлоқан тузатиш имконини беради. Иккинчидан, жиноят оқибатларини бартараф этиш ва талон-тарож қилинган моддий бойликларни қайтариш имконияти кенгаяди. Бу борада 2006, 2007 йилларда жиноят туфайли етказилган зарарнинг 82 фоизи, яъни 329 млрд. сўмининг айбдор шахслардан ундирилиши таъминланган.

Иқтисодий жиноятларга нисбатан жазоларнинг либераллаштирилиши ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар тақозоси бўлиб, Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида бу хусусда шундай деган эди: «Жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндашувдир».

Бу, ўз навбатида, иқтисодий жиноятларга аввало, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, унинг миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа чоралардан фойдаланишни тақозо этади.

Жиноий жазо чораларини либераллаштириш борасида жарима жазоси, айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан кенг қўлланиб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорида таъкидланганидек, судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар,

балки оғир жиноятлар содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 апрелдаги «Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни бугунги кунда жарима жазосининг ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад, жиноят содир этган шахсга, иложи борида, жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашдан иборатдир.

Ушбу қонунга кўра «агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек, кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамок ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамокнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Юқоридаги кўринадикки, ушбу Қонун янги қоида, яъни жаримани ижросини таъминлаш мақсадида, уни тўлашдан бўйин товлаган ҳолларда

---

олдинги қонунчиликда назарда тутилмаган ҳолат, яъни озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан ҳам алмаштиришни назарда тутди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексининг 50-моддасига (озодликдан маҳрум қилиш) ҳам муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. *Озодликдан маҳрум қилиш* жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир, қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади. Ушбу жазо турини қўллаш сабаблари ҳукмда асослантирилиши шарт.<sup>1</sup>

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 60-моддасида назарда тутилган ҳолларда йигирма беш йилгача, вояга етмаганларга нисбатан эса, ЖК 86-моддасига кўра, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати Жиноят кодексига киритилган узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш ҳам озодликдан маҳрум қилишнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Жазонинг ушбу тури йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлардан қасддан одам ўлдирганлик (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшдан тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд томонидан ушбу жиноятларга нисбатан қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши истисно этилган, шунингдек, иш ҳолатларига кўра, суд айбдорга нисбатан узоқ муддатли озодликдан маҳрум

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори. // Қарорлар тўплами.- Тошкент, 2006. 26 банди.

қилиш жазоси ёки ўн беш йилдан йигирма йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги ҳулосага келган ҳолларда тайинланиши мумкин<sup>2</sup>.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини либераллаштиришнинг дастлабки жараёни аёллар, 60 ёшдан ошган эркекларга нисбатан бир қатор енгилликларни назарда тутди.<sup>2</sup> Жумладан, Жиноят кодекси 50-моддасига киритилган қўшимчаларга асосан, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркекларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этишнинг энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркекларга нисбатан узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини либераллаштириш борасида кейинги қадамлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги Қонунини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ушбу Қонунга кўра, «ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиёцизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди». Шунингдек, ушбу қонунга кўра, жиноят содир этган аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш колониялари турлари ўзгартирилди. Агар ушбу Қонун қабул қилингунига қадар, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўта оғир жиноят учун ва ўта хавфли рецидивист деб топилганларга қаттиқ тартибли, эҳтиёцизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга жазони

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2007 йил 14 ноябрдаги 15-сонли қарори. //Ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2007, 46-б.

<sup>2</sup> Юридик адабиётларда бу борада кекса ёшда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашнинг махсус қоидаларини ишлаб чиқиш кераклиги тўғрисидаги фикрлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда қаранг: Ситковская О.Д. Психология уголовной ответственности. – Москва: НОРМА, 1998. – С. 124-125.

манзил-колонияларда ва бошқа жиноятлар учун жазони умумий тартибли колонияларда ўташ назарда тутилган эди.

Жазони ижро этиш тизимининг либераллаштирилиши муносабати билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфли катта бўлмаган жиноят, эҳтиёцизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Яъни аёлларга нисбатан махсус тартибли колониялар белгиланиши мумкин эмас.

Жиноий жазо чораларининг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексининг жазо тайинлаш институтларига киритилган муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам юқорида таъкидланган принципларнинг ёрқин исботи бўлиб, улар асосан жазо тайинлашнинг махсус қоидалари, жумладан, тамом бўлмаган жиноятлар, бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш қоидаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардир.

Жиноят учун жазо тайинлаш тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддаси(*тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлаш*)га киритилган муҳим ўзгартиришларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрелдаги қонунига кўра, тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари либераллаштирилиб, тамом бўлган жиноятлардан фарқли равишда ушбу жиноятлар учун жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари мустаҳкамланди. Жумладан, ушбу қонунга кўра, «Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус

қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак». Ўз навбатида, ушбу қоида жинойт содир этган ҳар қандай шахсга ва жинойтга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Яъни мазкур қоида: ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жинойй уюшма аъзоларига нисбатан, тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жинойтлар учун, шунингдек, қуйидагилар билан, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан; ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жинойтлар учун жазо тайинлашда қўлланилмайди.

Ушбу қонуннинг қабул қилингунига қадар, судлар тамом бўлмаган жинойт жазо тайинлашда, яъни жинойтга тайёргарлик ва жинойтга суиқасд қилганлик учун жазо тайинлашда жинойтнинг оғир-енгиллигини, жинойй ният амалга оширилишининг ва жинойтни охирига етказа олмаганлик сабабларини эътиборга олган ҳолда, тамом бўлган жинойтлар каби санкция доирасида жазо тайинлаш ҳуқуқига эга эдилар. Эндиликда ушбу қонуннинг киритилиши муносабати билан, энг аввало, тамом бўлмаган жинойтлар учун жазо тайинлаш қоидалари индивидуаллаштирилди. Бунинг моҳияти, тамом бўлмаган жинойтлар учун жазо тайинлашда алоҳида ўзига хос махсус ҳолатларни эътиборга олиниши кераклиги, бу борада тамом бўлмаган жинойтлар ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан характерланади.

*Бир неча жинойт содир этганлик учун жазо тайинлаш (ЖК 59-модда)* қоидаларини такомиллаштириш борасида муҳим қоидаларнинг киритилиши ҳам жазо тайинлаш институтини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган масалалардан биридир. Бир неча жинойт деганда, қонун шахс томонидан ҳар бири алоҳида жинойт таркибини ташкил этувчи икки ва ундан ортиқ қилмиш содир этилишини назарда тутди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси амалдаги Жиноят кодексининг муҳим жиҳати шундаки, унда бир неча жиноятлар шакллари тушунчаси, яъни бир қанча жиноятларнинг назарий қоидалари Жиноят қонунининг ўзида берилди. Гарчи бир неча жиноятларнинг умумий тушунчаси берилмаган бўлса-да, бир қанча жиноятлар тизимига кирувчи жиноятларнинг ҳар бир шаклининг тушунчалари алоҳида-алоҳида моддаларда ифодаланади. Булар такроран жиноят содир этиш (32-модда), жиноятлар мажмуи (33-модда), рецидив жиноятлар тушунчаларидир.

Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган вақтда бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлашда жазонинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш қоидасидан воз кечилган бўлса-да, кейинчалик жиноят қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан 2004 йил 27 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга биноан Жиноят кодексининг 59-моддаси янги таҳрирда қабул қилиниб, жазони енгилроғини оғирроғи билан қоплаш қоидаси ҳам назарда тутилди

Жиноят кодексига жазо тайинлаш борасида ушбу қоидаларнинг киритилиши, биринчидан, жиноят қонунининг бу борадаги нормаларини такомиллаштиришга қаратилган бўлса, иккинчидан, қоплаш принципи жазо тайинлаш қоидаларининг яна либераллашганлигидан далолат беради.

Жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй бериб, муқобил санкцияларни кўпайтириш, шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда, бошқа жиноят-ҳуқуқий чораларни қўллаш, жарима миқдорини кўпайтириш, Жиноят кодексида назарда тутилган ижтимоий жиҳатдан унчалик хавфли бўлмаган қилмишларнинг декриминализация қилиниши, яъни жиноят эмас, маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Юқоридагиларга кўра таъкидлаш керак, жиноят қонунчилигида жазо тайинлаш институтининг либераллаштирилиши, ўз навбатида:

- жиноят содир қилган шахсга нисбатан жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенг қўллаш имкониятини яратди;

- жиноят учун жазо тайинлаш қоидаларини дифференциялаш ва индивидуаллаштиришга олиб келди.

Жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ХИИ-ХИИИ боблари 64-68, 69-76 моддаларида жиноий жазодан озод қилиш тўғрисидаги нормалар ўз ифодасини топган бўлиб, бунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг инсонпарварлик принципи намоён бўлади.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасида олиб борилаётган фаолият халқимиз бой тарихи ва ҳуқуқий тажрибаси руҳиятидан келиб чиққан ҳолда юритилиб, жавобгарликдан озод этиш борсида жиддий янгилик бўлиб, амалдаги Жиноят кодекси 66-1 моддаси, яъни *ярашганлигини* муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг киритилиши бўлиб, ушбу моддада назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Дастлаб ушбу қонун қабул қилинганда, фақат 26 та жиноят учун томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этиш мумкин бўлса, жиноят қонунини либераллаштиришнинг сўнгги босқичларига кўра, эндиликда Жиноят кодексининг 40 та моддасидаги 53 та жиноят бўйича томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мумкин.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг жиноят қонунига киритилиши, жиноят ҳуқуқи сиёсатида ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Жумладан, жиноят содир этган

шахсининг ахлоқан тузалишида ва унинг тўғри йўлга киришида бу қоида ҳуқуқий аҳамият касб этади.<sup>2</sup>

Ярашув институтининг қонунда мустаҳкамланиши, жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, жиноий жавобгарликдан озод этиш институтининг кенгроқ қўлланишига имконият яратди. Чунки муқаддам қонун чиқарувчи белгилаб берган процессуал муносабатларга жабрланувчининг иштироки чеклаб қўйилган эди. Жабрланувчига берилган бундай ҳуқуқ аҳолининг криминаллашуви даражаси пасайишига, судланганликнинг салбий оқибатлари камайишига, меҳр-мурувватлилик каби инсоний фазилатларнинг кенгроқ намоён этилишига олиб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, жиноят қонунчилигида ярашув институти билан бир қаторда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жараёнида амнистия акти институтининг ўрни бекиёсдир. Чунки амнистия актини қўллаш, мамлакатмизда кечиримлилик ва бағрикенглик каби инсонпарвар тамойилларга амал қилинаётганлигидан далолат беради. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, «Амнистия» сўзи латин тилидан олинган бўлиб, «унутиш», «кечириш» деган маъноларни билдиради. Демак, мамлакатимизда ушбу актни қўллаш асослари унинг асл маъносига тўғридан-тўғри мос келади, яъни амнистия актини қўллаш, давлатнинг жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлишидан далолат беради.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар, судларнинг инсонлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи орган сифатидаги аҳамиятини ошириш, умуман, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш учун зарурий ҳуқуқий базани яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш мақсадида «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар

---

<sup>2</sup> Ахроров Б. Ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш жиноят қонунчилигининг инсонпарварлик тамойилларидан бири. // «Суд –ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2001, 25-бет.

<sup>3</sup> **Мухтасар** (шариат қонунларига қисқача шарҳ). – Т.: Чўлпон, 1994, 279-б.

киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муҳим воқеа бўлди. Ушбу қонунга кўра, амнистия актини қўллаш фақат судларга тегишлидир.<sup>2</sup> Яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Суднинг ваколатлари» номли 29-моддаси биринчи қисмига киритилган қўшимча билан судларга прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш ваколати берилди. Бу эса, ўз навбатида, судлар жиноят учун адолатли жазо тайинловчи орган эмас, балки ушбу шахсларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантирувчи қоидаларнинг қўлланилишини адолатли таъминловчи органга айлантирилаётганлигидан далолатдир.

Таъкидлаш керакки, ушбу қонун қабул қилингунига қадар, амнистия акти нафақат судлар, балки терговчи томонидан ҳам қўлланилиши мумкин эди.

Қонуннинг асосий мақсади амнистия актини судга қадар иш юритиш ва жиноий жазоларни ижро этиш босқичида судлар томонидан қўллаш тартибининг янги механизмини процессуал жиҳатдан тартибга солиш қоидаларини белгилашдан иборат.

Хусусан, амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юбориши талаб этилади.

---

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Амнистия актинини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни.// Халқ сўзи. 2008 йил 23 декабрь.

Жиноят қонунини либераллаштириш борасида вояга етмаганлар, аёллар, кексалар жавобгарлиги марказий масалалардан бири бўлиб, алоҳида диққат-эътиборни талаб этади. Жиноят қонунини либераллаштиришнинг кейинги босқичларида вояга етмаганлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиёцизлик оқибатида жиноят содир этилса, уларга озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланмаслик белгилаб қўйилди. 2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Жиноят кодексининг вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш масалаларини тартибга солувчи нормаларидаги қарама-қаршиликлар бартараф қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг олтинчи бўлими вояга етмаганларнинг алоҳида ижтимоий мавқеи ҳамда жисмоний ва рухий ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда, фақат уларнинг жиноий жавобгарлиги масалаларига бағишланган. Қонунда вояга етмаганларга нисбатан жазони индивидуаллаштириш бўйича қатъий талаблар белгиланган, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари чегараланган.

Хусусан, Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоидалар билан тўлдирилди. Айни вақтда, мазкур моддада уларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга йўл қўядиган нормалар ҳам бор эди ва бу ягона суд амалиёти шаклланишига салбий таъсир кўрсатар эди. Бу каби ҳуқуқий нуқсонларнинг мавжудлиги, айрим ҳолларда, вояга етмаганларнинг унча оғир бўлмаган жиноятлари учун ҳам озодликдан маҳрум қилинишларига олиб келган.

Киритилган ушбу ўзгартиришлар қарама-қаршиликларни бартараф қилди ва келгусида жиноят қонунининг тўғри қўлланилишини ва вояга

етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмасилиги кафолатларини таъминлайди.<sup>1</sup>

Ушбу жараённинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2008 йил 10 январдаги қонуни муҳим воқеа бўлди. Унга кўра, бир қатор қонунлар билан бирга Жиноят кодексига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунга кўра, Жиноят кодекси 122-моддасига, яъни вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун белгиланган уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси бир йилга камайтирилди, аммо ушбу ҳолат юқоридаги жиноят учун жавобгарликнинг енгиллашганидан далолат бермайди, аксинча, жиноят учун жавобгарлик кучайтирилиб, модда янги иккинчи қисм билан тўлдирилди ва вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жинояти хавфли рецидивист томонидан содир этилса, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланиб, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши қайд этилди.

Худди шунингдек, Жиноят кодексининг 127-моддаси, яъни вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун эндиликда бошқа муқобил жазолар билан биргаликда энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима жазоси киритилди. Қабул қилинган ушбу қонунлар, албатта, вояга етмаганларнинг ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

---

<sup>1</sup> Қодиров Р. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш – суд ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади. // Туркистон, 2009 йил 11 март.

Маълумки, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада Республикамизда ёшларга оид қабул қилинган барча ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг тунги вақтда назоратсиз қолмаслиги, турли ҳуқуқбузарликларга аралашиб қолмаслиги ва нихоят уларнинг ҳуқуқбузарликлар қурбони бўлиб қолишларини олдини олишда 2010 йил 17 майда Ўзбекистон Республикаси Мамъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш деб номланган 188<sup>2</sup>-модданинг киритилиши муҳим аҳамият касб этди.

Республикамизда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни турли салбий таъсирлардан асраш борасида изчиллик билан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сўнгги вақтларда вояга етмаганларнинг компьютер залларида ва бошқа интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун жиҳозланган бошқа жойларда тунги вақтларда ота-оналари кузатувисиз бўлиши ҳоллари кўпайди. Айрим ҳолларда вояга етмаганларнинг тонггача бундай жойларда қолиб кетганлиги ҳолатлари ҳам мавжуд. Бундай ҳолатлар вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва натижада турли ҳуқуқбузарликларни содир этиши ёки ҳуқуқбузарликлардан жабрланиб қолиши хавфини кўпайтиради. Шунингдек, вояга етмаганларнинг тунги вақтларда турли дам олиш жойлари, кафелар, барларда ота-оналари кузатувисиз бўлиши улар томонидан спиртли ичимликлар истеъмол қилиниши ва натижада турли ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ҳоллари кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “Вояга етмаган шахсларнинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш” деб номланган 188<sup>2</sup> - модданинг киритилиши ўз вақтида кўрилаётган чора-тадбирлардан биридир. Чунки, 2009 йилнинг 9 ойи мобайнида вояга етмаганлар томонидан содир этилган

1584 та жиноятларнинг 422 таси (26.6%) тунги вақтда содир этилган. Шу билан биргаликда жиноятлардан жабрланган вояга етмаганларнинг кўпчилиги айнан тунги вақтда назоратсиз қолган шахслардир.

Қонунга киритилган ушбу қўшимча, нафақат ота-оналарнинг балки, ресторанлар, барлар, кафелар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатишга жиҳозланган хоналарда ёхуд кўнгил очиш (дам олиш) соҳасида фойдаланиладиган бошқа хоналарнинг раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

МЖтКнинг 245-моддасида ушбу ишларнинг судларга тааллуқли эканлиги ҳақидаги қўшимчанинг киритилиши ҳам тўғри ҳолат, чунки бундай тоифадаги ишларни кўришда амалиётда тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин. Бундай ишларни суд томонидан кўрилиши биринчидан, юқорида кўрсатилган жойлар раҳбарлари ва масъул шахсларининг суд олдида ҳозир бўлишлари бундай ҳолатларни олдини олишда муҳим аҳамиятга эга; иккинчидан, бундай муассасалар раҳбарлари вояга етмаганларни ташқи кўринишидан ажратиш имконияти йўқлиги, ёнида шахсини тасдиқловчи хужжатлар бўлмаганлиги сабабли ҳам, уларнинг сўзига ишониб киритганликларини рўқач қилиши ва бунинг учун ота-оналарнинг ўзи жавоб бериши кераклигини кўрсатишлари мумкин; учинчидан, бундай ишларни кўриш орқали суд вояга етмаган шахсларни назоратсиз қолдирган ота-оналарга нисбатан ҳам тегишли чора кўриши мумкин; тўртинчидан, муттасил равишда вояга етмаган фарзандларини тунги вақтда турли жойларга назоратсиз чиқариб юборган ота-оналарга чора кўриш зарурати туғилганида МЖтКнинг 245-моддаси биринчи қисмида “болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик” (МЖтК 47-моддаси) ка оид ишларни кўриш судларга тааллуқлилиги белгиланган.

Умуман олганда, МЖтКга ушбу қўшимчанинг киритилиши жамиятнинг барча аъзолари вояга етмаганларнинг тарбияси учун масъуллигини яна бир бор намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 12 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олишда давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берди.

Жиноят қонунни либераллаштиришнинг яна бир босқичи 2010 йил 18 майда Жиноят кодексига “Айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганида жазо тайинлаш” деб номланган 57<sup>1</sup>-модданинг киритилиши бўлди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадларига эришишни назарда тутди.

Судлар томонидан жиноят ишларини кўришда энг аввало жиноят содир қилиш билан боғлиқ бўлган барча ҳолатларини, уни содир қилган шахсни, қилмишда жиноят қонунида кўзда тутилган барча белгиларнинг мавжудлигини тўла ва батафсил аниқлаш, жиноятни тўғри квалификация қилиш, қонунийлик ва адолатлилик принципига риоя қилишнинг асосий шартидир. Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар маълум даражада қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини белгиловчи мезон бўлиб ҳам ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг, бир томонидан реал ҳаётда кўпроқ учрайдиган турлари ва турли-туман жиноятлар содир қилиш учун типик бўлган ҳолатлар олинган бўлса, иккинчи томондан, қонун чиқарувчи орган жиноят содир этиш ва жиноятчи шахсига жиддий таъсир

қиладиган ҳолатларнигига жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхатига киритган.

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар фақатгина жазони енгиллаштиришнинг ўзи учун асос бўлмасдан, балки жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш учун ҳам асос бўлиши мумкин. Жумладан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддаси, 66<sup>1</sup>-моддаси асосида жавобгарликдан озод қилиш ёки 71-моддаси қоидаларига кўра жазодан озод қилишга сабаб бўлиши мумкин.

Албатта, ЖК 55-моддасида кўрсатилган ҳолатлар жиноят содир этган шахсга нисбатан жазони енгиллаштиришга хизмат қилсада, аммо шахсларнинг содир этган қилмишларини очиш учун қиладиган ҳаракатларини етарли даражада рағбатлантира олмайди.

ЖК 55-моддаси биринчи қисми “а” банди - айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш; ва “б” банди - етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш каби енгиллаштирувчи ҳолатлар, айбдорнинг жиноят содир этганидан кейинги фаол ижобий ҳаракатларини ифодалайди. Яъни, ушбу ҳолатлар айбдорнинг жиноят содир этганидан кейин, содир этган қилмишининг ғайриқонуний эканлигини англаганлигидан ва у учун жазо олишга тайёр эканлигидан далолат беради.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида содир этган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятни очишга фаол ёрдам берган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда, тайинланадиган жазо чорасининг юқори чегараси белгиланганлиги, бундай шахсларни қилмишларидан пушаймон бўлганида ҳокимият органларига хабар қилишлари, жиноятни очишга ёрдам беришларини рағбатлантиради.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, ЖКга 57<sup>1</sup>-модданинг киритилиши, яъни ЖК махсус қисми моддаларидан муайян жиноят учун белгиланган жазо муддатининг ва миқдорининг учдан икки қисмидан кўп бўлмаслиги ҳақидаги

қонданинг киритилиши жиноятларни очишни тезлаштириш, жиноят туфайли етказилган зарарни ўз вақтида бартараф қилиш, жиноят содир қилган шахсларни ўз ихтиёри билан ҳокимият органларига айбини бўйнига олиб арз қилишларига ижобий таъсир кўрсатади.

2010 йилда “Айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганида жазо тайинлаш” деб номланган ЖК 57<sup>1</sup>-моддасининг номи “Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш” деб ўзгартирилди. Чунки, айбдорнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиши деб номланиши айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш; етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш ҳолатларини тўлиқ камраб олмас эди. Эндиликда амалда пушаймон бўлиш деб номланиши ушбу ҳолатларни тўлиқ акс эттиришига хизмат қилади.

Жиноят Кодексига 57<sup>1</sup>-модданинг киритилиши ўз навбатида ЖК 66-моддасига ҳам ўзгартиш киритишни талаб этди. ЖКнинг 66 моддаси эски таҳрири “Айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш” деб номланиб, у ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят содир қилингандан кейин жиноят туфайли келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлигини назарда тутар эди. 2010 йил декабрда ЖК 66-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди. Эндиликда ЖК 66-моддаси “Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш” деб номланди. Ўз навбатида мазкур модда қуйидаги таҳрирда баён қилинди:

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам

берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим.

Худди шу тартибда ЖК 71-моддасининг ҳам номланиши “Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш” деб ўзгартирилди ва мазмунига ҳам тегишли ўзгартиш киритилди.

Мазкур ўзгартишнинг киритилиши жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллаш доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилади ҳамда шахсларнинг содир қилган жиноятларига иқрор бўлгиши, пушаймонлиги, келтирилган зарарни қоплаши ва жиноятни очишга фаол ёрдам беришларини рағбатлантиради.

Умуман олганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий йўналиши сифатида жиноят қонунини либераллаштириш:

биринчидан, жиноят содир этишда айбланаётган фуқароларга тайинланган жазолар либераллаштирилмоқда ёки жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш мумкин бўлган нормалар доираси кенгайтирилмоқда;

иккинчидан, жиноят қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар жиноий таъқиб этиш ҳамда жиноятларни судда кўришнинг асослари ва асосий принципларини тубдан ўзгартиришига олиб келди;

учинчидан, киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, айрим жиноят-ҳуқуқий нормаларда сақланиб қолган тоталитар режим асоратларини бартараф этишга хизмат қилди;

тўртинчидан, ривожланиб бораётган демократик жамиятнинг қонунлари хусусиятининг ўзиёқ, уларга ихтиёрий тарзда ва сўзсиз риоя этилиши ҳамда ижро қилинишини тақозо этиб, қонун устуворлигини тامينлашга хизмат қилмоқда.

## II-БОБ. ЖИНОЙ ЖАЗО ТУРЛАРИ

### 2.1. Жарима

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 44-модасига кўра, жарима айбдор шахсдан давлат даромадига энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорида пул ундиришидир<sup>1</sup>. Вояга етмаганларга нисбатан эса энг ойлик иш ҳақининг икки бараваридан 20 баровари миқдорида тайинланади.

2001 йил 29 август кунидаги жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан ЖК, ЖПК, МЖТК ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига қадар жарима жазосининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 300 бараваригача миқдорида эди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан ҳозирги вақтдаги ҳолатига келтирилди.

Жариманинг жиноий жазо сифатида жазо тизимига киритилганлиги, аввало, унинг ҳозирги даврда муҳим жазо чораларидан бири эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга жаримани қўллаш суд органларига ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган қилмишларга жазо тайинлашда имкон қадар жазо ва жавобарликнинг дифференцияси ҳамда индивидуализация қилишга ёрдам беради<sup>2</sup>.

Жарима давлатнинг мажбурлов чораси сифатида айбдорга иқтисодий таъсир кўрсатиш орқали жиноят содир этган шахснинг мулкӣ ҳуқуқларини чеклашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам жарима жазо тизимида кўрсатилган жазо чораларининг энг енгили ҳисобланади.

1959 йилги Жиноят кодексида ушбу жазонинг миқдорини белгилаш ҳуқуқи суд органларида эди. Ҳозирги ЖК да жарима жазосининг максимал ва минимал чегаралари қатъий белгилаб қўйилди. Ўз.Р.ЖК га биноан жарима фақат жазоси асосий жазо сифатида тайинланади. 1959 йилги Жиноят

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. Т.: 2004. -Б.20.

<sup>2</sup> М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.-Б.314.

кодексида жарима асосий ва қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин бўлган

Бир қанча олиб борилган тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, жарима жазоси бошқа жазо турларига қараганда ўзининг таъсирчан эканлигини кўрсатган. Республикамизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтганлиги ва мулкчиликнинг турли шакллари тенг деб эълон қилинган шароитда жариманинг жиноий жазо сифатидаги роли жуда каттадир.

Ўз.Р.ЖК га кўра, жарима фақат пул билан ундириладиган асосий жазо туридир. Суд бу жазони қўллаётган вақтида аниқ миқдорини кўрсатади. Жариманинг миқдори ҳукм чиқарилган вақтдаги иш ҳақи миқдорига эмас, жиноятни содир қилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг миқдорларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Жарима жазоси миқдорини белгилашда жиноятнинг оғирлик даражаси ва судланувчининг моддий аҳволи ҳисобга олинади. Судланувчининг моддий аҳволини баҳолашда қуйидагилар эътиборга олиниши лозим:

1) қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай манбаадан оладиган даромадлари. Бундай даромадларга иш ҳақи, мулкӣ даромадлар, тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадлар киради;

2) судланувчига мулк ҳуқуқи асосида, хўжалик юритув асосида, оператив бошқарув асосида, шунингдек ижарага олиш асосида тегишли бўлган мол-мулк;

3) унинг қарамоғидаги шахслар, масалан, вояга етмаган фарзандларининг мавжудлиги;

4) судланувчининг мулки бўйича учинчи шахслар олдидаги мажбурияти. Судланувчининг алимент тўлаши, зарарни қоплаши, солиқ тўлаши ва бошқа ҳолатлар<sup>1</sup>.

Жиноий жазо сифатида белгиланган жарима шахсни муайян моддий мулкдан маҳрум қилади. Жарима катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган

---

<sup>1</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.-Б.310.

жиноятлар учун энг самарали таъсир воситаларидан бири бўлиб, у суд амалиётида энг кўп қўлланиладиган жазо туридир. Айни пайтда, жарима атрофдагиларга ҳам тегишли тарзда таъсир қилиши керак<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» ги Пленуми қарорининг жаримани қўллаш бўйича ҳам тушунтиришлар бериб ўтилган. Бунга кўра, жарима жазосини татбиқ этишда унинг миқдори шахс томонидан жиноят содир этилган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши лозим дейилади<sup>2</sup>. Ушбу Пленум қарорида суд эндиликда бошқа жазо чораларига қараганда жарима жазосини кўпроқ қўллаш лозимлиги ҳақида тавсиялар бериб ўтган.

Жарима асосан маҳкумга мулкӣ зарар етказиш билан боғлиқ бўлиб, айбдордан муайян миқдорда пулни давлат фойдасига ундирилишини назарда тутати. Ушбу жазо қўлланилганда шахснинг ғайри ижтимоӣ ҳуқ-атворида туртки берган сабабларга давлат мажбурлов чорлари бевосита таъсир кўрсатади. Агар жарима доимӣ иш жойи ва яхши иш ҳақига эга бўлган, иш жойидан ижобӣ таърифланувчи шахсга нисбатан қўлланса, унинг жиноӣ жазо чораси сифатидаги самарадорлиги янада ошади<sup>3</sup>.

Энди биз жарима жазосини МДХ давлатларининг айримларини ва бошқа романа-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи бир қатор давлатларнинг ЖК даги жарима жазоси билан Ўз.Р.ЖК даги жарима жазосини қиёсий таҳлил қилсак.

Россия Федерациясининг ЖК нинг 46-моддасига кўра, жарима айбдордан давлат даромадига ушбу Кодексда белгиланган миқдорда пул ундиришдир. Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан минг бароваригача миқдорда белгиланади. Жарима жиноятнинг оғирлиги ва мулкӣ ҳолатига қараб белгиланади. Қўшимча жазо сифатида фақат ушбу

---

<sup>1</sup> А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.-Б.312.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленум қарорларининг тўплами 1991-1997. Т.: Шарқ, 1997.-Б.51.

<sup>3</sup> Қ.Р.Абдурашулова. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқӣ ва криминологик муаммолари. Т.: ТДЮИ. 2005.-Б.187.

ЖК нинг махсус қисмининг моддасини жазо санкциясида назарда тутилган ҳоллардагина тайинланади. Агар маҳкум жазо тариқасида тайинланган жаримани тўлашдан қасддан бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий меҳнатга ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради<sup>1</sup>.

Қозоғистон Республикаси ЖК га биноан, жарима айбдордан давлат даромадига ушбу Кодексида белгиланган айбдорнинг ишлаган даври ёки ишлаб турган вақтида жиноятни содир этган вақтдаги ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда, маҳкумнинг ойлик иш ҳақининг 25-20000 миқдорда пул ундиришдир. Жарима жиноятнинг оғирлиги ва мулкӣ ҳолатига қараб белгиланади. Қўшимча жазо сифатида фақат ушбу ЖК нинг махсус қисмининг моддасини жазо санкциясида назарда тутилган ҳоллардагина тайинланади. Агар маҳкум жазо тариқасида тайинланган жаримани тўлашдан қасддан бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ижтимоӣ меҳнатнинг 80 соатига, ахлоқ тузатиш ишларининг 10 ойига, қамоқ жазоси тариқасидаги жазо билан алмаштирилади<sup>2</sup>.

Қирғизистон Республикасида жарима жазоси қуйидагичадир яъни, жарима айбдордан ушбу Кодексида белгиланган миқдорда айбдордан пул ундиришдир. Жарима содир этилган жиноятнинг характери ва оғирлигига қараб энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бароваридан 1000 бароваригача бўлган миқдорда белгиланади. Жарима қўшимча жазо сифатида фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. Жарима жазосини тўлашдан бўйин товлаганда қамоқ жазоси билан Қирғизистон ЖКнинг 48-моддада кўрсатилган муддатларга алмаштирилади<sup>3</sup>.

Польша Республикиси ЖК да жарима кунлик иш ҳақининг ставкаларида белгиланиб, ушбу ставкаларни нечталиги ва ҳар бир ставкани миқдори аниқланиши шарт. Агар қонун бошқача белгиламаса ставкаларнинг энг ками

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Российской Федерации. Официальный текст. Москва. ОМЕГА-Л.2003.-С.19-20.

<sup>2</sup> Уголовный Кодекс Республики Казахстан. До1.09.1999 дополнение. Алматы. ЮРИСТ. 1999.-С. 14-15.

<sup>3</sup> Уголовный Кодекс Кыргызской Республики. Законодательство зарубежных стран. Предисловие канд.юрид.наук.зам. прокурора Санкт-Петербурга А.П.Стуканова, канд.юрид.наук.зам. начальник управления прокуратуры С.- Петербурга П.Ю.Костантинова. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс 2002.-С.69-70.

ойлик 10 га энг кўпи 360 га тенг ҳисобланади. Суд ушбу жавобгарга ОМҚ жазосига кўшимча жаримани ҳам белгилаши мумкин. Агар жиноятчи жиноятни мулкый наф кўриш мақсадида билан содир этган бўлса, жарима ҳам қўлланилади. Суд жарима жазосини қўллаётганда моддий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тайинлайди<sup>1</sup>.

Болгария Республикасида жарима жазоси деганда, шахснинг мулкый ҳолати даромади, оилавий шароитига қараб белгиланади. Жарима миқдорини бегилаш вақтида Болгария ЖК нинг 5 боби қоидалари инобатга олинади. Жариманинг миқдори 0,50 левдан кам бўлмаслиги керак. Агар маҳкум ҳукм қонуний кучга киргандан кейин вафот этса жарима унга тегишли мулкдан ундирилади. Мусодара қилинмайдиган мол-мулк жарима ундириш вақтида ҳам ушбу чекловлар амалда қўлланилади<sup>2</sup>.

Хитой Халқ Республикасида эса жарима жазоси қуйидагича талқин қилинган. Бунга кўра, жарима жазо чораси муайян пул суммасида белгиланиб, иш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ҳукм бўйича жарима ижроси белгиланган муддат давомида бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўланади. Белгиланган муддатда тўланмаса жарима мажбурий тарзда ундирилади. Агар жаримани кечиктирадиган ҳолатлар аниқланса, форс-можар ҳолатлари аниқланса, ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб, суммасини камайтириб ундан тўлиқ равишда озод қилиш мумкин<sup>3</sup>.

Криминалист олим Қ.Абдурасулова миллий жиноят қонунчилигимиздаги жарима жазосининг минимал ва максимал миқдорлари ҳақида шундай дейди, жарима жазоси энг кам ойлик ҳақининг беш

---

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Республики Польша. С изменениями дополнениями на 1 августа 2001 г. Законодательство зарубежных стран. Научный редактирование канд.юирд. наук. доц. А.И.Лукашова, док. юрид. наук. проф. Н.Ф.Кузнецовой, перевод с польского Д.А.Барилевич. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2001.

<sup>2</sup> Уголовный Кодекс Республики Болгария. Законодательство зарубежных стран. Научное редактирование канд. юрид. наук. А.И.Лукашова. Вступительная статья доктор права, профессора института правовых наук Болгарской Академии наук Й.И.Айдарова (Республика Болгария) Перевод с Болгарского канд.юрид. наук. Д.В.Милушева (Республика Молдова), Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс.2001.

<sup>3</sup> Уголовный Кодекс Китайской Народной Республики. Законодательство зарубежных стран. Под редакцией доктора юридических наук профессора А.И.Коробоева. Перевод Д.В.Вичикова. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс 2001.

бараваридан минг бараваригача миқдорда тайинланади<sup>1</sup>. Жарима содир этилган жиноятнинг хусусияти ва оғирлигига ҳамда маҳкумнинг моддий ҳолатига қараб бегиланади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун - энг кам ойлик ҳақининг беш бараваридан юз бараваригача, ўртача оғир жиноят учун – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда, оғир жиноятлар учун эса – энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан етти юз баравари миқдорида, ўта оғир жиноятлар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг етти юз бараваридан минг баравари миқдорида тайинланиши мумкин.

## **2.2. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш**

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоси Ўз.Р.ЖК нинг 45-моддасида кўрсатилган бўлиб, бунга биноан шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади ҳамда асосий жазо тариқасида тайинланганда - бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда - бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ушбу Кодекс Махсус қимининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин<sup>2</sup>.

*Муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш деганда,* корхона, муассаса ва ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллаш ёхуд муайян мансаб билан боғлиқ бирон-бир функцияни амалга ошириш билан боғлиқ

---

<sup>1</sup> Қ.Р.Абдурасулова. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Т.: ТДЮИ. 2005.-Б.188-189.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр.Т.:2004.-Б.21.

бўлган мансабни (масалан, моддий жавобгарлик хусусиятига эга бўлган мансаблар) эгаллашини тақиқлаш тушунилади.

Ўз.Р. ЖК да *муайян фаолият билан шуғулланишни таъқиқлаш деганда*, айбдорнинг доимий тарзда шуғулланадиган касбий фаолиятини, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан маҳрум этиш тушунилади (масалан савдо фаолияти, таржимонлик фаолиятлари билан шуғулланишни тақиқлаш)<sup>1</sup>.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини белгилашдан асосий мақсад айбдорнинг хизмат вазифаси билан боғлиқ жиноий фаолиятини чеклаш ва шу билан бирга янги жиноят содир этишнинг олдини олишдан иборат<sup>2</sup>.

Муайян мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш фақатгина давлат корхоналарида фаолият кўрсатаётган мансабдор шахсларга нисбатан тайинланади. Шунингдек, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин. Муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш деганда ҳар қандай асосий даромад манбаи ҳисобланган маълум касб билан доимий равишда шуғулланишдан маҳрум қилиш назарда тутилади<sup>3</sup>.

Суд ушбу жазони қўллаётган вақтида ҳукмида қандай мансаб эгаллаш ҳуқуқи ва айнан қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишни аниқ кўрсатади.

Шундай қилиб, ушбу жазо тури давлат ёки жамоат мулкини талон-тарож қилган, порахўрлик жиноятини содир этган шахсларга нисбатан қўлланилганида кўпроқ самарали ҳисобланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш фақат айбдор жиноят содир этиш вақтида ушбу ҳуқуққа эга бўлган ҳолдагина қўлланилади. Агар у ушбу ҳуқуққа жиноят содир этгандан сўнг эга бўлган бўлса, суд бу жазо турини қўллаши мумкин эмас.

---

<sup>1</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.-Б.312.

<sup>2</sup> А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.-Б. 313.

<sup>3</sup> М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди. 2005.-Б.385.

Муайян ҳуқукдан маҳрум этиш жазоси қўлланилганида бу жазога маҳкум қилинган шахсни ўзи фаолият кўрсатаётган тизимда ишлаши мумкинлигини истисно этилмайди. Қонунда фақат аниқ бир мансабни эгаллашни (масалан мулкӣ бойликларни тасарруф қилиш) ёки аниқ бир фаолият билан шуғулланиш таъқиқланиши назарда тутилади.

Қонунга кўра айбдор бир вақтнинг ўзида у ёки бу мансабни эгаллаши ёки бирон бир фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Бу жазо турини қўллашда фаолият тури айбдорнинг асосий моддий таъминот манбаи эканлигига эътибор бериш лозим. Агар бу фаолият айбдорнинг асосий моддий таъминот манбаи бўлса (масалан овчилик фаолияти), унга нисбатан бу жазони қўллаш керак эмас. Бу жазо турини қўллашда маҳрум қилинаётган фаолият тури айбдорнинг ягона касби бўлган ҳолларда муайян ҳуқукдан маҳрум қилишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини ҳисобга олиш лозим<sup>1</sup>.

Агар ушбу жазо тури қўлланилаётган модданинг санкциясида асосий жазолардан бири сифатида кўрсатилган бўлса ҳам асосий жазо тариқасида қўлланилади.

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинлаган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига ва ундан сўнг ҳукмда бўлгиланган муддатгача давом этади. Бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Шахс шартли ҳукм қилинганида, муддатнинг ўтиши ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар синов муддати давомида янги жиноят содир этса, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланади. Агар асосий жазо тариқасида озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш қамоқ, ахлоқ тузатиш ишлари каби жазолардан бири тайинланган бўлса, ҳукм

---

<sup>1</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.-Б.313.

конуний кучга кирган кундан бошлаб ҳукмда кўрсатилган муаддатдан бошлаб ҳисобланади.

Муайян мансабни эгаллаш ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни таъқиқланиши суд томонидан белгиланган муддатнинг ўтиши билан бекор бўлади. Жиноят кодекси 78-моддаси биринчи қисми «в» бандига кўра муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси учун судланганлик ҳолати жазо муддати тугандан сўнг бир йил ўтгач тугалланади<sup>1</sup>.

### **2.3. Ахлоқ тузатиш ишлари**

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 46-моддасида АТИ жазосига шундай таъриф берилган бўлиб, бунга биноан ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади. Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади. Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди. Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди<sup>2</sup>.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўзида инсонпарварлик принципини ифодалайди. Маҳкумга бу жазони қўллаш орқали у эркинлигидан маҳрум қилинмайди, ўз оиласида, уйдан узилмаган ҳолда ўзи аввал ишлаган

---

<sup>1</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.-Б. 313.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр.Т.:2004.

муассасада (корхона, ташкилотда) ишлайди. Бу жазони қўллаш орқали маҳкумга моддий таъсир кўрсатилади, яъни айбдор иш ҳақининг муайян қисми давлат фойдасига ўтказилади. Шу орқали ахлоқ тузатиш ишларининг қуйидаги жазолаш хусусияти намоён бўлади:

**биринчидан**, маҳкумнинг олдинги ўзи ишлаган ёки бошқа ташкилотда мажбурий меҳнат қилиши (жазони ўташ вақтида маҳкумнинг меҳнат қилиши мажбурий ҳисобланади);

**иккинчидан**, юқорида қайд этилганидек, моддий таъсир-унинг иш ҳақидан муайян қисми давлат фойдасига ушлаб қолинади<sup>1</sup>.

Жиноят қонунида ахлоқ тузатиш ишларининг икки тури кўрсатилган:

**биринчиси**, маҳкум жазони ўзи ишлаб турган жойда ўтайди;

**иккинчиси**, жазони жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган жойда ўтайди.

Жазонинг қайси турини ўташ лозимлигини суд белгилайди.

**Маҳкумнинг ўз иш жойи деганда**, нафақат унинг меҳнат шартномаси асосида ишлаётган, шунингдек, мустақил тарзда амалга оширадиган фаолияти (масалан, тадбиркорлик фаолияти) тушунилади. Қоида бўйича доимий хизматдаги шахсга ахлоқ тузатиш ишини ўзи ишлаб турган жойда ўташ белгиланади. Маҳкумни тарбиялаш нуқтаи назаридан жазони ўзи ишлаб турган жойида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки маҳкум жазони уни яхши билган жамоа назорати остида ўтайди.

Ахлоқ тузатиш ишини умумий асосларда ўташ шартлари доимий иш жойларида ўташдан оғирроқдир. Бунда маҳкум жазони унинг ижросини назорат қилувчи органнинг йўлланмаси билан ўзига таниш бўлмаган янги жойда ишлаб ўтайди. Маҳкумнинг меҳнати меҳнат қонунлари асосида бошқарилади, таъриф ставкаси бўйича ҳақ тўланади ва иш ҳақининг ҳукмда кўрсатилган фоизи давлат даромади ҳисобига ўтказилади.

---

<sup>1</sup> М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИЛМ ЗИҲО.2005.

Ахлоқ тузатишга ҳукм қилинганлар иш ҳақидан давлат бюджетига ўн фоиздан ўттиз фоизгача бўлган миқдорда жазони ўташ муддати давомида ҳар ойда асосий иш жойидаги иш ҳақидан ушлаб қолинади.<sup>1</sup> Иш ҳақи сифатида фақат меҳнат фаолияти натижасида олинган иш ҳақигина эмас, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган даромад, стипендия, грант ва бошқалар тушунилади.

Демак, ахлоқ тузатиш ишлари маҳкумнинг моддий ва меҳнат қилиш ҳуқуқларини маълум даражада чеклашдан иборат бўлган асосий жазо турларидир бирдир.

Ахлоқ тузатиш ишлари ички ишлар органлари томонидан ижро этилади, яъни маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Россия Федерацияси Жиноят қонунида АТИ жазоси фақат асосий иш жойи ва иши бор одамлар учун маҳкумнинг иш ҳақидан 5% дан 20% гача миқдорда давлат фойдасига белгиланиб, 2 ойдан 2 йилгача бўлган муддатга тайинланади. Агар маҳкум жазони ўташдан бўйин товласа, АТИ нинг бир кунига шу жазонинг ўрнига озодликдан чеклашнинг бир кун, қамоқнинг бир куни АТИ 2 кунига ҳамда ОМҚ жазосининг бир куни АТИ нинг 3 кунига тенг ҳисобланади<sup>2</sup>.

Қозоғистон Республикаси Жиноят қонунининг 43-моддасида ахлоқ тузатиш ишлари фақат иш жойи бор маҳкумлар учун маҳкумнинг иш ҳақидан 5% дан 20% гача миқдорда давлат фойдасига белгиланиб, 2 ойдан 2 йилгача бўлган муддатга тайинланади. АТИ меҳнатга лаёқатсиз, доимий иш жой йўқ, ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқиётган бундай шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Ушбу шахсларга АТИ жазоси ўрнига суд иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда жарима жазоси қўллаши мумкин. Қозоғистон Республикаси томонидан белгиланган 1 ойлик иш ҳақи АТИ бир ойига тенглаштирилади. Агар маҳкум ушбу жазони ўташдан бўйин товласа

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси. 31-модда.

<sup>2</sup> Уголовный Кодекс Российской Федерации. Официальный текст. Москва. ОМЕГА-Л. 2003.

Озодликни чеклаш ёки қамоқ ёки ОМҚ жазоси билан қолган қисмига ўша муддатга қўллаши мумкин<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда АТИ бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борган ҳуқуқшунос олим М.Усмоналиев ўзининг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари номли ўқув қўлланмасида асосий эътиборни, ушбу жазонинг тарихий ривожланиш жиҳатларига қаратиш билан биргаликда, мазкур жазога жуда ҳам ўхшаш ҳисобланган жарима жазосидан асосий фарқ қилувчи томонларини тўлақонли равишда очиқ беришга ҳаракат қилган. Бунга биноан, жарима жазоси битта акт ҳужжати билан ижро этиладиган жазо бўлса, АТИ суд ҳукмида кўрсатилган муддат мобайнида ўталади. Жарима маҳкумнинг шахсий мулкидан бир йўла тўланса, АТИ унинг ўз кучи билан ишлаган меҳнати эвазига қопланиб борилади. Жарима бирдан ижро этилади, АТИ маълум вақт мобайнида тарбиявий ишлар олиб борилади. Жарима жазоси ижро этилгандан сўнг унинг бирон-бир ҳуқуқий оқибати йўқолса, АТИ эса маҳкум инспекция талаб этган ҳужжатларни белгиланган вақтлар мобайнида тақдим этиб бориши ва иш ва яшаш жойидаги ўзгаришларни маълум бориши шарт<sup>2</sup>.

М.Усмоналиев АТИ жазоси махсус қисмнинг жазо санкциясида кўрсатилмаган ҳолларда 6 ойдан кам бўлмаган муддатга тайинлаш мумкин эмас, чунки бу жуда ҳам оз муддат бу муддат ичида маҳкумни қайта тарбиялашга муҳлат етмайди дейди<sup>3</sup>.

## **2.4. Хизмат бўйича чеклаш**

Хизмат бўйича чеклаш жазоси Жиноят кодексига янги киритилган жазо чораларидан бири ҳисобланади. Жиноят кодексининг 47-моддасига мувофиқ хизмат бўйича чеклаш-офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий

---

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Республики Казахстан. Да 1.09.1999 дополнение. Алматы. ЮРИСТ. 1999.

<sup>2</sup> М.Усмоналиев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари. Ўқув қўлланма/ - Т.: ТДЮИ 2003.-Б.1-9.

<sup>3</sup> М.Усмоналиев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари. Ўқув қўлланма/ - Т.: ТДЮИ 2003.-Б.7.

хизматчи, прапоршик, мичман ва ҳарбий хизматни контракт асосида ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдори давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборат жазо чорасидир<sup>1</sup>.

Хизмат бўйича чеклаш фақат асосий жазо сифатида тайинланилиши мумкин. Бундан ташқари қонунда ушбу жазо чорасини қўллашни чекловчи қатор шартлар белгиланган: **биринчидан**, бу жазо чораси фақат юқорида қайд этилган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин; **иккинчидан**, бу жазо фақат ҳарбий жиноятларга ёки Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасида кўрсатилган ҳолларда бошқа қилмишларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади<sup>2</sup>.

Мазкур жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансаби кўтарилиши мумкин эмас (масалан, рота командири, батальон командири бўла олмайди) бундан ташқари, ҳарбий ёки махсус унвони оширилмайди. Масалан капитан унвонидаги ҳарбий майор унвонини ололмайди. Чунки жазони ўташ муддати ҳарбий унвонни ошириш учун зарур бўлган муддатга қўшилмайди.

Хизмат бўйича чеклаш Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача бўлган муддатга тайинланади. Жазони ўташ муддати унинг навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвонни олиш учун зарур бўлган хизмат муддатига қўшилмайди. Шунингдек, мазкур муддат пенсия тайинлаш учун ҳам зарур бўлган хизмат стажига ҳам қўшилмайди.

Ижтимоий ҳафви катта бўлмаган ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят учун суд иш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр.Т.:2004.

<sup>2</sup> М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.

ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини тайинлаши мумкин<sup>1</sup>.

Шундай қилиб ушбу жазо турининг ҳуқуқий оқибатлари қуйидагилардан иборат:

1) маҳкумнинг мансаби, ҳарбий ёки махсус унвонини оширилишини чеклайди;

2) ушбу муддатнинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвонни олиш учун зарур бўлган муддатга қўшилмайди;

3) маҳкум даромадининг бир қисми давлат ҳисобига ўтказилиши орқали унга моддий жафо етказилади<sup>2</sup>.

М.Усмоналиев ҳам хизмат бўйича чеклашнинг айрим оқибатларини қуйидагича кўрсатган:

1) хизмат бўйича чеклаш жазосини ўташ муддати мобайнида ҳарбий унвони оширилмайди;

2) хизмат бўйича чеклаш жазоси муддати навбатдаги ҳарбий унвон бериш ҳамда пенсия тайинлаш учун унинг хизмат муддатига қўшиб ҳисобланмайди;

3) суд ҳукмида белгиланган пул таъминотидан чегирма унинг лавозими ва ҳарбий унвонига доир умумий маошдан ҳисоблаб чиқарилади<sup>3</sup>.

Хизмат бўйича чеклаш жазоси ташқи кўриниши жиҳатидан АТИ жазосига ўхшаб кетади. АТИ оддий фуқароларга нисбатан тайинланса, ушбу жазо эса фақат офицер таркибига кирувчи ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

## **2.5. Қ а м о қ**

Ўз.Р. ЖК 48-моддасида қамоқ жазосига қуйидагича таъриф берилган. Бунга кўра қамоқ – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИЛМ ЗИҲО. 2005.

<sup>2</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИЛМ ЗИҲО. 2005.

<sup>3</sup> М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди. 2005.-Б. 418.

Қамоқ жазоси жиноят қонунига илк бор киритилган, аввал ҳеч қайси иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилигида бундай жазо тури назарда тутилмаган эди.

Қамоқ жазоси ўз моҳиятига кўра қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳисобланади. Бу: **биринчидан**, маҳкум суд ҳукми асосида тайинланган қамоқ жазосини жамиятдан ажратилган ҳолда, махсус муассасага жойлаштирилиб, жазо муддати тугагунча уни ташлаб кетиши мумкин бўлмаган, қатъий режим, кучли назорат остида ўтайди; **иккинчидан**, қамоқ жазоси бир ойдан олти ойгача муддатда белгиланади.

Қамоқ жазоси асосий жазолардан бири бўлиб, бошқа жазолар билан қўшиб тайинланиши мумкин эмас. Шунингдек, Жиноят кодекси нормаси санкциясида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам қамоқ жазоси тайинланиши мумкин: Жиноят кодексининг 57-моддасига кўра енгилроқ жазо тайинланганда; Жиноят кодексининг 44-моддаси 3-қисмига кўра айбдор жарима жазосини ижро этишдан бўйин товлаганда, у қамоқ жазоси билан алмаштирилади.

Унча ижтимоий хавфли бўлмаган жиноятлар, баъзи эҳтиётсизлик орқасидан содир қилинган жиноятлар учун шахсга нисбатан бундай тартибдаги қисқа муддатли жазони қўллаш жоиздир. Бу ерда асосий масала шундай иборатки, биринчидан шахсни ахлоқ тузатиш муассасаларига юборишнинг ижтимоий салбий оқибатларининг олди олинади ва иккинчи томондан, шахсга бошқа жазо тури билан таъсир этиш орқали умумий ва махсус превенция натижаларига эришиб бўлмаслиги аниқланганидек, бу жазо туридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир<sup>2</sup>.

Қамоқ жазоси жазо элементларини ўзида мужассам этган ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартларига яқинроқ туради. Бу жазо тури бошқа жазоларнинг ўташ тартибларидан шуниси билан фарқ қиладики, одатда бу фақат битта тергов изолятор ёки турмада ўталади. Ҳарбий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр.Т.:2004.

<sup>2</sup>М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят ҳукуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ILM ZIYO. 2005.

хизматчиларига нисбатан қамоқ жазоси қамоқхоналарда эмас балки, ҳарбийларнинг ўзларини авахтасида ўтайдилар. Офецерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар билан оддий аскарлар алоҳида-алоҳида хоналарда жазони ўтайдилар<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил йил 3 февралдаги қарори қамоқ тариқасидаги жазони бегилашда «ушбу жазонинг бегилашни судланганнинг дастлабки тергов босқичида қамоқда сақланганлиги билан асосланмасликлари ёки боғламасликлари лозим. Ушбу жазо тури озодликдан маҳрум қилиш жазоси каби судланганни қайта тарбиялашга, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда эришиш мумкин бўлмаган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин»<sup>2</sup> лигини судларга тавсия этган.

Ўтган XX асрда криминалист олимларнинг айримлари қисқа муддатли ОМҚ жазоси етарли даражада самарали натижа бермаётганлигини, шунинг учун бу жазонинг ўрнига қўрқитиш хусусияти кучлироқ бўлган жазо турини жорий қилишни таклиф қилиб келар эди<sup>3</sup>.

Инсонлар бошига мусибат тушиши мумкинлигидан қўрқиш хусусияти қонун талабларига риоя этишни таъминлашнинг муҳим шартидир. Қисқа муддатли ОМҚ жазосининг ўрнига қўрқитиш хусусияти кучлироқ бўлган жазонинг муайян турини олимларимиз кўп вақтлардан бери таклиф қилиб келганлар. Ушбу таклиф эса амалдаги ЖК да инобатга олиниб, алоҳида қамоқ жазоси назарда тутилди.

## **2.6. Интизомий қисмга жўнатиш**

Интизомий қисмга жўнатиш - муддатли ҳарбий хизматчиларни суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган

---

<sup>1</sup> А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.-Б.316.

<sup>2</sup> Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида Ўзбекистон республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли қарори// Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлар тўплами, 1991-1997.1-жилд-Т., 1997.-Б.177.

<sup>3</sup> М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди. 2005.-Б.420.

махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир<sup>1</sup>.

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси фақат муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган асосий жазо туридир. Жазонинг ушбу тури жиноятнинг махсус субъектига нисбатан қўлланилади. Унинг бошқа шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Бу жазо турининг асосий хусусияти шундаки, у фақат жиноят қонуни нормаси санкциясида кўрсатилган ҳоллардагина қўлланилади.

Бу жазонинг моҳияти, ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддатга махсус ички тартиби анча каттиқ бўлган ҳарбий қисмга жўнатишда ифодаланади. Бу жазони ўташда махсус ички тартиб қоидага амал қилинади. Интизомий қисмга жўнатиш асосий жазо тури бўлиб, унинг ижроси муҳофаза вазирлиги томонидан амалга оширилади. Интизомий қисмда маҳкумларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган таътиллار берилмайди<sup>2</sup>.

Интизомий қисмга жўнатиш икки ойдан бир йилгача бўлган муддатга тайинланади. Бундан ташқари, суд иш ҳолатларини ва маҳкумнинг шахсига оид маълумотларни кўриб чиқиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга ОМҚ жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

Маҳкумларнинг интизомий қисмда жазони ўташ вақти ҳарбий хизмат муддатига қўшилмайди. Жазони ўтагандан сўнг маҳкум ҳарбий қисмга жўнатилади. Жазони ўташ вақтида ҳарбий хизмат муддати ўтмаганлиги сабабли, бошқа туридаги жазо билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Агар жазони ўташ давомида маҳкум ҳарбий хизматга лаёқатсиз деб топилса, унга нисбатан бу жазо чорасининг ижроси этиш тўхтатилиши лозим. Бунда суд жазони ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириши ёки жазодан озод қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўз.Р.Жиноят кодекси, Ўз.Р.Адлия вазирлиги. Расмий нашр. Т. 2004.

<sup>2</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИЛМ ЗИҲО. 2005.

<sup>3</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИЛМ ЗИҲО. 2005.

Жиноят ижроия кодексининг 160-моддасига кўра интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан Жиноят процессал кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддатига киритиб ҳисоблаш тўғрисидаги масала гарнизон ҳарбий судининг судяси томонидан жазони ўташ муддати ўтгач қўмондонликнинг илтимосига кўра кўриб чиқилади<sup>1</sup>.

Қонун ушбу жазо чораси қўлланиши мумкин бўлган ҳарбий хизматчилар доирасини ҳам чегаралайди. Бу жазо тури фақат муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатангина қўлланиши мумкин. Демак, ушбу жазо турини қўллаш учун суд ҳукми чиқарилгунга қадар хизмат муддати тамом бўлмаган бўлиши керак.

Жазони интизомий қисмда, яъни ички тартиби анча қатъий бўлган махсус ҳарбий бўлинмада ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳукмни ижросига киришилгандан бошлаб интизомий қисмдан озод бўлгунга қадар ҳарбийлар учун белгиланган имтиёзлар олиш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Интизомий қисмда ўталган хизмат вақти ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига қўшилмайди. Айрим ҳолатларда ҳарбий хизматчи жазони ўтаб бўлганидан сўнг у юборилган қисм командири тавсиясига кўра ҳарбий округ қўшинлари командири қарори билан интизомий қисмда ўталган жазо муддати ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига қўшилиши мумкин. Интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги жазо муддатининг тугаши билан тугайди<sup>2</sup>.

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси Болгария Республикаси ЖК да назарда тутилмаган. Шунингдек, Польша Республикеси жиноят қонунларида ҳам бу жазо тури мавжуд эмасдир. Худди шундай Хитой Халқ Республикасида ҳам бу жазо тури жиноят қонунларида қайд этилмаган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. 546-модда.

<sup>2</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.

Россия Федерацияси ЖК нинг 55-моддасига мувофиқ интизомий қисмга жўнатиш - муддатли ҳарбий хизматчилар яъни, контракт асосида фаолият кўрсатаётган оддий аскар ва сержантлар суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир.

Қирғизистон Республикасининг жиноят қонуни 47-моддасида жазо муддати ҳарбий хизматчиларга 6 ойдан 2 йилгача муддатга белгиланиб, махсус қисмда белгиланган моддалар асосида ҳамда суд иш ҳолатига кўра ва маҳкумнинг шахсини эътиборга олиб, 2 йил муддатгача ОМҚ жазоси ўрнига шу жазони қўллаши мумкин<sup>1</sup>.

Кўриб чиқиладиган жазо чораси ўзига хос бўлиб, фақат муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин. У шартнома асосида хизматни ўтаётган офицер ва ҳарбий хизматчиларга қўлланилмайди<sup>2</sup>.

Интизомий қисмда жони ўташ узлуксиз бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган таътиллار берилмайди. Аммо жазони ўтаётган шахсга алоҳида ҳоллардагина етти суткагача таътил берилиши мумкин<sup>3</sup>.

## **2.7. О з о д л и к д а н м а ҳ р у м қ и л и ш**

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги энг оғир ва муҳим жазо турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир. Озодликдан маҳрум қилиш олти ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади. Озодликдан маҳрум қилиш Ўз.Р.ЖК нинг 60-моддасида назарда тутилган бир неча

---

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Кыргызской Республики. Законодательство зарубежных стран. Предисловие канд.юрид.наук.зам. прокурора Санкт-Петербурга А.П.Стуканова, канд.юрид.наук.зам. начальник управления прокуратуры С.- Петербурга П.Ю.Костантинова. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2002.

<sup>2</sup> А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.-Б.317.

<sup>3</sup> М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди. 2005.-Б.423.

жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркекларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Ўз.Р.ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Агарда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этса ёки эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этса ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Озодликдан маҳрум қилиш бошқа ҳеч қандай асосий жазо тури билан бирга қўлланиши мумкин эмасдир. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси аввалги кодекслардан фарқли тарзда маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборат эканлиги айтиб ўтилди.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси, жиноий жазо мақсадига бошқа жазо чораларини қўллаш орқали эришиш мумкин бўлмаганда ва махсус тартибда маҳкумни жамиятдан ажратган ҳолда тарбиялаш лозим бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу жазога маҳкум қилинган шахсларнинг бир қатор ҳуқуқлари чекланади<sup>2</sup>.

Кириминалист олим А.М Яковлев эса озодликдан маҳрум қилиш жазосини бир қатор салбий хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаб:

а) инсонни юқори даражада нормал ҳаётини шароитларга мослаштириш ният қилинган ҳолда шахс жамиятдан бутунлай ажратиб қўйилади;

б) жиноятчи онгидаги зарарли тушунча ва одатларни ижтимоий фойдали бўлган сифатлар билан алмаштириш мақсад қилиб қўйилгани ҳолда,

---

<sup>1</sup> Ўз.Р.Жиноят кодекси, Ўз.Р.Адлия вазирлиги. Расмий нашр. Т., 2008.

<sup>2</sup> М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.

уни бошқа жиноятчилар гуруҳига қўшиб қўйиладики, бунда шахс бу жиноятчилардан кўпроқ уларнинг ёмон томонларини ўзлаштириб олмаслигига тўла ишониб бўлмайди.

в) жиноятчини нормал ҳаётга, меҳнат муҳитига, эркин шароитдаги ҳаётга ўргатиш мақсад қилинган ҳолда уни эркин ҳаётдан бутунлай узок бўлган муҳитга жойлаштирилади. Озодликдан маҳрум қилиш инсоннинг нотабиий нормал, бўлмаган ҳолатидир;

г) қайтадан жиноят содир этмаслик учун шахс озодликка чиққанидан кейин тўғри йўналиш бўйича фаол ҳаракат қилиши керак бўлади (масалан, ўзига мос иш топиб ишлаш, оилавий муаммаларни бартараф этиш, спиртли ичкиликларга ружу қўймаслик ва ҳаказо). Озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса маҳкумни пассив ҳаёт тарзи кечиришга ўргатиб қўяди.

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумнинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатини чеклаб қўйишнинг алоҳида шакли бўлиб, бу уни бошқа жазо турларидан, ҳатто қамоқ жазосидан ҳам фарқ қилади. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш орқали маҳкумнинг ҳуқуқларини чеклаш комплекс хусусиятга эга бўлиб, маҳкум руҳий ва жисмоний жиҳатдан жамиятдан, ўзи ўрганган муҳитдан изоляцияланиб, жазони қўллаш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун махсус тартиб қўлланилади. Бу чеклашлар меҳнат қилиш эркинлиги, дам олиш ва меҳнат қилиш вақтининг қатъий белгиланганида, эркин ҳаракат қилишнинг, учрашувлар, посилкалар олишдаги чеклашларда ифодаланади.<sup>1</sup>

2003 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга маҳкум қилинган шахсларни жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра унча оғир бўлмаган жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил колонияларига, ўта оғир жиноят содир этганлар

---

<sup>1</sup>М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.

каттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга ўтказилиши лозимлиги белгиланди.

Россия Федерацияси Жиноят қонунида ОМҚ икки турган бўлинган. Биринчи тури Муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумни жамиятдан батамом ажратган ҳолда сақлаш бўлиб, у жазони махсус колония, тарбиявий колония, тиббий ахлоқ тузатиш муассасаси маҳкумни қаттиқ ва махсус режимли колонияда ёки турмада ўтайди. Муддати 6 ойдан 20 йилгача тайинланади. Агар жазоларни бир неча жиноятлар жами бўйича тайинланса унда қўшилган жазолар 25 йилга муддатга, агарда бир неча ҳукмлар юзасидан бўлса 30 йил муддатга тайинланади. Иккинчи тури эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш бўлиб, бу жазо ўлим жазосига муқобил жазо сифатида қабул қилиниб, у ўта оғир ва жиноятлар учун тайинланади. Суд лозим топсагина қўлланилади. Ушбу жазо аёлларга, вояга етмаганларга, 65 ёшга етган эркакларга нисбатан ҳам қўлланилмайди<sup>1</sup>.

Қирғизистон Республикаси ЖК нинг 49-моддасина биноан, озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни мажбурий тарзда жамиятдан ажратган ҳолда уни манзил-колонияси, умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда ҳамда турма қамоғида 6 ойдан 20 йил муддатга тайинланади. Жиноятлар жами бўйича 25 йил бир неча ҳукмлар юзасидан 30 йил муддатга ОМҚ тайинланади. Ўлим жазоси афв тарқасида 30 йил муддатга ОМҚ жазоси алмаштирилиши мумкин<sup>2</sup>.

Қозоғистон Республикаси Жоият қонунида озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратган ҳолда уни манзил-колонияси, умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда ҳамда турма қамоғида 6 ойдан 15 йил муддатга тайинланади. 18 ёшга етмасдан жиноят содир қилган вояга етмаган шахсларга нисбатан жазони манзил ва умумий тартибли тарбия колонияларида ўтайдилар. Ўта оғир жиноятлар учун ЖК нинг 49-моддасига

---

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Российской Федерации. Официальный текст. Москва. ОМЕГА-Л. 2003.

<sup>2</sup> Уголовный Кодекс Кыргызской Республики. Законодательство зарубежных стран. Предисловие канд.юрид.наук.зам. прокурора Санкт-Петербурга А.П.Стуканова, канд.юрид.наук.зам. начальник управления прокуратуры С.- Петербурга П.Ю.Костантинова. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2002.

кўра 20 йилгача ОМҚ ёки умрбод ОМҚ жазосига. Агар жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган бўлса энг кўпи билан 10 йилдан ошмаган муддатга ОМҚ жазосини тайинлаш мумкин АТИ ва озодликни чеклаш жазолари билан ОМҚ алмаштирилганла 6 ойдан кам бўлмаслиги керак. Жиноятлар жами бўйича 25 йил бир неча ҳукмлар юзасидан 30 йил муддатга ОМҚ тайинланади. Умрбод ОМҚ ўлим жазосига муқобил жазоси сифатида суд лозим топсагина қўллаши мумкин<sup>1</sup>.

Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодексида муддатли озодликдан маҳрум қилиш ушбу кодекснинг 50 ва 69-моддаларидан мустақил ҳолда 6 ойдан 15 йилгача белгиланади. Муддатли ва муддатсиз озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси қўлланилган жиноий элемент қамоқда ёки ахлоқ тузатиш муассасаларида жазони ўтайдилар. Ҳар бир меҳнат қилиши мумкин шахс; меҳнат орқали ахлоқ тузатилади. Озодликдан маҳрум қилиш муддати ҳукм эълон қилинган кундан ҳисобланади. Дастлабки терговдаги кун мазкур жазонинг бир кунига бир кун тенг<sup>2</sup>.

Болгария Республикаси ЖК да ОМҚ жазо чораси 3 ойдан 20 йилгача тайинланиши мумкин. 2) алоҳида ҳолларда, яъни умрбод қамоқ жазоси озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилганда жиноятларнинг кўплиги ушбу ЖК нинг 24-моддаси ва 27-моддасининг 1-қисмига биноан ҳамда ЖКнинг махсус қисмида кўрсатилган айрим энг оғир жиноятлар учун 30 йилгача ОМҚ жазоси қўлланилиш мумкин. ОМҚ жазоси қамоқхона турларида, ахлоқ тузатиш уйларида, шунингдек ахлоқ тузатиш ётоқхоналарида ўталади. Ҳарбий хизматчилар, агар улар 2 йилгача ОМҚ жазосига маҳкум этилган бўлса, тегишли ахлоқ тузатиш қисмларида жазони ўтайдилар. Ёш вояга етмаган шахсларга нисбатан жазо ўташ даврида алоҳида парвариш ишлари олиб борилиши керак. Ақли расо деб топилган лекин психопотик, руҳий бузилишнинг оғир ҳолатлари мавжуд айбдор шахслар, тиббий органлар томонидан алоҳида эътиборда бўлиши шарт. ОМҚ жазоси

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Республики Казахстан.1.09.1999. Алматы.. ЮРИСТ. 1999.

<sup>2</sup> Уголовный Кодекс Китайской Народной Республики. Законодательство зарубежных стран. Под редакцией доктора юридических наук профессора А.И.Коробоева. Перевод Д.В.Вичикова. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2001.

ўталаётган даврда шахс тегишли ҳақ тўланадиган меҳнат билан шуғулланиб, бу билан судланганларни ахлоқини тузатиш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш мақсадлари кўзда тутилади. Юқоридагилар билан қўшимча тарбия ва ўқитув тадбирлари ҳам қўлланилади. Бажарилиётган иш жазо муддатини камайтиришга ҳисобланиб, бунда 2 кун иш куни 3 кун муддатга ОМҚ тенглаштирилади. Агар жазога маҳкум шахс жазони ўташ жараёнида муттасил равишда меҳнатдан бўйин товласа ёки қасддан жиноят содир этса ёки ўрнатилган қоидаларни ўташни қўпол равишда бузса ва шу билан тузалиш йўлига тушумаганлигини кўрсатса суд ОМҚ жазосини иш кунларини бекор қилиб ташлайди. ОМҚ жазоси ўташ тарибини шунингдек, маҳкумларни меҳнат ҳақи қонун билан белгиланади. ОМҚ жазосини бирламчи режими ушбу кодекс қоидаларига биноан белгиланади. Уруш даврида ҳарбий суд уруш ҳаракатлари тўхтагунга қадар ОМҚ жазосини вақтинча тўхтатиб туриши мумкин. Маҳкумни эса ҳаракатдаги армияга юбориш мумкин. Агар маҳкум шу давр мобайнида жиноят содир этса, жазони ижро этишни кечиктириш бекор қилинади. Агар маҳкум шахс ўзини армияда яхши кўрсатса, ҳарбий камандир тақдимномасига кўра суд мутлоқа ёки қисман жазодан озод этиши мумкин. Ҳаракатдаги армиядан ногиронлиги муносабати билан бўшатиш маҳкум ўз ташаббусига биноан суд жазодан тўлиқ ёки қисман озод этиши мумкин<sup>1</sup>.

Полша Республикаси Жиноят қонуниинг 37-моддасила кўра, озодликдан маҳрум қилиш жазоси 1 ойдан 15 йилгача муддатга белгиланиб, ойлар, йилларда ҳисобланади. Агар қонун белгиланган жазони камайтириши ва кўпайтириш назарда тутган бўлса, ушбу ЖК нинг 32-моддаси 1,2,3-қисмларида кўрсатилган жазоларни ҳар бирига нисбатан қўлланилади. Кўпайтирилган тарзда жарима 540 кун иш ставкасидан озодлиги муддати 15 йилдан ошиши мумкин эмас. Агар қонун жазон камайтиришини хоҳласа

---

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Республики Болгария. Законодательство зарубежных стран. Научное редактирование канд. юрид. наук. А.И.Лукашова. Вступительная статья доктор права, профессора института правовых наук Болгарской Академии наук Й.И.Айдарова (Республика Болгария) Перевод с Болгарского канд.юрид. наук. Д.В.Милушева (Республика Молдова), Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2001.

умрбод ОМҚ жазоси учун камайтириш 25 йилгача ОМҚ алмаштирилади. 25 йилгача белгиланган бўлса, ушбу жазони 15 йилгача камайтириш мумкин<sup>1</sup>.

## **2.8. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш**

Давлатимиз раҳбари И.Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни, “Суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала-бу жазолаш тизмидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бу ўринда гап, айрим мамлакатларида бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда”<sup>2</sup> лиги таъкидланган эди.

Ушбу маърузадан келиб чиққан ҳолда 2005 йил 1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Мазкур фармонга кўра, 2008 йилнинг 1 январига қадар республикада ўлим жазоси ЖК даги жазо тизмидан чиқариб ташланиб, унинг ўрнига умрбод қамоқ ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилиши белгилаб қўйилди.

Криминалист олим М.Х. Рустамбоев шундай ёзади, “Содир қилинган жиноят учун ўлим жазосини белгилаш ёки белгиламаслик муаммоси мана узоқ йиллардирки, олимлар ўртасида катта мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Хозирги шароитда демократик жамиятда ушбу жазо турининг қўлланиши, инсонпарварлик принцига тўғри келмаслиги, бундай жазо жиноятчига нисбатан қасос олишми ёки аксинчами, агар у қасос олишга

---

<sup>1</sup> Уголовный Кодекс Республики Польша с изменениями дополнениями на 1 августа 2001 г. Законодательство зарубежных стран. Научный редактирование канд.юирд. наук. доц. А.И.Лукашова, док. юрид. наук. проф. Н.Ф.Кузнецовой, перевод с польского Д.А.Барилевич. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2001.

<sup>2</sup> И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». Т.: Ўзбекистон.-Б.48.

каратилган бўлса, жамиятнинг инсонга нисбатан бундай жазони қўллашга ҳаққи борми, деган саволларга рад жавобини берувчилар ҳам, маъқулловчилар ҳам етарлидир. Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики аҳолининг 50 фоизидан 80 фоизигача баъзи оғир жиноятлар учун ўлим жазосини сақлаб қолинишини маъқуллайдилар. Хозирги вақтда дунёнинг катор давлатларида ўлим жазоси энг оғир жазо сифатида қўлланиб келинмоқда”<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олим А.Саидовнинг фикрича, мазкур фармон уч нуктаи назарни ўз ичига олади. Биринчидан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа; Иккинчидан, суд-ҳуқуқ ислохатларининг узвий таркибий қисми ва муҳим босқичи; Учинчидан, Ўзбекистонда амалда шакллантирилаётган адолатли ва инсонпарвар фуқаролик жамияти сари қўйилган қадам деб баҳолаш мумкин<sup>2</sup>.

Амалиётчи ҳам назариётчи ҳисобланган ҳуқуқшунос олим А.Шарафутдинов шундай дейди, “ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятлар кўпайишига таъсир қиладими-йўқми, деган саволга келадиган бўлсак, жиноят ва унга тайинланадиган жазо жиноятларнинг ўсиши ёки камайишига мутлоқ таъсир қилмайди. Улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, хусусан, айрим жиноятчиларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг тайинланиши бу тенденцияга мутлоқ таъсир кўрсатмаётгани ҳам бунни тасдиқлайди”<sup>3</sup>.

Хуллас, ўлим жазосининг Жиноят кодексидан чиқарилиши ҳамда умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий сиёсатини либераллаштирилиши жараёнининг ҳақиқий ифодаси сифатида эътироф этилиши мумкин.

---

<sup>1</sup> М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм/ Дарслик. Т.: ИLM ZIYO. 2005.-Б. 331-334.

<sup>2</sup> А.Саидов. “Яшаш ҳуқуқи дахлсиздир”. Ҳаёт ва қонун. №4. 2005.-Б.13.

<sup>3</sup> А.О.Шарафутдинов. «Жазонинг муқаррарлиги – жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатади”. Ҳаёт ва қонун.№4. 2005.-Б.10 б.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 2007 йил 11 июлдаги конун асосида киритилган ўзгаришлар асосида ЖК 51-моддаси янгича таҳрирда баён қилинди.

Унга кўра умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

## **2.9. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш**

Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин<sup>1</sup>.

Энди биз ҳарбий унвон ва махсус унвонлар тушунчасини кўриб чиқсак. Ҳарбий унвон деганда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида офицер ёки сержантлар таркибидаги хизматчиларга нисбатан бериладиган унвон. Бу унвонлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари томонидан белгиланади. Махсус унвонларга эса қатор соҳаларда белгиланган унвонлар киради. Масалан, Солиқ қўмитаси, Божхона Қўмитаси, Ички ишлар

---

<sup>1</sup> Ўз.Р.Жиноят кодекси, Ўз.Р.Адлия вазирлиги. Расмий нашр. Т., 2004.

вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ва бошқа шундай унвонларни берадиган органларнинг унвонлари.

**Олий ҳарбий унвон** – бу юқори офицерлар таркибига кирувчи шахсларга нисбатан бериладиган унвон. (генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник, Ўзбекистон Республикаси маршали). Олий махсус унвонларга худди шундай унвонларни берувчи органлар томонидан бериладиган унвонлар киради. Бундан ташқари давлат мукофотлари ҳам мавжуд бўлиб, улар шахсга фан, санъат, хўжалик соҳасининг муайян тармоғида олиб борилган фаолияти учун берилади (халқ артисти, халқ шоири, хизмат кўрсатган юрист)<sup>1</sup>.

Қонунда белгиланган унвонлар ва давлат мукофотларидан асосий жазога қўшимча жазо сифатида қўлланилади. Жиноят қонунида ушбу жазо чорасини қўллашнинг қуйидаги шартларини белгиланган: **биринчидан**, бу жазо шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганда қўлланилади; **иккинчидан**, олий ҳарбий ёки махсус унвон ёхуд давлат мукофотига эга бўлган шахс суд ҳукми асосида киритилган тақдимномага асосан ваколатли орган томонидан маҳрум этилади.

Маҳкумни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд ҳукми нусхаси шу унвонни берган органга юборилади. Захирадаги ҳарбий хизматчига ҳукм нусхаси унинг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўлимига юборилади. Унвонни берган органнинг мансабдор шахси маҳкумни унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги ёзувни белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларга киритади, бу унвон билан боғлиқ ҳуқуқ ва имтиёзларни тугатиш чораларини кўради ҳамда ҳукм чиқарган судга ҳукмнинг нусхаси олинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида унинг ижро этилганлиги ҳақида хабар беради<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.

<sup>2</sup> М.Х.Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИLM ZIYO. 2005.

Олий ҳарбий ёки олий махсус унвон ёхуд давлат мукофотидан суднинг ўзи тўғридан тўғри маҳрум қилмайди. Ушбу олий унвонларни берган давлат органига тақдимнома киритилиши билан бекор қилиниши мумкин.

Махсус унвон тушунчасини керак тушунтирадиган бўлсак, бунга профессор, фан номзоди, фан доктори, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг унвонларини айтиб ўтсак бўлади. Фахрий унвонлар эса Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон хизмат кўрсатган юрист ва ҳокозолар ҳам давлат томонидан берилган фахрий унвонлар ҳисобланади.

М.Усмоналиев мазкур қўшимча жазо чорасини қўлланилиши асосларини қуйидаги шартларга таяниб ўрганиш тавсия этади.

1) содир этилган жиноят оғир ва ўта оғир жиноят эканлиги;

2) айбдорнинг шахси: жиноий жавбгарликка тортилгунча ёмон ҳуқуқ-атвори, алкоголизм ёки гиёҳвандлик билан шуғулланганлиги, айбдорнинг оғир ва ўта оғир жиноят содир этишида ўта раҳмсизлик қилганлиги, қисқаси шундай унвонга эга бўла туриб, нолойиқ ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилганлигидир. Бундан ташқари, ана шундай унвон ва у туфайли берилган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда жиноий фаолият билан шуғулланганлиги ва ҳокозолар бўлиш мумкинлиги кўрсатади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди. 2005.-Б. 434-435.

## **III-БОБ.ЖАЗО ТИЗИМИ, ТУРЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИ**

### **3.1. Жиноят ҳуқуқи фанининг методологияси**

Жиноят ҳуқуқи фани ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиши билан бир каторда Ўзбекистон ҳуқуқшунослик фанининг таркибий қисми ҳамдир.

Жиноят ҳуқуқи фани жиноят қонунларининг ривожланиш тарихи; ҳуқуқ ва фан соҳалари; амалдаги қонунчилик; жиноят ҳуқуқига оид нормаларни қўллаш самарадорлиги; чет давлатларнинг жиноят ҳуқуқи ва қонунлари; халқаро жиноят ҳуқуқи нормалари; жиноят қонунларини қўллашнинг назарий муаммолари; жиноят ҳуқуқи социологияси; жиноят қонунининг асосланганлиги ва шартланганлиги ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига хавф солувчи турли ҳуқ – атвор шакллари ҳамда бошқа шу каби муаммоларни ўрганишга боғлиқ илмий нуқтаи назар , ғоя, тушунча ва назариялар тизимидир.

Жиноят ҳуқуқи фанининг асосий вазифаси амалдаги қонунларни қўллаш, уларни истиқболда такомиллаштириш, самарадорлик даражасини оширишнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек жиноят ҳуқуқига оид сиёсатни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида жиноят қонунларининг тараққиётини илмий башорат қилишдан иборат.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқи фанининг предмети ҳуқуқ тармоғи бўлган жиноят ҳуқуқи предметида кенгроқ ва мураккаброқдир. Бинобарин, жиноят ҳуқуқининг предмети жиноят ҳуқуқига оид муносабатлар бўлса, жиноят ҳуқуқи фанининг предметида амалдаги қонунлар, уларни ҳуқуқий қўллаш муаммолари, жиноят ҳуқуқига оид нормалар ва уларни қўллаш самарадорлиги, жиноят ҳуқуқи тарихи, жиноят ҳуқуқига оид тақиқнинг ижтимоий шарт-шароитлари, жиноят ҳуқуқига оид тақиқ механизми, декриминализация муаммолари, чет эл жиноят қонунчилиги ва жиноят қонуни, жиноятларнинг олдини олиш ва тарбиялашнинг жиноят ҳуқуқига оид муаммолари каби масалаларни ўрганиш киради.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни англаш учун жиноят ҳуқуқи назариясида илмий тадқиқотнинг маълум методологиясидан фойдаланиладики, у илмий қонуниятларни англаш усулларининг йиғиндисини ташкил этади. Ўз навбатида, ушбу усул реал борликни англаш ва у ҳақда объектив билимларга эга бўлишнинг маълум усул ва воситалари, йўлларини ўзида мужассамлаштиради.<sup>1</sup> Алоҳида усуллар ва умуман методологиянинг ўзи муайян фаннинг предмети ва мазмунига таянади. Бинобарин, фан мазмуни ҳам, ўзи борликни ўрганиш учун қўллайдиган усулларга асосланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунгача ҳуқуқнинг умумий назариясидаги каби, бошқа тармоқ ҳуқуқий фанларида методология масаласи бўйича ягона фикрга келинмаган бўлиб, у баъзида диалектика усулига ўхшатилса, бошқа ҳолларда ҳуқуқшуносликнинг илмий- фалсафий жихати ёки махсус усул ва воситалар йиғиндиси сифатида тушунилган.

Собиқ “социалистик” даврда жиноят ҳуқуқи фанининг методологияси ҳақидаги масала мунозарали бўлмаган, чунки ўша даврда 1917 йилдан сўнг қабул қилинган марксча-ленинча материалистик диалектикага асосланган нуқтаи назар мавжуд эди. Бунда асосий эътибор ағдариб ташланган тузум ва янгидан қурилаётган социалистик жамият ўртасидаги туб зиддиятларни аниқлаш, криминалист олимлар ва амалиётчилар илгари қилган кашфиётларни йўқ қилишга қаратилган. Бу “Марксизм ва жиноят ҳуқуқи” асарида яққол ўз аксини топган бўлиб, унда эътироф этилишича, “инқилобий марксизмнинг умумий амалий вазифаси кўпуровчилик, яъни капиталистик тузумни ағдариб ташлашдир”, шу муносабат билан “марксизмнинг бутун назарий фаолиятининг хусусияти ушбу асосий йўналишда амалга оширилиши керак”. Бундан “жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳам мазкур йўналишда ишлар амалга оширилиши шарт” деган хулоса келиб чиқади. Шунини айтиш керакки, ушбу “асосий йўналиш” изчил амалга оширилган ва бор нарса “таг-туби билан” йўқ қилинганидан сўнг, ўзига хос

---

<sup>1</sup> Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. – М., 1996. – С. 29;

бутунлаш янги “негиз”да социалистик жиноят хукукининг “янги биноси” курила бошлаган. Бу даврда чоп этилган жиноят хукуки бўйича охири дарсликда “жиноят хукуки фанида назарий билишнинг принципиал ва текширилган асосини диалектик-материалистик методология ташкил қилган ва ташкил қилади”<sup>1</sup> деб ёзилганини таъкидлаб ўтиш кифоя.

Жиноят хукуки методологиясининг мохияти масаласида хукукшунос олимлар маълум ноаниқликларга, баъзида эса илмий кўзбўямачиликка йўл қўйганлар. Шубҳасиз, бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, бироқ улар танқид остига олган манбалар ва асарлар қиёсланганида, кўпгина таъналарнинг ноўринлиги аён бўлади.

Жиноят хукуки фанининг ривожланиш тарихи ҳамда XIX асрнинг 70- йиллари ўрталаридан бошлаб юз берган жараёнларга назар ташлаганидан сўнг ушбу ёндашувнинг ҳаққонийлиги ва адолатлилигини баҳолаш мумкин. Чунончи, ушбу давр жиноят хукуки фани соҳасида классик йўналиш билан бир қаторда, янги ижтимоий ва антропологик йўналишларнинг юзага келиши билан таърифланади. Шу муносабат билан, жиноят хукукининг классик мактаби намояндаси рус криминалисти В.Д.Набоков ўзининг 1896 йил 9 сентябрда Императорлик хукукшунослик билим юртида ўқиган “Жиноят хукуки фанининг мазмуни ва усули” номли маърузасида: “фанимиз мавзусининг ўзи, оддий қилиб айтганда, савол туғдиради”, чунки “фикрлар хилма хиллиги ва улар орасидаги бахслар жиноят хукуки фанининг алоҳида тафсилотларига эмас, аслида унинг мазмуни, усулига тегишлидир”<sup>1</sup>, - деб таъкидлайди.

Ижтимоий мактаб намояндаси М.Н.Гернет шу хусусда қатъий қарор чиқарган ҳолда: “жиноят хукуки фанида изчил босқичларни ҳамма вақт кузатса бўладиган эволюция эмас, аксинча, қўққисдан инқилоб юз берди”<sup>2</sup>, - деб таъкидлайди. Буюк олим янги таълимот тарафдорлари

---

<sup>1</sup> Советское уголовное право. Общая часть. – М., 1988. – С. 13.

<sup>1</sup> Набоков В.Д. Сборник статей по уголовному праву. – СПб., 1904. – С.1.

<sup>2</sup> Гернет М.Н. Социальные факторы преступности. – М., 1905. – С. 4.

карашларининг инқилобийлигини, энг аввало, фан методологияси билан боғлаган.

Хўш, жиноят ҳуқуқининг классик, ижтимоий ва антропологик мактаблари орасидаги тафовутларнинг моҳияти нимада?

Жиноят ҳуқуқи фанининг классик йўналиши мантиқий (бошқача қилиб айтганда, дедуктив, ҳуқуқий ёки догматик) усулга таяниб, унинг моҳияти жиноят ва жазони фақат ҳуқуқий тушунчалар сифатида ўрганиш ва уларни турмуш шароитидан ажратган ҳолда аниқлаш ва текшириш зарурлигидан иборат бўлган. Мазкур фикр ушбу мактаб намояндаларининг кўпгина асарларида ўз аксини топган<sup>1</sup>. Совет давридаги олимлар классик йўналиш таълимотидаги айнан кўрсатиб ўтилган мутлоқ назарияларни танқид қилган ҳолда, XX аср бошларида кенг тарқалган утилитар ва аралаш назарияларнинг мавжудлигини ҳам инкон этганлар. Шубҳасиз, ҳуқуқий тушунчалар ва нормаларнинг юридик тахлилини мутлақлаштириш, ижтимоий борлиқни онгли равишда рад этиш ҳаёт мантиғи ва тушунчалар мантиғи орасида тафовутларни ташкил этарди.

Классиклар таълимотида энг заиф жой жиноятчининг шахсияти, содир этилаётган жиноятларнинг турлари ва тугалланганлик даражаси, шунингдек қўлланишга таалукли жиноий жазо чораларидан келиб чиққан ҳолда, жиноий жавобгарликка табақалаштирилган ёндашувни асослаш муаммоси бўлган. Ўз навбатида, уларнинг таълимотларини позитив ва индуктив усулга асосланган жиноят ҳуқуқининг антропологик ва социологик йўналишларининг намояндалари қаттиқ танқид остига олганлар. Бироқ, шундай бўлса-да, классик мактабнинг ўз афзалликлари бўлиб, у, жиноят ҳуқуқига оид тушунчаларни чуқур догматик таҳлил қилиш, мохирона таърифлаш, изчил тизимлаш ёрдамида “жиноятчиликка қарши курашни ҳуқуқий тизимга солиш орқали юридик фан сифатида жиноят ҳуқуқини

---

<sup>1</sup> Вульфорт А. Методы, содержание и задачи науки уголовного права (вступительная лекция в Демидовском юридическом лицее) – Ярославль, 1891. – С.2; Набоков В.Д. Сборник статей по уголовному праву. СПб., 1904 С.5; ва бошқ.

яратди”<sup>1</sup>. Бироқ ушбу мактаб намояндалари ўзлари танлаган методология ёрдамида жиноятчиликка қарши курашнинг амалий тадбирлари тизимини ярата оладилар, натижада бу “бўшлиқ”ни бошқа мактаб намояндалари тўлдиришга уриндилар.

XIX аср 70- йилларнинг ўрталарига келиб, жиноят ҳуқуқи фанида антропологик ёки бошқача қилиб айтганда, натуралистик мактаб вужудга кела бошладики, у классик мактабдан фарқли равишда ўзининг тажриба усулига таянган ҳолда “жиноят ҳуқуқининг позитив мактаби” деб атала бошлади. Ушбу янги позитив усул жиноят сабаблари сифатида жиноятчининг соматик ва жисмоний сифатларини кузатиш, яъни: ўлчаш, таққослаш, текширишдан иборат бўлиб, уни янги мактаб тарафдорлари жиноятчиликка қарши курашнинг ҳақиқий йўлини топишнинг ягона усули деб эътироф этдилар<sup>2</sup>. Қизиғи шундаки, бундай ёндашув таянган ҳолда, жиноят тамоман табиий ҳодиса деб эълон қилинди, чунки жамиятда гўёки “жиноятчи одам”нинг алоҳида тури мавжуд бўлиб, у туғилганидан бошлаб жиноят содир этишга маҳкум этилган ва ўзига хос анатомик аломатларга эгадир.

Ч.Ломброзонинг туғма жиноятчи ҳақидаги таълимоти аввалига қўллаб-қувватланган бўлса-да, кейинчалик танқидий текширув остига олиниб, рад этилган эди. бироқ, таъкидлаш жоизки, антропологик тажриба ўлчовлари орқали жиноятчиларнинг маълум турларини яратиш Ломброзо таълимотининг бир қисминигина ташкил этарди ва айнан унинг ушбу ташқи жихати кейинчалик фош қилинган эди. Ломброзо таълимотининг асосий моҳияти эса Э.Ферри асарларида<sup>3</sup> ўз аксини топган бўлиб, у ижтимоий тадқиқотларда билишнинг табиий –илмий усуллари (кузатиш ва тажриба)дан фойдаланишга асос солган натуралистик усулга асосланган биологик, биосоциал назария принциpidан иборат эди. адолат юзасидан

---

<sup>1</sup> Трайнин А. Уголовное право. Часть Общая. – М., 1929. – С.7.

<sup>2</sup> Гернет М.Н. Социальные факторы преступности. – М., 1905. –С.10.

<sup>3</sup> Ферри Энрико (1856 -1929) – Ч.Ломброзонинг шогирди ва ғояларининг давомчиси, аввалиги жиноий – антропологик ва жиноий – социал йўналишлар орасида оралиқ нуктаи назарга эга бўлиб, кейинчалик фашизмга бириккан ва ушбу йўналишнинг услублари кўпроқ позитив мактабга хос деб ҳисобланган.

таъкидлаш жоизки, жиноий-антропологик мактаб намоёндалари жиноятнинг антропологик омили билан бир қаторда, бошқа омилларини ҳам инкор этмаганлар. Бинобарин, улар номига айтилган айбларнинг асосий қисмини ана шунинг ўзи ташкил қиларди. Италиян криминалисти Fornasari di Vercening 1894 йилда Турин шахрида чикқан асари муқаддимасида Ч.Ломброзо, ушбу айбловлар юзасидан шундай дейди: “Янги жиноий- антропологик мактабга қарши у ёки бу даражада тарқалган ёлғон айбловларнинг ичида энг эскиси мавжуд бўлиб, у халигача бор: бу бизнинг иқтисодий, атроф-мухит таъсирини инкор этишимиздаги айбловдир”. Ч.Ломброзо фикрининг тасдиғи сифатида, у 1897 йилда нашр эттирган “Homo delinquente” (“Жиноий одам”) асари 5- нашрнинг 3- жилдини мисол қилса бўлади<sup>1</sup>. Бу асарга мурожаат этиб, унинг асосий қисми иқлимий, биологик ва антропологик омиллар билан бирга, жамиятнинг тараққий топганлиги, ахоли зичлиги, очлик, унумсизлик, нон нархи, ичкиликбозлик, маориф даражаси, ахолининг иқтислдий фаровонлиги, таълим-тарбия, ёш ва бошқа жиноятчилик ҳолатига таъсир қилувчи қатор ижтимоий омилларга бағишланганлигининг шоҳиди бўлиш мумкин.

Жиноят ҳуқуқидаги ижтимоий йўналишнинг асосчиси М.В.Духовский<sup>2</sup> классиклар усулини танқид остига олиб, жиноят ҳуқуқи фанини таърифлашда фақат мавхум ақл-идрокдан эмас, чинакам воқеликни ўрганишдан келиб чиқишга чақирди<sup>3</sup>. Унинг фикрича, “жиноят ҳуқуқида фақат жиноят ва унга тайинланадиган жазони ўрганувчи ёки жамият тузумида жиноят деб аталган ходисани тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи фан сифатида қараш нотўғридир. Ушбу ходисани тадқиқ қилар экан, албатта фан, бир қарашдаёқ жиноятнинг аномал ходиса эканлигини тан олади ва шу сабабдан ижтимоий фанлар ўз зиммасига олган вазифалардан

---

<sup>1</sup> Чезаре Ломброзо. Преступление. –М., 1994. – С. 187.

<sup>2</sup> Остроумов С.С. Преступность и её причинк в дореволюционной Росси. – М., 1980. – С.133.

<sup>3</sup> Духовской М.В. Задачи науки уголовного права // Временник Демидовского юридического лицея. КН. 4. Ярославль, 1873. – с. 223.

келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уни тугатиш чора тадбирларини ўйлаб чиқиши керак”.

Юқорида келтирилган илмий қараршларни М.В.Духовский жиноий-антропологик йўналиш пайдо бўлгунига қадар билдирган ва моҳиятан социологик ҳамда натуралистик мактаб тарафдорлари каби, юридик (догматик) усул мазмунини бутунлай инкор этиш ёки камситишга берилмаган. Ваҳоланки, ҳуқуқий ходисаларни анъанавий ҳуқуқий - догматик таҳлил қилишнинг чекланганлиги каби, жиноят ҳуқуқини натурализациялаштиришга умид боғлаш жиноятчиликка қарши курашда амалий вазифаларни ҳал қилишга қодир эмас эди. Шу сабабли, социологик мактаб тарафдорлари бу муаммони жиноят омиллари назариясини яратиш орқали алоҳида жиноятлар мажмуини эмпирик-статистик жиҳатдан ўрганишга асосланиб ҳал қилишга уринганлар. Чунончи, “жиноят ҳуқуқи социологик таълимотининг методология хатоларидан бири, айнан шундан иборат эди”, чунки “статистика усуллари фақат, қўпол қилиб айтганда, кўрилаяётган аломатлардаги ўзгаришлар параллелизминини кузатишга имкон берарди, аммо жамоат муносабатларининг табиати ҳақида ҳеч нима демасди”<sup>1</sup>.

Социологлар методологиясининг заифлиги хулосалар ва дастурлар асосига жамоат тараққиётининг белгилловчи омиллар эмас, иккинчи даражали омилларнинг қўйилганлиги, кузатилаяётган ходисалар қонуниятлари ва ўзаро алоқадорлигини топиш, моҳиятини тушунишга, ҳаттоки оз бўлса-да, уринишларнинг йўқлигида эди. Шундай бўлса-да, жиноятлар ҳақидаги социологик мактаб таълимоти методологик нуқтаи назардан материалистик назария, бироқ метофизик материализм эканлигини инкор этиб бўлмайди. Ушбу мактаб намояндаларининг асосий қисми таклиф этган кўринишдаги социологик методология мақсадга мувофиқ эмас, чунки “у эклектизмнинг типик кўриниши бўлиб, тадқиқотнинг бир-бири билан диалектик боғланишга эга бўлмаган, аксинча, “жиноят догматикаси”, “жиноят

---

<sup>1</sup> Лопалева В.В. Конкретно –социологические исследования в праве. – М., 1987. – С. 11.

этимологияси” ва “жиноятчиликка қарши кураш сиёсати” каби мустақил соҳаларда биргаликда мавжуд бўлган ҳуқуқий ва социологик жиҳатларнинг параллелизмидан иборат”<sup>1</sup>.

Шуниси диққатга сазоворки, юқорида келтирилган фикрни профессор А.А.Герцензон XX асрнинг 70- йилларидаёқ ўзининг машҳур асарида билдирган бўлиб, у муаллифнинг қаршилик билдиришига қарамай, бир нечта асарларда ўз аксини топди ва кейинчалик ҳуқуқий фанда мустақил соҳа криминологиянинг юзага келишида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ўринда методология, илмий билиш усуллари муаммоси энг муҳими муаммолардан ҳисобланади, деб айтиш ўринли, чунки бунга, умуман олганда, фан, шунингдек жиноят ҳуқуқи фанининг мазмуни, тўғрироғи, унинг предмети боғлиқ бўлади. Шу сабабли, жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан жиноятчиликни ўрганиш методологияси ва усуллари ҳақидаги бахслар нафақат ушбу фан мазмуни, балки унинг мавзуси муаммосини келтириб чиқаргани табиийдир.

Методология ҳақидаги мунозарадан юзага келган ушбу йўналишдаги бахслар гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб, ҳалигача ўзининг ягона ва умум эътироф этган тўхтамига келгани йўқ. Бироқ у баъзи босқичларда мутақил фан тармоқларининг юзага келишига сабаб бўлади, масалан криминология мустақил ҳуқуқий фан мавқеига эга бўлди, бошқалари эса ушбу йўналишда ўз йўлини топишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўтган ва ҳозирги аср олимларига эҳтиром ила ва кўпроқ жиноят ҳуқуқи фанига хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳозирги замон олимларининг саводхонлигини ошириш мақсадида, далилларга ўз нуқтаи назаримизни билдирмаган ҳолда, фақат уларни умумий тарзда келтириш орқали ушбу масала тарихига назар ташлашни лозим топдик.

Жиноятлар хусусида антропологик мактаб тарафдорлари кескин нуқтаи назарга эга бўлиб, нафақат жиноят ҳуқуқини юридик фан сифатида бекор қилишга, балки аввалги номидан воз кечишга ҳаракат қилганлар.

---

<sup>1</sup> Герцензон А.А. Уголовное право и социология. –М., 1970. – 22 –б.

Ферри мазкур йўналишнинг энг ёрқин намоёндаси бўлиб, юридик усулга ишонқирамай ёндашган ва янги фанни “жиноят социологияси” деб атаб, унинг предметига жиноятчилик сабаблари, жиноятчининг шахсияти ва жиноятчиликка қарши кураш масалаларини киритган. Италиян олими Колаянни ҳам “жиноят социологияси” деб аталадиган ягона фанни яратишни ва унга қуйидаги бобларни киритишни таклиф қилган: 1) жиноятнинг ривожланиши ва этимологияси; 2) жиноятга қарши оғохлантириш ва қатағон ёки жиноят ҳуқуқи орқали курашиш; 3) жиноятларга қарши курашнинг оғохлантириш ва қатғон қилиш чораларининг аҳамиятига боғлиқ равишда жиноятчилик тарихи.

Россиялик фан намоёндалари М.В.Духовский, И.Я. Фойницкий, М.П.Чубинский, М.Н.Гернет кабилар жиноят ҳуқуқи фанининг кенгрок мазмунга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги нуқтаи назарга таяниб, жиноятни нафақат ҳуқуқий ходиса сифатида, балки ижтимоий ходиса сифатида ҳам ўрганиш керак, деб фикр юритганлар.

Жиноят ҳуқуқининг классик мактаби намоёндаларининг фикрича эса, жиноят ҳуқуқи фақат ҳуқуқий фан бўлиб қолиши керак. Бундай фикрни Н.С.Таганцев, Н.Д.Сергиевский, Н.Н.Полянский, С.В.Познишевлар қўллаб-қувватлаганлар. Хусусан, улар жиноят ҳуқуқининг жиноят социологиясига “сингиб кетишига” йўл қўйиб бўлмайди ҳамда жиноятни ўрганишнинг биологик ва социологик усуллариини инкор этмаган холда, бундай ўрганишни бошқа фанлар – жиноят антропологияси, социология, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати амалга ошириши керак деб ҳисоблаганлар. Чунончи, жиноят ҳуқуқи фани, керак бўлганида, улардан зарур маълумотларни олиши мумкин: Масалан, профессор Н.Д.Сергиевский ҳуқуқий ва ижтимоий (социологик) усулларни бир фанда бирлаштиришнинг ножоизлиги ҳақидаги нуқтаи назарини асослаган холда, ҳуқуқий тадқиқотнинг мақсади учламчидир, яъни: “биринчидан, суд амалиётига ҳаётда учраб турадиган хусусий ходисаларни қонуннинг умумий шаклида ифодаланган умумий қоидага бўйсундириш юзасидан кўрсатма бериш;

иккинчидан, конун чиқарувчига ҳаётда учраб турадиган хусусий ходисаларни қамраб олган ҳолда, ушбу конунни тўғри қўллаш бўйича кўрсатмалар бериш, учинчидан, жинойт ҳуқуқининг ижобий тажрибасини ўрганган ҳолда, амалдаги конунни умумий ва қисман тушуниш ва баҳолашга шароит яратишдир. Аксинча, социологик тадқиқот бундай махсус амалий мақсадларга эга эмас; социолог олим бир нарсага, чунончи, жинойтнинг бошқа ижтимоий ходисалар ичида ўрни ва моҳиятини англашга интилади”<sup>1</sup>, - деб таъкидлайди.

Фанда ҳуқуқий, социологик ва антропологик элементларининг ўзаро боғлиқлигига немис олимлари катта аҳамият берганлар. Хусусан, Ф.Лист жинойт ҳуқуқи фанининг предметиға қуйидагиларни киритади: 1) жинойт ва жазони умуман ҳуқуқий жихатдан тадқиқ этиш бўлиб, ушбу йўналишни тор маънода жинойт ҳуқуқи деб атайдди; 2) жинойтчиликнинг сабабларини ўрганиш учун позитив усулни қўллаш ва мазкур йўналишни криминалогия деб белгилаш; 3) жинойтчиликка қарши курашнинг энг мақбул воситалари ҳақидаги таълимот ва ушбу йўналишни жинойтчиликка қарши кураш сиёсати деб атайдди. Ф.Лист, ўз навбатида, криминалогияни жинойт антропологияси (жинойтни алоҳида инсон ҳаётидаги ходиса сифатида ўрганувчи бўлим) ва жинойт социологияси (жинойтни ижтимоий ходиса сифатида ва унинг ижтимоий омилларини ўрганувчи бўлим)га ажратади.

Немис олими профессор Варга бирмунча ўзгача талқинни таклиф қилади. Чунончи, у “криминалогия” мавзуси остида учта йўналишни бирлаштиришни таклиф қилади. Биринчи йўналиш жинойт антропологияси деб аталиб, у ўз ичига; а) жинойт биологияси (у жинойтни биологик ходиса сифатида ўрганади) ҳамда б) жинойт социологиясини ( у жинойтни ижтимоий омиллар ёрдамида ўрганади) олади.

Иккинчи йўналиш жинойт ҳуқуқи деб аталади. Бунда, Варганинг социологик мактаб намояндаси эканлигини ҳисобга олиб, жинойт ҳуқуқи предмети жинойтнинг олдини олиш ҳақидаги таълимот ҳисобига

---

<sup>1</sup> Цитата манбаи: гернет М.Н. Социальные факторы преступности. – М., 1905. – С. 20-21.

тўлдириш таклиф этилади. Ушбу йўналишнинг иккинчи таркибий қисмини давлатнинг жазолаш фаолияти ташкил этиб, у уч қисмдан иборат бўлган: а) моддий жиноят ҳуқуқи; б) формал (расмий) жиноят ҳуқуқи- замонавий талқинда жиноят процесси; в) жиноий жазони ижро этиш процесси (замонавий талқинда жиноят ижроия ҳуқуқи ва х.к.). учинчи йўналиш сифатида жиноятчиликка қарши кураш сиёсати таклиф қилиниб, у ўз навбатида, у ёки бу қилмишни жиноят тоифасига киритишнинг асосланганлиги ва унга қандай жазо турларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиш лозим бўлган қисмга ва мавзунини давлатда жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилишдан иборат бўлимларга бўлиниши керак эди.

Таъкидлаш жоизки, “янги” фан мазмуни ва мавзуси ҳақидаги юқорида айтиб ўтилган принцип ўша даврда амалга ошмай қолиб кетган, бироқ учала мактаб ўз тадқиқот усулига эга бўлиб, ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи методологиясининг ривожига улкан ҳисса қўшган эди. айниқса, ушбу йўналишлар орасида XIX асрда кузатилган қатъий чегараланиш XX асрда янги йўналишлар бўлимиш “янги классиклар”, “янги антропологлар” ва “янги социологлар”нинг пайдо бўлиши билан йўқ бўлиб кетган эди<sup>1</sup>. Шундай бўлишига қарамай, бу масала бўйича мунозара тўхтагани йўқ. Аксинча, “социализм” даврида 20- йиллардан сўнг жиноят ва жазонинг ҳуқуқий ва социологик жihatларини ўрганишга ҳаракат қилинишига қарамай, “Хрушчев даври”га келиб жиноят ҳуқуқидан социологик усулни қўллаш муаммоси умуман олиб ташланган эди. 60- йилларга келиб жонланган бахс-мунозаралар кейинчалик криминалогиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига имкон берди ҳамда жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ҳақидаги тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборади. Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқи социологиясининг шаклланишига имкон берди ва

---

<sup>1</sup> Герцензон А.А. Уголовное право и социология. –М., 1970. – С. 20-22;

баъзи олимларга бирмунча ноанъанавий йўналишлар, масалан, жиноят ҳуқуқига оид этнографияни тадқиқ этишга туртки бўлди<sup>1</sup>.

Хозирги вақтда санаб ўтилган йўналишлардан ҳеч қайсиси асл ҳолда сақланмаган бўлиб, жиноят ҳуқуқида билишнинг ягона усули бўлишда даъво қила олмайди. Чунки уларнинг ҳар бири у ёки бу ходисани маълум бир тарафдан ёритади, холос. Аммо бу уларнинг ноилмий усул, эканлигини билдирмайди. Ҳуқуқий-догматик, табиий-илмий ва социологик усулларнинг амалий самарасизлиги, “чекланганлиги”, энг аввало, уларнинг идеалистик ва метафизик усулларга таянганлиги бўлиб, чунончи, охиргиси ялпи “мақом”га эга бўлишга даъво қилади. Шу билан бирга, фан тарихи ва ижтимоий амалиётнинг тараққиёти материя ва табиатга нисбатан онг ва тафаккурнинг бирламчилиги ҳақидаги хулосаларнинг асоссизлигини кўрсатди. Демак, ушбу йўналишда воқеликни билишнинг ягона илмий усули илмий фалсафа усули ва диалектик усул ҳисобланади. Шу туфайли, иқтисодий ва сиёсий тизимлардаги ўзгаришларга қарамай, улар жиноят ҳуқуқи соҳасида ҳам асосланиши лозим бўлган айнан тўғри методологик негиз ҳисобланади.

Бироқ илмий фалсафа усули жиноят ҳуқуқи фани асосланиши керак бўлган ягона усулдир, деган фикрлар ҳам нотўғридир. Айниқса, агар бу уни “асл” ҳолда қўллашга тегишли бўлса, чунки у билан бирга, бошқа усулларни ҳам қўллаш керак бўлади. Жиноят ҳуқуқида ушбу усуллар қаторига ҳуқуқий- догматик, табиий-илмий, социологик, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий ва бир қатор бошқа усуллар киради. Улар бир қадар мустақил бўлиб, фалсафий усулга кирмайди, ваҳоланки, охиргиси жиноят ҳуқуқи оид тадқиқотларда диалектиканинг асосий қонун ва категорияларини қўллаш имкониятини беради. Бинобарин, улар жиноят ҳуқуқи тайёр схематик кўринишда қабул қилинмай, мазмунга кўра модификациялашади ва жиноят ҳуқуқи фанига мувофиқ равишда махсус маънога эга бўлади. Барча айтиб ўтилган усуллар ўзаро боғланган бўлиб, узвий бирликда

---

<sup>1</sup> Набутаев Э.Х. Арзымбетов М.У. Уголовно –правовая этнография. – Нукус. 1996 – С. 92

қўлланиши керак. Чунки айнан илмий фалсафа у ёки бу фан тармоғининг усули фаолиятини танлаш ва йўналтиришни, балки ҳар бир муайян тадқиқотда қўллаш шартлари, хусусиятлари ва чегараларини белгилайди.

Бирок бундай ёндашувда жинойт ҳуқуқининг методологияси ҳақидаги масала “очиқ” қолади. Назаримизда, ҳуқуқшунослик бу соҳада ҳуқуқнинг умумий назарияси сифатида тан олиш керак бўлган махсус методологияга эга бўлиб, ўз навбатида, ҳуқуқий фан сифатида ва бошқа ҳуқуқий фанлар, чунончи, жинойт ҳуқуқи учун методология бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, “муайян ҳуқуқий фанлар намояндаларининг ҳуқуқшуносликдаги фундаментал методология масалаларни ишлаб чиқишга эҳтиёж йўқ, аксинча, ҳуқуқнинг умумий назарияси бўйича мавжуд билимларни қўллаш бирмунча қулай ва мақсадга мувофиқдир”. Шундай қилиб, ҳуқуқнинг умумий назарияси методологик вазифага эга бўлиш билан бирга, жинойт ҳуқуқи фани учун методология бўлиб хизмат қилиши лозим.

### **3.2. Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишнинг замонавий услублари**

Жинойт ҳуқуқи фанида муаммоли вазият кенг қўламда ўрганилган, билиш ва билим олишга қаратилган жараён бўлиб ҳисобланади. Жинойт ҳуқуқи фани ривожланиш тарихини таҳлил қилсак, жинойт ва жинойтчиликнинг пайдо бўлиши уни олдини олишда юзага келган муаммоли вазият тўғрисида мулоҳаза юритишдан бошланганлиги яққол омилларда қайд қилиб ўтилган. Модомики шундай экан, муаммоли вазият шахсни фикр юритиш жараёнига етаклайди, яъни жинойт қонунини билиш фаолиятини, ноаниқ, номаълум янги масала моҳиятига киришга, уни ҳал қилишга йўналтиради.

Муаммоли вазият мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар, ҳуқуқшунос олимларининг қатор илмий мактаблар ва йўналишларни, таълимотларида атрофлича ўрганилган. Муаммоли вазият борлиқни билишнинг энг омилкор,

оқилона услуби, қолаверса унинг генезиси эканлиги тўғрисидаги ғоя ижтимоий-тарихий тараққиётнинг XV-XX асрларида юксак кўрсаткичларга эришди.

Психология асосчиси Т.В.Кудрявцев талқинича, фанни ўқитиш жараёни талабалар олдида муаммоли вазият яратиш, ўқувчи билан ўқитувчи ҳамкорлигида, ўқитувчининг умумий раҳбарлигида, талабаларнинг мустақил билиш (ақлий) фаолиятини амалга ошириш натижасида мазкур вазиятни англаш, тан олиш, ечимини қидириш ва ҳал қилиш учун воситалар танлашда ўз аксини топади<sup>1</sup>.

Муаммоли вазият субъект билан объектнинг ўзаро бир-бирига таъсир этишини ифодалаб, субъектга масала (топширик) ни ҳал қилишни, то шу давргача унга (инсонга) номаълум бўлган билимларни ва ақлий фаолият усуллари аниқлашни талаб қиладиган психик ҳолат сифатида гавдаланади. Муаммоли вазиятнинг тузилиши шахснинг интеллектуал фаолиятини муайян мақсадга йўналтирувчи билиш эҳтиёжидан, оқибат натижада эса эгаллаш зарур бўлган номаълум билимлар, ақлий ҳаракат воситалари ва усуллари хамда потенциал резервлар (ички имкониятлар, институционаллик) тарздаги психик қўзғатувчилардан иборатдир.

Муаммоли вазиятда янгиликни англаб етмаслик, уни ечиш зарур бўлган фаолиятни амалга оширишни уддасидан чиқмаслик, мазкур ҳолатда очилиши шарт ҳисобланган фаолиятга, воситалар ва шарт-шароитларга тааллуқли номаълумлилик, қўйилган масалани (топширикни, фан асосларини) фикр юритиш операциялари ёрдами билан эгаллаш жараёнлари иштирок этади. Бошқача сўз билан айтганда, муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва уни ҳал қилиш учун унда изланадиган номаълумлик, янгилик, ноаниқлик, изланувчида эса қидириб топа билиш имконияти, шунингдек, янги билимларни ўзлаштиришга нисбатан эҳтиёж мавжуд бўлиши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муаммоли вазият фақат юқорида таҳлил қилинган таркиблардан иборат эмас, албатта. Бизнингча, у қуйидаги

---

<sup>1</sup> Э.Ғ.Ғозиев, Р.Х.Тошимов. Психология ўқитиш методикаси. Т., УЗМУ. 2005. 81-82 бетлар

босқичларда мужассамлашуви даркор бўлиб, улар узлуксиз, иерархик тузилмани вужудга келтиради:

- 1) муаммоли вазиятгача вазият;
- 2) муаммоли вазият;
- 3) Муаммоли вазиятдан кейинга вазият;

Юқоридаги кўринишларни қуйидагича тушунтириш мумкин: муаммоли вазиятгача вазият (муаммонинг туғилиши) муаммонинг ечилиши, мутлоқ эмас, балки нисбий хусусият касб этиши) муаммоли вазиятдан кейинги вазият (унинг ечими муайян ақлий эҳтиёжи туфайли яқунланмаганлик туйғусини келтириб чиқариши, ечимлар хилма хиллиги, модификациялари, инвариантлари тўғрисида ғоялар уйғониши, номаълумликнинг пайдо бўлиши, шубҳаларнинг англанилган мотивларига айланиши ва ҳоказо).

Жазо тизими ва турлари мавзусини чуқур таҳлил қилиш топшириқ ёки объектни ҳар томонлама мустақил мулоҳаза этиш ва у тўғрида фикр юритишга асосланади. Муаммоли вазият ўз ичига қуйидаги муҳим томонларни қамраб олиши мумкин, гоҳо уларни босқичлар деб юритиш қабул қилинган.

Биринчидан, муаммо қўйилишини инсон тушуниб етиши, яъни топшириқ (масала ёки муаммо) англанишини (ифодаланиши) тушуниши. Иккинчидан, муаммони ҳал этишга ёрдам берувчи восита, усул, йўл-йўриқ, операция, ақлий ҳаракатларни инсоннинг ўзи излаб топиши ва уларни маълум тизимга солиши. Учинчидан, шахс муаммони ҳал этиш учун сараланган усулларни аввалги усуллардан ажратиш, яъни уларнинг салбий томонларини олиб ташлаш, қолганларини ўз ўрнида ва тўғри фойдаланиши, Тўртинчидан, инсон муаммо ечимининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши учун танқидий нуқтаи назардан текшириб чиқиши кабилар.

Юқорида ажратиб кўрсатилган босқичлар шартли, муваққат хусусиятга эга бўлиб, одамларнинг фикр юритишида алоҳида ажралиб турмасдан, балки қисқа дақиқалар (сониялар) оралиғида ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун бу

ўринда шахс ўта зийраклик билан уларни англаб олишга ҳаракат қилиши лозим.

Энди ҳар бир босқич ва пунктни чуқурроқ ёритиб ўтишга, шарҳлаб беришга ҳаракат қиламиз. Муаммо (масала, топшириқ) инсон олдига қандай қўйилишини англаб етмасдан туриб, уни ҳеч қачон ҳал этиш (биринчи пункт назарда тутилади) мумкин эмас. Шунинг учун қўйилаётган муаммо инсоннинг ёшига, билим савиясига, касб-корига тўла мос тушиши шарт. Бундай камчиликни содир бўлиши аввало ўқитувчининг бола ёш хусусиятлари ва интеллектуал имкониятларини тўла билмаслигидан ёки унга жиддий эътибор бермаслигидан келиб чиқади. Ана шундай ўнғайсиз ҳолатларни юзага келмаслиги учун ўқитувчи муаммони тўғри танлаши ва у талабалар онгига чуқур ҳамда етарли даражада пухта етказиши жоиз. Муаммо юқорида таъкидлаб ўтилган талабга тўғри (адекват) жавоб берган тақдирдагина тингловчиларга тушунарли бўлиши мумкин.

Муаммо моҳияти инсон онгига сингиб етгандан кейин уни оқилона ҳал этишни таъминловчи восита, усул, йўл-йўриқ, ақлий хатти-ҳаракат операция кабиларни излаш, қидириш ва муайян тизимга солиш билиш фаолияти бошланади иккинчи пункт. Топшириқ - муаммо одамларнинг индивидуал-типологик ҳамда ёши хусусиятлари ва ақлий фаолият имкониятларига қараб, турлича суръатда, мураккабликда намоён бўлиши, кечиши, ечими топилиши мумкин. Шахснинг ақлий фаолиятида вужудга келган бундай рухий ҳолат инсоннинг асаб тизими хусусиятларига алоқадор бўлиб, турлича кўринишга эгадир. Асаб тизимининг суст (инерт) ёки фаоллик хусусиятлари ўрта ва олий таълимдаги муваффақиятнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Рус дифференциал психология илмий мактабининг тадқиқотларида кўрсатилишича, инсонда бундай хусусиятлар унинг (одамнинг) туғилишидан пайдо бўлиб, бутун онтогенез мобайнида айрим ўзгаришларга юз тутиши кузатилади. Бироқ биологик шартланган хусусиятлар ва сифатларнинг кескин ўзгартириш имконияти йўқдир.

Агарда инсоннинг асаб тизимида, сусткашлик хусусияти мавжуд бўлса, у холда муаммо аста-секин ҳал этилади ва унинг моҳиятини англаш муддати узокқа чўзилади. Демак, вақтдан ютқазиш эвазига муаммони ўз муддатида ечиш мумкин бўлмай қолади. Шунинг учун масала моҳиятини тушуниш борасида инсоннинг индивидуал-типологик хусусиятларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, ҳар қандай ақлий зўриқишдан асраниш лозим. Асаб тизими фаол хусусиятга эга бўлган шахс муаммо моҳиятини тез тушуниб этади ҳамда ўз муносабатини билдиради. Бинобарин, бундай хусусиятли инсон топшириқни қисқа вақт ичида тез суръат билан ниҳоясига етказди. Бунинг эвазига муаммо ечимини осонлаштирувчи омилларни, яъни восита, усул, йўл-йўриқ, ақлий иш-ҳаракатини излаш, муайян тизимга солиш жараёни муваффақиятли якунланади.

Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишда талаба олдида қўйилган муаммони тўғри ҳал қилиш борасида инсон томонидан ажратилган восита ролини бажарувчи усулларни (агарда оригинал бўлса, нур устига аъло нурга айланар эди), аввал қўлланилган усулларнинг салбий томонларидан ажрата олиш, аниқлай билиш ва улардан ўринли ҳамда тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади(учинчи пункт). Бунинг туб маъноси шундан иборатки қўллаивериб путурдан кетган, эски воситалардан фойдаланишдан қочиш лозим, акс холда унинг таъсири салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун талабалар ҳамда ўқувчиларни ҳамма нарсадан оқилона фойдаланишга ўргатиб бориш ҳозирги замон талаби бўлиб ҳисобланади. Ўрта ва олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнида ҳосил бўлган, шаклланган кўникма ва малакаларни кўр-кўрона қўллашдан сақланиш айни муддаодир. Акс ҳолда интерференция ҳодисаси юз бериб қолиши мумкин, лекин бу ақлий фаолият маҳсулдорлигига салбий таъсир этади. Интерференция деб, шаклланган малакаларни янги шароитга нотўғри қўллаш натижасида салбий таъсир этиш ҳодисаси тушунилади. Бунинг асосий сабаби бу талабаларда таркиб топтирилган кўникма ва малакаларнинг нотўғри кўчишидир. Кўчиш

ходисаси деганда ўрганилган восита, усул ва бошқа жараёнларни янги шароитда ҳамда вазиятда қўллай олиш ҳодисаси англанади.

Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишда муаммо (масала, топшириқ) шахс томонидан ҳал қилингандан кейин уни танқидий нуқтаи назардан текшириб чиқиш(тўртинчи пункт) ва унинг ечими тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш фаолияти ҳам ижобий хусусияти касб этади. Бунинг учун талабада ўзининг ва ўзгаларнинг фикри ҳақида танқидий мулоҳаза юритиш қобилияти шаклланган ва такомиллашган бўлиши керак. Бу борада вужудга келган шарт-шароитлар, объектив ва субъектив вазиятлар шахснинг диққат марказидан четга чиқмаслиги жоиз. Бундай олийжаноб юксак ҳислат талабада ҳар томонлама авайлаб тараққий этилса, бу йўналишда кўзлаган мақсадга эришиш мумкин.

Талабаларнинг объектни ҳар томонлама таҳлил қилиши, ўзаро изчил боғланган санаб ўтилган 4 пунктдан ташкил топган бўлиб, улар ақлий фаолият давомида бир-бирини тақозо этади. Бундан ташқари, талаба олдида турган муаммонинг бир ёки бирдан ортиқ хусусияти, хоссаси, қонуниятлари, муносабатлари ва ички мураккаб боғланишларни очиқ бериш вазифаси эмас, балки воқеликда мавжуд ҳислатларни тўла ёритиб бериш, мулоҳаза юритиш масаласи мужассамлашади.

Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишда талабалар олдида вазифа қўйилаётганида унинг қайси томонларини ёритиш мумкинлигининг шартларини таъкидлаш, иложи бориचा уларнинг онгига сингдириб бориш мақсадга мувофиқ. Мабодо, масаланинг барча шартлари тўла ёритилмаса, у тақдирда воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва шу нарса тўғрисида бирор қарор ёки ҳулоса чиқариш мумкин бўлиб қолади. Шунинг учун турли ёшдаги инсонлар ҳал этиши керак бўлган топшириқни тўғри танлай билиш вазиятни оқилона аниқлай олиш, инсонларга воқеликни омилкорлик билан, одилона тушунтира олиш зарур.

Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишда талабаларга қуйидагича муаммоларни бажариш учун вазифа қилиб топшириш мумкин: Ўзбекистон

Республикаси жиноят кодекси бўйича жазо турларини такомиллаштириш масалаларини тушунтириб беринг. Ушбу муаммони ечиш жараёнида улар объектнинг ҳамма томонларини тахлил қиладилар, чуқур мулоҳаза юритадилар, ҳукм ҳамда хулоса чиқарадилар. Шундай қилиб, бир талай амаллардан фойдаланиш туфайли муаммо ҳал қилинди: қўйилган муаммони бўлакларга ажратиб тахлил қилиш, уни яхлит тушуниб етиш, ҳал этиш учун воситалар қидириш, топилган воситаларни сақлаш ҳамда зарурини танлаб олиш, уни ечиш учун усуллар қўллаш, ечимни танқидий текшириб чиқиш, шунингдек, муаммо ечими юзасидан мантиқий хулосага келиш.

Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишда муаммоли ўқитиш услубияти талабанинг ақлий фаолияти тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиб, мантиқий фикрлаш доирасини янада кенгайтиради. Уларда моддий борлик, шахслараро муносабат ҳамда уларнинг механизмларини ҳар томонлама англаб олишга асосий негиз бўлиб хизмат қилади. Нарса ва ҳодисаларнинг ички мураккаб боғланишларини, қонуниятларини мустақил равишда тушуниш учун имконият туғдиради. Уларнинг мулоҳаза юритиш доирасини кенгайтиради, ўқув мотивларини юзага келтиради. Воқеликни билишга фаоллик уйғотади. Мустақил ишлашга пухта замин ҳозирлайди.

Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишда муаммоли вазият мана бундай шартларга риоя қилинган тақдирдагина ижобий натижалар беради:

Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишда муаммоли вазият инсонларнинг ёш давр хусусиятлари, ахборотларни эгаллаш, ўзлаштириш даражаси, индивидуал типологик хусусиятлари ва қобилиятларини ҳисобга олган тақдирдагина вужудга келтириш мумкин. Муаммоли вазият уларнинг кучига, қобилиятига, имкониятига мос қилиб яратитиши лозим, аммо ўта оддий ёки ўта мураккаб бўлмаслиги керак.

II. Танланган муаммо қандайдир ташқи турткига, яъни мотивацияга, йўлланмага, установкага таянмаслиги лозим.

III. Муаммони ҳал қилиш йўлини, ўсишини, вазиятни тушунган ҳолда талабаларнинг ўзлари мустақил топа билишлари ва қўллашлари жоиз.

IV. Қўйилган муаммони қандай тартибда ҳал қилиш зарурлиги, яъни воқеликнинг айрим хусусиятларини ёритиш муаммо тарзда бўлиши шарт.

V. Муаммони "ижодий" ҳал қилиш имконияти яратилган бўлиши керак, бунда берилган матндан ташқари, ижодий тўлдиришлар, қўшимчалар билан уни бойитиш, ечимини қидириш вазифасини қўйиш мақсадга мувофиқдир.

## ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот иши жиноят қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида жазо тизими ва турларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтказилган тадқиқотнинг натижасида биз томонимиздан айрим хулосалар таклиф сифатида қуйидагича илгари сурилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 42-моддасида жиноий жазо тушунчасига аниқ таъриф берилган бўлиб, бунга кўра жазо жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ва уларни чеклашдан иборат мажбурлов чораси эканлиги кўрсатилган. Аммо, жазо тушунчасига дуёндаги криминалист олимлар турлича таъриф берганлар. Жазога аниқ ҳеч қачон аниқ таъриф бериб бўлмайди ва бизнингча мумкин ҳам эмас, жазога таъриф ҳар бир давлатнинг ўзининг давр талаби ва ижтимоий аҳволидан ва жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ёндошилади. Шундай бўлсада, амалда бўлган Жиноят кодексимизнинг 42-моддасидаги жазога берилган таърифни ҳозирги замон ва давр талабига мос деб биламиз ва ушбу таърифга биз ҳам қўшиламиз.

2. Мамлакатимиз ҳудудида жазо тизимининг тарихий ривожланиш босқичига назар ташлар эканмиз қуйидаги хулосаларимизни билдиришимиз мумкин. Арабалар босқинига қадар тарихий манбалардан маълум бўладики, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида илк давлат уюшмалари Алп Эр Тунга (Афросиёб) давлати, Қанға давлати, Давань, Кушонлар, Эфталитлар ва Турк ҳоқонлиги давлатларида содир этилган жиноятларга нисбатан жазолар асосан ҳар-бир халқнинг яъни, ўша вақтларда ҳукмронлигини ўрнатган давлатларнинг одат ҳуқуқлари билан жазоланиб келинганлиги, кейин эса ислом шариатда назарда тутилган жазолар, Россия империяси босқинидан кейинги даврда хонликларда жазо сиёсатида Ўзбекистон ҳудудида аралаш жазо тизими қарор топганлиги, бир томонда маҳаллий қозилар томонидан

майда кам аҳамиятсиз жиноятлар учун шариат қонун-қоидаларига кўра жазолар тайинланса, иккинчи томонда сиёсий тус олган оғир турдаги жиноятлар учун рус империяси томонидан ишлаб чиқилган Низом-йўриқномалар асосида жазолар тайинланган. Учинчидан эса, маҳаллий ҳокимлар томонидан ўзбошимчалик билан инсон ҳуқуқлари топталиб ҳеч бир ёзма манбасиз жазолар тайинланган бўлса, айтилиши вақтда ҳудуддаги қозоқ ва қирғизларнинг бийлари томонидан одат ҳуқуқларига асосланиб жазолар тайинланган. Собиқ шўролар томонидан босиб олинган ҳудудларида эса НКЮ нинг турли йўриқномаларида назарда тутилган жазолар қўлланган. 1926, 1959 йиллардаги собиқ Ўзбекистон ССРнинг ЖК да назарда тутилган жазо тизимларидаги жазолар шаклланган. Бундан кўринадики, миллий давлатчилигимиздаги жазо тизимининг тарихий ривожланиши ўзига хослиги ва аралаш жазо тизими вужудга келган деган хулосага келиш мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 44-моддасида назарда тутилган жарима жазосини янги таҳрирда икки хил кўринишда янгидан баён қилишни тавсия қилар эдик. Биринчиси: Айтилиши ҳозирги кўринишдаги жарима жазоси бўлиб, бунга кўра жарима фақат айбдордан давлат фойдасига пул ундиришдир дейилган. Бизнингча, бу таъриф унчалик мантиқан олиб қаралганда тўғри эмас. Чунки, модданинг диспозициясида фақат айбдордан пул ундириш деб аталгандан сўнг, жазонинг номланиши ҳам ўзгартирилиши керак деб ўйлаймиз ва жарима жазосининг янги номланиши **Пуллик жарима** деб ўзгартирилиши лозим. (Бунга мисоллар, Польша Республикасида “**пул тўлови**”, Хитой Халқ Республикасида “**пуллик жарима**”). Ушбу давлатларда жарима фақат пул билан ижро этилиши ўз ўзидан тўғридир. Чунки, жазонинг номланиш ўз номи билан пуллик жаримадир. Иккинчиси: Жарима сўзининг маъноси анча кенг тушунча бўлиб у фақат пул билан қопланиш тушунчаси билан чегараланиб қолмасдан ўз ичига бошқа тушунчаларни ҳам олади яъни, муайян қийматга эга бўлган нарса билан ҳам жазода кўрсатилган миқдордаги жаримани тўлашни ҳам назарда тутди. Агар жарима жазоси ҳозирги номланиши билан қолдирилса, унда нафақат

айбдордан давлат фойдасига пул ундириши, балки моддий қийматга эга бўлган қимматбаҳо буюмлар ёки бошқа моддий, албатта муомалада ишлатилиши мумкин бўлган моддий аҳамиятга молик нарсаларни тегишли баҳоловчи комиссиянинг қарори асосида баҳоланиб, жарима жазоси ижро этилса айти замон талабига жуда-жуда мос тушган бўлар эди.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 45-моддасига биноан, муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш жазоси ҳам асосий жазо, ҳам қўшимча жазо тариқасида тайинланади. Бизнингча, ушбу жазонинг турининг асосий ва қўшимча сифатида тайинланиши тўғридир. Айрим ривожланган давлатларнинг жиноят қонунларида ушбу жазо номланиш турличадир. Масалан, кўпгина давлатларда “шахсни муайян фаолият билан шуғулланиш ёки муайян мансаб билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш” деб кўрсатилган. Бизнингча, муайян фаолият билан шуғулланиш ёки муайян мансаб билан шуғулланиш ҳуқуқлари, айти бир пайтда иккала тушунча ҳам бир маънони яъни, муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш тушунчаларини беради.

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 46-моддасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу ўринда АТИ жазосидаги меҳнатга қобилиятсизлар сўзнинг тушунчаси озгина мавҳумдир. Шу мақсадда, меҳнатга қобилиятсизлар деган сўзни олиб ташлаб, унинг қўлланилиши доирасини кенгайтириб I, II, III-гурӯх ногиронларига нисбатан ҳам қўлланилмайди деб ўзгартириш лозим.

6. Қамок жазоси гарчанд жуда ҳам қисқа муддатга тайинлангани билан бошқа жазолардан ўзининг қаттиқлиги билан ажралиб туради. Жиноят қонунчилигимизда қамок жазоси қисқа муддатли қаттиқ жазо тури бўлсада, унинг қўлланилиш доираси аниқ кўрсатилмаган ва суд лозим топган барча судланувчиларга нисбатан қўлланилавериши мумкин. Бироқ, ушбу жазо турининг қаттиқлигини ҳисобга олиб, ушбу жазо тури 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганларга, ҳомиладор аёлларга, 8 ёшгача боласи бор аёлларга асосий боқувчиси бўлса, ҳарбий хизматчиларга тайинланмайди ҳамда ҳарбий

хизматчилар қамоқ жазосини ўрнига гауптвахталарда жазони ўтайдилар деб киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

7. Интизомий қисмга жўнатиш жазоси муддатли оддий ҳарбий хизматчиларга нисбатан тайинланади. Бугунги кунда давлатимиз томонидан ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотларни ҳисобга олиб, бир ойлик ҳарбий хизматни ўтаётган “зиҳирадаги чақирув резерви ҳарбий хизмати” да хизмат қилаётган ҳарбийларни ҳам ушбу жиноятнинг субъекти қилиб белгиланса, зеро улар ҳам 1 йиллик муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг келгусида жамиятдаги барча ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланишлигини ҳисобга олиб уларни алоҳида субъект қилиб киритиш лозим.

8. Озодликдан маҳрум қилиш жазосида бугунги кунда бир қатор енгиллаштирувчи томонга босқичма-босқич либераллаштирилиб борилмоқда. Ушбу жазо турида яққол кўзга ташланувчи жиддий ўзгартириш талаб қиладиган ҳолатлар ва нормалар мавжудлиги аниқланмаган бўлсада, бироқ 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини жазо тизимидан буткул бекор қилиниб, унинг умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилганлигини инобатга олиб, ҳозирги ОМҚ жазосининг номланиши ҳам ўз-ўзидан мантиқан олиб қаралганда ўзгартиришни тақозо этади. Шудан келиб чиққан ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг номини, **“Муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш”** деб ўзгартириш лозим бўлади.

9. Келажакда Жиноят қонунинг жазо тизимида доир бўлган нормаларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйида ҳозирги ЖК да мавжуд бўлмаган жазо турларини янгилик сифатида киритишликни илгари сурмоқдамиз:

Жиноят Кодексига Жамоат иззаси деган асосий жазо назарда тутилган эди. Жамоат иззаси жазосида айбдор ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, қилган айбини тан олган ҳолда жамоа олдида тавба қилиб, узр сўрагандагина, унга нисбатан суд ҳукми билан жамоат иззаси қўлланиши

мумкин. Ҳукм эса судланувчининг ишлаб турган ёки яшаш жойларидаги жамоа олдида ўқиб эшиттирилади, зарур ҳолларда бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ёхуд бошқа йўллар билан кенг жамоатчиликка билдирилади. Ислом шариатдаги жамоат иззаси ва бошқа катор «таъзир» жазоси турларидан, албатта ижобий натижа берадиганларини танлаб олиб, амалдаги ЖК га киритиш лозим бўлади. Ушбу жазо маҳкумга маълум даражада таъсир кўрсатади. Жамоат иззаси бошқа жиноий жазоларга қараганда тарбиявий аҳамияти билан фарқланади. Жамоат иззасининг яна энг муҳим вазифаларидан бири бу маҳкумга маънавий томондан таъсир кўрсатишидир. Давлатимиз фуқароларининг ҳуқуқий онги ўсиб бораётганлиги ҳамда давлатимизда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ҳам юксалиб бораётганлигини, шунингдек давлатимиз томонидан жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатларини ҳисобга олиб, ушбу сиёсатга ҳамоханг тарзда фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги жазо тизимига ушбу жазони қайтадан алоҳида асосий жазо сифатида киритилса айни муддоадир. Таъкидлаш жоизки, жамоат иззаси жазоси ҳозиргача қўлаб Романа-Герман ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган давлатларнинг жазо тизимларида турли номлар билан самарали жазо сифатида қўлланилиб келмоқда. Мисол учун, Польша Республикасида “ҳукмни оммага эълон қилиш”, Болгария Республикасида «жамоатчилик танбеҳи», Голландияда “ҳукмни матбуотда эълон қилиш” каби турлари шулар жумласидандир.

10) Жазо тизими ва турлари мавзусини ўқитишда замонавий техник воситалардан, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, биринчидан ўқув аудиторияси керакли замонавий техник воситалар билан жиҳозланиши, иккинчидан, ўқитувчида талабалар мустақил кўникмаларини шакллантира олиш, уларни дарсада фаол иштирокини таъминлаш қобилияти мавжуд бўлиши керак.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». Т.: Ўзбекистон.-Б.48.
2. Каримов И.А. “Адолат-қонун устворлигида”. Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги маърузаси/, Халқ сўзи. 2001.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” Т. Ўзбекистон. 1999. Том 7.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. Т.: Ўзбекистон, 1992.-Б.17.
5. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т. Ўзбекистон. 1997.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2010.

### **II. Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.:Ўзбекистон. 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Расмий нашр Т,: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2008.
3. Собиқ Ўзбекистон ССРнинг Жиноят Кодекси, Т.: Рабочий Суд. 1926.-Б. 20-26.
4. Собиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси, Т.: Ўзбекистон ССР Давлат наш.1959.-Б.11-17.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг қарорлар тўплами. 1991-1997 й. Т.: -Т.1997.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001. 9-10-сон. 165-модда.
7. Уголовный Кодекс Российской Федерации. Официальный текст. Москва. ОМЕГА-Л. 2003.-С.18-19.
8. Уголовный Кодекс Республики Казахстан. До 1.09.1999 дополнение. Алматы. ЮРИСТ. 1999.-С.14.
9. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики. Законодательство зарубежных стран. Предисловие канд.юрид.наук.зам. Прокурора Санкт-Петербурга А.П.Стуканова, канд.юрид.наук.зам. начальник управления прокуратуры С.- Петербурга П.Ю.Костантинова. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2001.
10. Уголовный Кодекс Республики Польша. С изменениями дополнениями на 1 августа 2001 г. Законодательство зарубежных стран. Научный редактирование канд.юрид. наук. доц. А.И.Лукашова, док. юрид. наук. проф. Н.Ф.Кузнецовой, перевод с польского Д.А.Барилевич. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2001.
11. Уголовный Кодекс Республики Болгария. Законодательство зарубежных стран. Научное редактирование канд. юрид. наук. А.И.Лукашова. Вступительная статья доктор права, профессора института правовых наук Болгарской Академии наук Й.И.Айдарова (Республика Болгария) Перевод с Болгарского канд.юрид. наук. Д.В.Милушева (Республика Молдова), Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2001.
12. Уголовный Кодекс Китайской Народной Республики. Законодательство зарубежных стран. Под редакцией доктора юридических наук профессора А.И.Коробоева. Перевод Д.В.Вичикова. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. 2001.
13. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. Т.: Адолат. 2008.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида”ги Фармони. 2005 й. 1 август

15. Ўз.Р. Олий Суди Пленуми қарори «Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан айрим Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги» №10. 2002.
16. Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги Қарори

### **III. Махсус адабиётлар:**

1. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Т.: ТДЮИ, 2005.-Б.213.
2. Ал-Бухорий. Ҳадис.жилд 4.-Т.: Қомуслар Бош муҳарририяти, 1992.-Б. 321.
3. Анденес И. Наказание и предупреждение преступлений. М.:Прогресс, 1979.-С.94.
4. Афиногенов С.В. «Уголовное право» // “Юрист” М.:2000.
5. Беккария Ч. О Преступлениях и наказаниях, М.: 1939.-С.373.
6. Беккария Ч. О Преступлениях и наказаниях, М.: 1939.-С.373.
7. Беляев Н.А. Цели наказания и средства их достижения в исправительно-трудовых учреждений.- Л., ЛГУ. 1963.-С.10.
8. Голоднюк М.Н. «Уголовное право В ХХІ веки» Москва. «ЛексЭст» 2002.
9. Дементьев С.И. Лишение свободы. Уголовно-правовые и исправительно-трудовые аспекты. Ростов, 1981.-С.45.
10. Джекебаев У. Основные принципы уголовного права Республика Казахстан (сравнительный комментарий книга Дж.Флетчера и А.В.Наумова «Основные концепции современного уголовного права») Алматы: Жеті жары, 2000,-С.54.
11. Джекебаев У.С., Судакова Р.Н. и др. Криминологические и уголовно-правовые проблемы наказания. Алма-Ата. «Наука» 1983.

12. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий наш. 2004.-Б.302.
- 13.Карпец И.И. Наказание: Социальные, правовые и криминологические проблемы.-М.: 1973.-С.10.
- 14.Коментарий к Уголовному кодексу РСФСР “Юридическая литература” М.:1971.
- 15.Комментарий у УК.России.-М.: Вердикт.1994.-С.70.
- 16.Коробоев. А.И. Усс.В.. Голик Ю.В. Уголовно-правовая политика. Красноярск.изд-во КГУ.1991 й.-С.157.
- 17.Курс советского уголовного права № 5 Издательство Ленинградского Унверситета. Ленинград-1981.
- 18.Мокринский С.П. Наказание, его цели и предложения.-М.: 1911.-С.155-158.
- 19.Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳукуқи/ Дарслик. Умумий қисм. Т., Адолат. 1998 .-Б.178.
- 20.Мукумов З.Ю. Ўзбекистон Давлат ва Ҳуқуқ тарихи. Самарқанд. Зарафшон. 1998.-Б. 90.
- 21.Мухтасар.-Т.: Чўлпон. 1994.-Б.284.
- 22.Найимов С. С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. Юрид. фан. номз.... дис. автореф. – Т., 2007.
- 23.Ниёзова С. Иштирокчилик тушунчаси, турлари, шакллари ва жавобгарлик масалалари. Т: ТДЮИ, 2003.
- 24.Пайзуллаев Қ.П.ва бошқа. Ўлим жазоси: Ўтмишда, ҳозирда ва келажакда-Т.: Турон-Иқбол. 2005.-Б.280.
- 25.Позднышев С.В. Основные вопросы учения о наказании.-М.:1904.-С.262-263.
- 26.Ражабова М. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. – Т.: Адолат, 2005.
- 27.Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. Т.: Адолат, 1996.-Б.83.

- 28.Разгильдиев В.Т. Задачи уголовного права Российской Федерации и их реализация.-Саратов.: изд-во Саратовского ун-та, 1993.-С.73.
- 29.Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. Умумий қисми/ Дарслик. Т.: Ўқитувчи. 1969.-Б. 230.
- 30.Ременсон А.А. Является ли кара целью и её реализация.-Воронеж, ВГУ, 1983.-С.25.
- 31.Рустамбаев М.Х. Курс уголовного право Республики Узбекистан. Общая часть. Т. 1: Учение о преступлении. Учебник для ВУЗов. – Т., 2009.
- 32.Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида шарҳлар. Умумий қисм. Т.: ИЛМ ЗИҲО, 2006-Б.
- 33.Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: ИЛМ ЗИҲО 2005.-Б. 480.
- 34.Сергиевский Н.Д. Русское уголовное право Часть общая”,1990.
- 35.Скрябин М.А. “Общее начало назначения и наказания и их применение несовершеннолетним” // Изд. Казанского Ун-та, 1988.
- 36.Смолькова И.А. Штраф как мера наказания по советскому уголовному праву. Иркутск, 1979.-С.6.
- 37.Стручков Н.А. Наказание, системе его видов и иных мерах уголовно-правового воздействия. В сб. Актуальные проблемы уголовного права.- М., Изд-во АН СССР,1988.-С.
- 38.Сундров Ф.Р Лишение свободы и социально психологические предпосылки его эффективности. Казань 1982.
- 39.Сыдыкова Л.Ч. «Система и виды наказаний по уголовному праву Кыргызской Республики». Бишкек. 1999.-С.357.
- 40.Таганцев И.С. «Русское уголовное право. Часть общая». // Том-1, Санкт Петербург.1999.
- 41.Условно досрочное освобождение и другие виды условного освобождения 2000.

42. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ - Т.: Янги аср авлоди. 2005.- 626.
43. Усмоналиев М. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари. Ўқув қўлланма/ - Т.: ТДЮИ 2003.-Б. 88.
44. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент. 2010.
45. Ўзбекистон Республикаси 1959 ва 1994 йиллардаги жиноят кодексларининг қиёсий тўплами: Қонунлар, норматив ҳужжатлар, маълумотлар // Тўпловчилар: М. К. Мирзаолимов, Г. М. Мирзаолимова, Н. М. Мирзаолимов. – Т., 1997.
46. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Ўз.Р. ИИВ Академияси, Т.: Адолат. 1997..
47. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. «Ўзбекистон» Т.:1973.
48. Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексига шарҳлар. Т.: “Ўзбекистон”. 1988.- Б.48.
49. Хайдар С. Основание уголовной ответственности и наказание по уголовному праву Народной Демократической Республики Йемен. Автореф. канд.диссертации.-М., 1985.-С.15.
50. Шаргородский М.Д. Наказание, его цели и эффективность. Л., 1973.- С.12-13.
51. Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик/ -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.

#### **IV. Илмий мақолалар**

1. Абдумажидов А. «Жазо ва жавобгарлик» Қонун ҳимоясида. №4. 2001-Б.14-16.
2. Абдумажидов Ғ.. “Ўлим жазосини бекор қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва маънавий аҳамияти” ҲУҚУҚ-ПРАВО-LAW. №4. 2005.- Б.11-14.

3. Абдумажидов Ғ.А. Қонун ижодкорлиги муаммолари / Инсон манфаатлари: Қонун ҳужжатларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари. – Т.: 1998. – Б.57.
4. Давлетов А. “Озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобиллар: реаллик ва истикбол» Қонун ҳимоясида. №7. 2000 .-Б. 24-26.
5. Зарипов З.С., Тажиев Т.Т. Жиноят кодексини такомиллаштириш тўғрисида фикр-мулоҳазалар. // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2001, №3. – С.60.
6. Зокирова О. “Мақсад ва моҳият» . Ҳаёт ва қонун. №4. 2005.-Б. 9.
7. Илҳомов О. Жиноят қонунини такомиллаштиришнинг айрим муаммолари // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2002, №1. – С.15.
8. Исмоилов И. “Уй қамоғи озодликдан маҳрум қилишнинг муқобили сифатида” ҲУҚУҚ-ПРАВО-LAW. №1. 2001-Б.55-59.
9. Комилов Ф. “Инсонпарварлик намунаси” Ҳаёт ва қонун. №4. 2005.-Б. 8.
10. Муқимова М. «Қўшимча жазо нима?» Ҳаёт ва қонун. №3. 2004.-Б.37.
11. Мустафоев Б.. “Инсонпарварлик ва адолат тамойилларига садоқат ифодаси». Ҳаёт ва қонун. №4. 2005.-Б.5.
12. Окюлов О. “Жамиятимиз инсонпарварлик, халқ иродасининг ёрқин ифодаси” Ҳаёт ва қонун. №4. 2005.-Б.6.
13. Пулатов Ю. Мамадалиев У. “К вопросу об отмене смертной казни в Республике Узбекистан». ҲУҚУҚ-ПРАВО-LAW. №4. 2005.-Б.15-16.
14. Ражабова М. “Жазонинг мақсади – жавобгарликдан огоҳ этиш” Инсон ва қонун. №9. 2005.-Б.4-8.
15. Расулов Ш. “Ҳаёт бахш эзгулик” Ҳаёт ва қонун. №4. 2005.-Б. 8.
16. Саидғозиева С. “Одиллик мезони”. Ҳаёт ва қонун. №4. 2005.-Б.12.
17. Саидов А. “Яшаш ҳуқуқи дахлсиздир”. Ҳаёт ва қонун. №4. 2005.-Б. 13.
18. Сафаров А. “Ўлим жазоси” Ҳаёт ва қонун. №2, 2005.-Б.20-21.
19. Ткачевский Ю.М. Режим исполнения лишения свободы. Вестник. МГУ, серия 11, Право. №3. 1992.-С.64.
20. Тўраев Ж. «Жазо сиёсатини эркинлаштириш» Қонун ҳимоясида. №4. 2004.-Б. 22-23.

21. Умидуллаев И. “Ўлим жазоси ” ҲУҚУҚ-ПРАВО-LAW.№2. 2005.-Б. 88.
22. Ўсаров О. “Мақсад: бағрикенглик ва адолат. Ўлим жазоси: кеча ва бугун”. Ҳаёт ва қонун. №4. 2005.-Б.7.
23. Шарафутдинов А.О. «Жазонинг муқаррарлиги – жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир курсатади”. Ҳаёт ва қонун. №;4. 2005.-Б.10.
24. Юлбарсов С.«Жиноий жазоларни либераллаштирилиши йўлида яна бир қадам» Қонун ҳимоясида. №7. 2003.-Б.19.